



ИСТИҚБОЛ ҲАҚИҚАТЛАРИ

Бугунги кунда табиат ва жамият, инсон ва техника ҳақидаги илмий билимлар, ишончли далилларни тарқатиш ва бу борадаги ишларни ташкил этиш, унга раҳбарлик қилиш - жамиятнинг ақлий ва маънавий имкониятини элтувчи зиёлилар зиммасидадир. Улар ижтимоий ва маънавий ҳаётда, кишилар онгида кечаётган ўзига хос жараёнлар, ҳозирги ёшларнинг келажак ҳаёти билан боғлиқ муаммолар хусусида ўз қатъий сўзларини айтишлари керак.



Мамлакат зиёлиларининг маърифий, олижаноб анъаналари туфайли иқтисод, фан ва техника, сиёсат, жамиятнинг маънавий ҳаётидаги долзарб масалаларни ижодий ҳал этиш борасида нималар қилинмоқда ёки нима ишлар қилиниши керак ўзи?

Журналист Ибодулла Холлиев ТошДУ ректори, техника фанлари доктори, адабиёт ва санъат ихлосманди, академик Тўлқин Миркомиллов билан худди ана шу мавзуларда суҳбатлашди.

МАЪНАВИЙ УЙҒОНИШ ЭҲТИЁЖИ

- Сиз раҳбарлик қилаётган Абу Райҳон Бериуний номли Тошкент Давлат техника университети Марказий Осиёдаги энг йирик олий ўқув юртларидан биридир. Университет мамлакатимизга илм-фан, техника соҳасида етакчи мутахассис ва йирик кадрлар етказиб беришда алоҳида ўрин тутди. Таълим масканининг илмий потенциали ҳам кучли. Бу - имконият, албатта. Лекин имкониятлардан унумли фойдалана билиш мутлақо бошқа гапдир. Ҳукуматимиз яратиб бераётган шарт-шароитлар ёки илмий потенциал имкониятларидан оқилона фойдаланиш учун нималар қилиниши зарур?

- Таълим тизими, маънавият, ахлоқ, маданият, кадрларнинг касбий лаёқати, меҳнатга муносабати, масъулияти ва бошқалардаги изчилликни янада юксак кўтариш учун давлатимиз томонидан катта ишлар қилинмоқда. Аммо бу ишларнинг ўзигагина мамлакатнинг ҳар тарафлама ривожланиши учун етарли эмас. Агар биз давлатимизнинг ҳар тарафлама камолотини кўрмоқчи бўлсак, энг аввало, ҳозирги шароитимиз ва келажак-истикболимиз ҳақидаги чуқур илмий тасаввурлардан ташқари, инсониятнинг амалий эҳтиёжлари учун хизмат қиладиган аниқ (фундаментал) фанларга таяниб иш юритишимиз лозим. Бунинг учун эса, йирик олимларимиз илмий-техника соҳасида эришган ютуқлари ва илғор тажрибаларини ишлаб чиқариш ҳамда халқ хўжалигига самарали жорий этишда ўзаро ҳамкорлик қилишлари зарур. Фақат Ватан ва Халқ тақдирига бефарқ қарай олмайдиган инсонларгина бундай ҳамкорликни маънавий эҳтиёж деб биладилар. Фақат тараққийпарвар олимларгина жамиятни янги ғоялар билан бойитади, мамлакатнинг интеллектуал (маънавий) жиҳатдан ўйғонишига катта ҳисса қўшади. Тўғриси айтганда, бизда ҳозир ташқи ўзгаришларни кўпроқ кузатиш мумкин, лекин инсоннинг маънавий, ички-руҳий, психологик ўзгариши ҳам жамият тараққиётида ўта муҳимдир. Маънавий - ички уйғониш эҳтиёжи заруратга айланган сайин истикбол ҳақиқатлари ҳам ўз жамолини тобора аниқ кўрсата бошлайди.

- Ҳозирги замонда қуруқ даъватлар билан бирор натижага эришиб бўлмайди. Маънавий ва моддий асос бўлмаган жойда тараққиётга ҳам ўрин йўқ. Билимсиз бирор бойлик яратишнинг ўзи амри маҳолдир. Зеро, билимнинг ўзи жамиятнинг энг қимматбаҳо бойлигидир. Билим - жамиятни ҳаракатлантирувчи қудратли куч. Аммо, бу қудратли куч демократик жамият, тараққиёт, халқлар дўстлиги, эркинлик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, халқларварлик идеалларига самарали хизмат қилдиришга йўналтирилган ҳолдагина катта ютуқларга эришилади. Бу борада олимларимиз ёшларга ибрат бўладиган қандай хайрли ишларни амалга оширмоқдалар?

- Олимларимизнинг ҳозирги вақтда мамлакатимизда олиб борилаётган буюк иқтисодий ва ижтимоий ислохотларда фаол иштирок этиши ҳамда унинг натижаларидан фахрланиши ёшлар учун ибратли эмасми? Дарвоқе, бугунги кунда инсон мўъжизалар яратмоқда. Келгусида эса фан-техника соҳасида янада чексиз имкониятлар ва кенг истикболлар очилажак. Биз ҳозирданок тўғри йўл танлай олдик, деб ўйлайман. Негаки, фанимиз тарихида буюк ишлар қилган ва фидокорлик кўрсатаётган замонавий олимларимизга бўлган эътибор фанга бўлган ҳурматимиз, билим ва ҳақиқатга бўлган муҳаббатимиз ифодасидир. Бизнинг алоҳида шахсларга бўлган чуқур ҳис-туйғуларимизнинг боиси ҳам шундадир. Мен етук алломадаримизни назарда тутаяпман, албатта. Улар ҳақиқатни ўз шахсий истак ва муносабатларидан юқори қўйишган. Ҳақиқий олимнинг вазифаси халқ билан ёнма-ён бормоқдир. Халқни ҳақиқат зиналари узра тобора юқорироқ кўтаришга хизмат қилишдир. Ўзини халққа яқин тутишдир. Ахир, халқнинг тараққиёти даражаси унинг олимлари меҳнати ва улар кашфиётларининг кадр-қиммати билан белгиланади-да. Жаҳон тан олган олимлари кўп бўлган халқнинг парвози ҳам баланд, тараққиёти ҳам юксак бўлади. Бизнинг буюк тарихимиз бунга ёрқин мисолдир.

Умуман, олимларимизнинг қилган ишлари ҳақида мактаниш эмас, балки эндиликда қилиниши лозим бўлган ишлар тўғрисида ёшларга кўпроқ сўзлаб, фаннинг истикболли соҳаларини аниқ белгилаш ва бу

борада уларни изчил меҳнат қилишга ўргатиш, шубҳасиз, самарали натижалар беради. Ёшлар инсоний камолотга қанчалик интилса, уларнинг ижтимоий муносабатлари ҳам сохталик ва ёлғондан шунчалик холи бўлади.

- Илмий изланиш натижалари иқтисодий заминга ҳам боғлиқ. Кашфиётлар ҳам ўз-ўзидан оппа-осонгина яралиб қўя қолмайди, ахир. Пул-маблағ бўлмаса на илм, на ишлаб чиқариш, на амалиётда катта ютуқларга эриштилади. Боз устига, ҳозирги бозор иқтисодига ўтиш даврида, «қилинажак кашфиёт - янгиликлар бирор иқтисодий фойда келтирсин-да, акс ҳолда, унга фалон-фалон сўм-маблағ сарфлашнинг нима кераги бор», деган қатъий талаб-мулоҳазалар ҳам мавжуд.

- Тўғри. Ҳар қандай илмий янгилик ёки кашфиёт, энг аввало, инсоннинг амалий эҳтиёжлари учун хизмат қилиши лозим. Аммо фандан фақат иқтисодий фойда излаш - таъмагарлик юзасидан яхшилик қилишдек гап, ахир. Ҳолбуки фан эзгулик тимсоли. Фақат алик олиш учунгина салом берилмагани каби фанда ҳам фақат фойда олиш учун изланишлар олиб борилмайди. Илмий изланиш, биринчи гада, маънавий эҳтиёж, иккинчидан эса, у - инсоний бурчдир.

Фан - бутун инсониятнинг мулки. У фақат битта ёки бир гуруҳ инсонлар манфаатинигина кўзда тутмайди. Фаннинг хусусияти - умуминсоний, вазифаси - ҳақиқатни излаш ва Инсонийликка хизмат қилишдир. Фан соҳасидаги таъмагарлик ватанпарварлик ва инсонийликнинг қушандасидир. Инсонийлик йўқ жойда эса ҳеч нарса йўқдир.

- Рағбат-чи? Фанда рағбатлантиришнинг аҳамият йўқми?

- Рағбат керак, албатта. У олимлар меҳнати самарадорлигини оширади. Мен илм аҳлининг ишига таъсир кўрсатишнинг ижтимоий, ахлоқий, молиявий, кадрлар билан боғлиқ омилларини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Лекин бу ерда уларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида изоҳ бериб ўтишга ҳожат бўлмаса керак, деб ўйлайман.

- Мени кўндан буён бир масала қизиқтириб келади. Нима учун кейинги юз йилликда Ғарб мамлакатлари илмий-техника соҳасида катта ютуқларга эришди?

- Илмий ғоялар тажриба ва мантиқий фикрлар асосида исботланиб, техник тизимларда реалликка айланди. Ва бу XX аср цивилизациясининг асосий хусусиятларини белгилаб берди. Бунда демократия ва эркин рақобатнинг хизматини ҳам инкор этиб бўлмайди.

Энг асосийси, фан бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланиши учун фундаментал билимлар ривожига алоҳида эътибор берилган. Бу фандаги барқарор ҳолат, шаклланган анъаналарда муқаррарлик тусини олган нуқтаи назарларнинг ўзгаришига олиб келди. Натижада фан ва техниканинг янги соҳалари очилди, технология тубдан ўзгарди. Ҳар қалай, техникавий ва ижтимоий тараққиёт бир-бирлари билан узвий боғлиқдир.

Аммо инсониятнинг орзу-умидларига етишиши фақат фан ва техниканинг муваффақияти билангина

белгиланмайди. Янги жамият жисмоний, руҳий ва маънавий жиҳатдан соғлом ёхуд бахтли инсонларнинг ҳамжиҳатлиги тимсолида намоён бўлсагина барча эзгу орзуларнинг амалий ифодасини кўриш мумкин. Инсонни ҳасталик ва азоб-уқубатлардан холи этиш, уни ҳар томонлама тарбиялаб, комиллик чўккисига кўтариш янги алоқа воситалари, техника, технология, транспорт яратиш, уй-жойлар қуришдан кўра аҳамиятлироқдир. Ҳуллас, инсон ҳаётидаги ўзгаришлар жуда кўп омилларга боғлиқ. Фан эса ҳал этувчи омиллардан биридир. У ҳамиша замонавийдир

ТЕХНИКАВИЙ ИНҚИЛОБ - ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

- Мамлакатимизда юз бераётган инқилобий ўзгаришлар кишиларимизни янгича фикрлаш тарзига ўргатмоқда. Бироқ айни пайтда технологик инқилобнинг ёшларимиз ҳаётидаги, ватанимиз тақдиридаги, умуман, дунёвий тараққиёт ва муносабатлардаги аҳамиятини тўла англаш, у билан боғлиқ ҳолда ҳаётимизни, келажагимизни олдиндан тасаввур қила билиш бугунги куннинг муҳим масалалардан бирига айланиб бормоқда...

- Худди ана шу янгича фикрлаш тарзи, ёшларимизнинг қалби уйғониши, шуури янгилалиши ҳозирги замон муаммоларини тўғри тушуниш, эскича қараш (стереотип)лар ва қотиб қолган ғоялар (догма)ларнинг сунъий тўсиқларини енгиб ўтиш имконини беради. Равшанки, янгича фикрлаш тарзи жамиятимизнинг келажак тақдири билан боғлиқ нафақат амалий ишларга, балки назарий фикрлаш ривожига ҳам алоҳида юксак талаблар қўймоқда. Ҳар қалай, XXI асрда иқтисодий жиҳатдан ривожланиш жамиятни инсонпарварлаштиришга олиб келар. Албатта, мен бунда фан, техника, технология, информация (ахборот) оламида яратилган мўъжизавий ютуқлар инсон бахт-саодати, фаровонлиги учун йўналтирилишини назарда тутаяпман. Бироқ техникавий инқилобсиз мўъжизавий ютуқлар ҳам йўқ.

- Бизда ҳам техникавий инқилоб асослари етиляптими?

- Бирор нарсанинг мустаҳкам асосини юзага келтириш ҳеч қачон осон кечмаган. Лекин инсон фақат орзу-хаёллар билан яхши кунларни кутиб яшайвермайди-ку! У ҳамиша ўз тақдирини яратиш, ўз моҳиятини кашф этиш учун интилади.

Ҳар қандай давлатнинг буюк келажагини белгиловчи асосий омил - техникавий тараққиётдир. Ватан келажагининг қандай бўлишини унда илм-фан, техника, таълимга бўлган эътибордан билса бўлади.

Ёшларимизга фан-техника сирларини ўргатмасдан туриб, буюк келажакка даво қилиш ҳам хом хаёллиқдир.

- Илмда, масалан, қайси соҳаларни ривожлантириш асосида жаҳон бозорига бемалол чиқа оламиз ёки фойда оламиз?

- компьютерлар, хусусан, суперкомпьютерлар ва



сунъий интеллектли ЭХМларнинг янги авлодини яратиш;
- оптик толали алоқа воситалари ва ёруғлик толали электроника;

- самарали дори-дармонлар ишлаб чиқариш, шунингдек, қишлоқ хўжалигида татбиқ этиладиган ирсий муҳандислиги (ген инженерияси);

- завод ва фабрикаларни, бизнес ва банк хизматларини автоматлаштириш;

- тиббиётда СПИД ва рак хасталиқларини ташхис қилиш ва даволашга олиб келувчи кашфиётлар;

- электрон асбобларнинг турли-туман қисмларини такомиллаштириш, шунингдек, кимё ва озиқ-овқат саноатида қўллатиладиган ўта нозик қопламалардан фойдаланишни йўлга қўйиш ва бошқалар самара берувчи тармоқлардир.

- Назаримда, техникавий масаланинг услубий тарғиб-қондалари, йўналиши бир оз бўлса-да, аён бўлиб қолди. Энди бирор аниқ соҳа бўйича мулоҳаза билдирсангиз. Сиз келажак техникасини қандай тасаввур қиласиз? Минг-минглаб ёшлар учун бу савол қизиқарли деб ўйлайман. Улар ўзлари учун касб-хунар танлар эканлар, халқ хўжалигининг қайси тармоқлари келажакда порлоқ бўлишини билишни истайдилар-да.

- Келажакда техника ривожини, энг аввало, илм-фан таракқиёти билан боғлиқдир. Менимча, фан ва техниканинг энг сўнгги янгиликлари кенг қўлланилган соҳалар жадал сурбатлар билан ривожлана бошлайди. Бу тармоқларга станоксозлик, ҳисоблаш техникаси ишлаб чиқариш, асбобсозлик, электротехника ва электрон саноати ва машинасозликни киритиш мумкин. Дарвоқе, бизнинг университетимизда айнан худди ана шу соҳаларда ишлайдиган мутахассис-кадрлар тайёрланади. Аммо масаланинг яна бир жиҳати борки, бу ҳақда алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Асрлар мобайнида шаклланган тикув ишлаб чиқаришига келажакда ҳам катта эҳтиёж туғилади. Чунки инсон чиройли, хушбичим кийимлар кийишни истайди. Айттайлик, тикувчи-машинист касби йигирма йилдан кейин ҳам, эллик йилдан сўнг ҳам ҳозиргидек кадрли бўлиб қолаверади. Албатта, вақт ўтиши билан замон ўзгаради. Мазкур соҳада ишловчилар ҳам такомиллаштирилган, электрон асбоб ва қурилмалар билан жиҳозланган техника билан иш кўрадилар. Аммо техниканинг ҳар қандай юксак намунаси ҳам инсон ўрнини боса олмайди.

- Айттайлик, келажакда ишлаб чиқариш, саноат, халқ хўжалигининг барча тармоқларида янги техника ва технологиялар кенг қўлланилса, лозим бўлса, улар роботлаштирилса-ю, аммо иқтисодий стратегия ишчилар сонини кўпайтирмасдан туриб, ишлаб чиқариш имкониятини ошириш ва кенгайтириш талабини қўйса, ишсизлар сони кескин ортиб кетмайдими? Бинобарин, моддий ишлаб чиқаришда барчани иш билан таъминлашнинг имкони бўлмай қолади. Ҳозирги вақтда ҳам аҳолини иш билан таъминлаш муҳим масала бўлиб турибди. Келажакда «меҳнат бозорига» қандай мутахассислар кўпроқ келади?

- Менимча, ишсизлар бўлади-ю, бироқ улар ҳаддан ортиқ кўпайиб кетмайди. Лозим бўлса, давлат аҳолини иш билан таъминлаш бўйича ижтимоий тадбирларини ишлаб чиқади. Ҳозирги вақтда ҳам ҳар туманда аҳолини иш билан таъминлаш тармоқлари ишлаб турибди. Гап фақат замон талабларига жавоб берадиган етук мутахассис-кадрлар тайёрлашдадир. Замон талабларига жавоб беролмайдиган мутахассислар четга

сурилиб қолади. Улар қўлидан келадиган иш танлашга мажбур бўладилар. Бундан ташқари, келажакда ноишлаб чиқариш соҳалар ҳам кенг ривожлантирилади. Ижтимоий эҳтиёжлар тузилмасидаги ўзгаришлар кўпгина меҳнат ресурсларини таълим, соғлиқни сақлаш, савдо, маданий-маиший ва бошқа тармоқларга йўллаш мажбуриятини юклайди.

- Эҳтимол, ижтимоий янгилашни ва техникавий ўзгаришлар йўлида объектив тўсиқлардан кўра, эътибор берилиши лозим бўлган субъектив омиллар кўпроқ учраса керак?

- Ҳа, кескин ислохотлар, ўзгаришлар зарурати ва уларни тўғри қабул қилиш, қўллаб-қувватлаш заруратини англашга имкон бермовчи психологик тўсиқлар ва стереотип қарашларнинг мавжудлигини инкор этиб бўлмайди. Хатто бундай ҳол инсон ва янги техника муносабатлари орасида ҳам учрайди. Бироқ фикр инерцияси, қарор топган эскича қарашлар билан курашиш инсон ва техника муносабатлари муаммосига олиб келмайди. Тараққиётнинг янги босқичи - микдорий ўзгаришдан сифатий ўзгаришга ўтиш. Ишлаб чиқариш ҳажмини ҳадеб кенгайтиравериш эмас, балки жамиятнинг талаб-эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда сифатли маҳсулот ва техника ишлаб чиқариш зарур. Бугунги кунда кўпларга ўтмиш шарт-шароитларини акс эттирувчи эскича кўникмалар, эскича қараш ва муносабатлар, иқтисодий-ижтимоий ривожланишнинг ағъанавий сарҳадларидан чиқа олмаслик халақит бермоқда. Шунинг учун ҳозирги шароитда жамиятнинг ҳар бир фуқаросига янгича иқтисодий тафаккур зарур.

ИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР - МАЪНАВИЯТ АСОСИ

- Мамлакатнинг буюклик даражасига етиши учун унинг фуқаролари ҳам ҳар томонлама камол топган бўлиши керак, албатта. Шу боис ҳам биз инсонни Инсон қилиб тарбиялаши учун онла, мактаб, жамиятга талаблар қўямиз. Аммо бугунги кунда юриш-туриши, хатти-ҳаракати, фаолияти, иши, ахлоқ-одоби, бир сўз билан айтганда, инсоний сифатлари билан бошқаларга, айниқса, ёшларимизга ибрат бўладиган комил инсонларнинг ўзини гоҳо излаб қоламиз-ку?

- Бу ҳақда нозик фалсафий саволдир. Достоевский киноямуз оҳангда: «Агар инсон фақат атроф-муҳит маҳсули бўлса, у ҳолда у ўзининг хатти-ҳаракати учун деярли масъул эмас, ижтимоий муҳит қандай бўлса, унинг хатти-ҳаракати, табиати ҳам деярли шундай бўлади», деган мазмунда ёзган эди. Агар инсонни ҳаёт шарт-шароитлари шакллантирса, атроф-муҳит ҳолатини ҳам инсоннинг ўзи яратади-ку. Инсоннинг жамият, тарих, оламдаги ўрни ва аҳамиятини яхши тушуниб олоқмоқ лозим. Бусиз сира олдинга силжиб бўлмайди. Биз ақлли инсон ҳақида гапиришга ўрганиб қолганмиз. Инсон томонидан яратилган барча нарсалар унинг бахт-саодатига хизмат қилишига, фан, маърифат, ақл кучига соддадилларча умид боғлаймиз. Лекин бугунги кунда тарих ўзининг шундай босқичига етиб келдики, хатто инсоният бутун цивилизацияни йўқ қилиб ташлаш имкониятига эга бўлди.

Инсон фикрловчи мавжудот. Бироқ ҳар қандай фикрловчи инсон олижаноб бўла олмайди. Фазилатсиз инсонлар жамият меъёрларига ташқи таъкиқлардан кўрққани учунгина шартли рефлекс асосида амал қиладилар. Улар учун ахлоқий ўз-ўзини англаш ва бурч бегонадир. Жамият унга «Ўғирлик, порахўрлик қилиш

яхши эмас, камаб қўйиши мумкин» деса, у «Тўғри» деб жавоб беради-ю, аммо қўлга тушмаган ўғри эмас кабилида ўз ишини қилиб яшайверади.

Маънавиятли инсон эса, унинг тескариси, яъни виждон соҳибидир. У ёмонликдан эзгуликни яхши фарқлайди. Ўз хатти-ҳаракатини мавжуд бўлишнинг маъносини доимо ортиб борувчи эҳтиёжларини қондиришдангина иборат деб тушунмайди, аксинча, унинг инсонни емирувчи хавф-хатарларини енга олади. Шу сабабли у эркинликнинг янада юқорироқ чўққиларини забт этади. Бу эса, уни ўз навбатида янада олийроқ кадрятларга хизмат қилиш, ҳақиқат, турмиш-ҳаёт маъносини ахтаришга илҳомлантиради.

Биз ҳозирги вақтда янги маънавий синовларни бошдан кечирмоқдамиз.

Ватанга, халққа, эзгулик ва адолатга бўлган мустахкам эътиқодгина бизни йўлдан адаштирмайди. Ва албатта, инсон куруқ сўзлар билан эмас, энг аввало, амалий ишлари билан ахлоқий-маънавий жиҳатдан тарбияланади. Бунга ёшлар ҳеч қачон ёддан чиқармасликлари зарур!

- Келажак бугундан бошланади деган ҳикматли гап бор. Умуман, сиз бугунги ёшларимиз ҳақида нима дея оласиз? Улар ота-боболаримиз, қолаверса, биз замондошларининг ишонч-умидлари, орзу-армонларини келажакда қанчалик даражада оқлай олишар экан?

- Менинг назаримда, ҳозирги ёшларимиз учун уйғониш, тафаккур тарзини ривожлантириш эҳтиёжи зарур. Бу эҳтиёж ҳозирги ёшларда анча-мунча сезилиб ҳам қолди. Ҳозирги ёшлар Мустақиллик, Ватан, Эзгулик, Инсонийлик, Халқ, Адолатпарварлик ва бошқа муқаддас тушунчаларнинг теран маъносини, миллий идеалларимиз мазмунини тобора чуқурроқ англамоқдалар.

Эътиқод барча ишларнинг дебочасидир. Ёшларни бирор нарсага мажбур этиш, уларга зўравонлик қилиш ярамайди. Чунки зўравонлик - ёлғон гапиришга, юзаки севишга ўргатади. Юзаки севиш эса, эътиқод ёхуд чуқур инсоний боғланиш дегани эмас. Демак, ёшларни фақат ибрат кўрсатиш орқалигина тарбиялаш зарур. Биз катталар ўшандагина ёшларнинг ҳурмат-эътиборига, меҳр-муҳаббатига сазовар бўлаемиз.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК - ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

- Ҳозирги замонда айрим муаммолар фақат битта мамлакат миқёсидагина ҳал этилмайди. Уларни ҳал этишда халқаро миқёсда ҳамкорлик лозим бўлади. Ҳар қалай, олимларимиз зиммасига яқин келажакнинг дунёвий муаммоларини ҳал этишдек шарафли ишларда иштирок этиш вазифаси турибди...

- Зеро, инсониятнинг барқарор ҳаёти она сайёрамиз, табиатдаги мувозанат, иқтисодий тараққиёт, маданий алоқалар билан узвий боғлиқдир. Шу боис дунёвий ҳамкорлик ўта муҳим вазифалардан биридир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга изчиллик билан тадбиқ этиш ҳамда таълим тизимида замонавий ахборот муҳитни яратиш ва уни INTERNET жаҳон ахборот макони билан боғлаш муаммоларини ҳал қилиш мақсадида университетимизда Давлат буюртмасига асосан «Олий ўқув юртлари локал ҳисоблаш тармоғининг функционал ва маълумотлар базасини ўз ичига олган ахборот таъминотини яратиш» 7.13 гранти бажарилмоқда.

Ўтган йили Германиянинг Франкфурт ва Майне шаҳридан бошланиб, то Хитойнинг Шанхай шаҳаригача қадимий Ипак йўли давлатлари: Австрия, Руминия, Венгрия, Белоруссия, Украина, Болгария, Туркия, Эрон, Туркменистон, Ўзбекистон Қозоғистон ва бошқа (жами 18 та) давлатдан ўтувчи Тарнс-Осиё- Оврупа оптик толали магистрალი ишга туширилди. Бу жаҳонга машҳур SIEMENS фирмасининг сазй-ҳаракатлари туфайли амалга ошди. Бу магистралнинг ишга туширилиши натижасида Марказий Осиё давлатлари қаторида Ўзбекистон ҳам жаҳон ахборот тармоғига уланади ва ташқи олам билан узвий боғланиш имконияти яратилди. Шу муносабат билан Марказий Осиё давлатлари тарихида биринчи марта «SIEMENS технологиялари ёрдамида Марказий Осиё давлатлари Германиянинг қўшниларига айланаётгани» мавзусида халқаро видеоконференция ўтказилди. Бу видеоконференцияда Германия томонидан SIEMENS фирмаси (Мюнхен шаҳридан туриб), Гамбург-Харбург техника университети (Гамбург шаҳридан), Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркменистон давлатлари техника университетлари ҳамда телекоммуникация (алоқа) институтлари жамоалари ўз масканлари туриб иштирок этишдилар. Бу халқаро видеоконференцияни тайёрлаш ва ўтказишда Марказий Осиё давлатлари Олий ўқув юртлари бўйича координатор вазифасини университетимиз ёш олими, профессор Рустам Ҳамдамов бажарди.

Транс-Осиё-Оврупа телекоммуникация магистралининг тўла ишга туширилиши натижасида Ватанимизнинг ихтиёрий фуқароси - олим, муҳандис, профессор, талаба, шифокор, фермер ва бошқалар дунёнинг энг нуфузли кутубхоналари ва университетларидан зарурий ахборотларни олиш имконига эга бўладилар.

Шунингдек, бу ёш олим масъуллигида халқаро TEMPUS-Tacis таълим дастури бўйича «Ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасида магистрлар тайёрлаш ўқув дастурларини яратиш учун ўқитувчилар тайёрлаш» бўйича Оврупо лойиҳаси ишларини бошлаб юборганмиз. Оврупа иттифоқидан бу лойиҳа ишида Германия, Гамбург-Харбург техника университети ҳамда Голландиянинг Твенти университети, Ўзбекистондан ТошДТУ ва Қарши муҳандислик иқтисодиёти институтлари иштирок этадилар. Бу лойиҳа доирасида жаҳон андозалари даражасида замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасида магистрлар тайёрлаш ТошДТУда йўлга қўйилади. Умуман, магистрлар тайёрлаш бўйича лойиҳа республикамиз тарихида биринчи марта амалга оширилади.

Биз телеалокани ҳам йўлга қўймоқчимиз. Бунда, масалан, Гамбург техника университети профессорлари бизнинг университетимиз талабаларига ва аксинча, бизнинг ўқитувчиларимиз уларнинг талабаларига телеалоқа орқали маърузалар ўқиш имконига эга бўладилар.

XXI АСР ВА ФАН

- Техника университети фақат таълим-тарбия, мутахассисларни тайёрлаш масканигина эмас, балки йирик илмий-тадқиқот маркази ҳамдир. Университетнинг кўплаб иқтидорли олимлари муҳим муаммолар ечимини ҳал этишда баҳоли қудрат ҳисса



қўшиб келишмоқдалар. Назаримда бу борада кейинги вақтларда фахрланишга арзийдиган ишлар қилинмоқда...

- Ҳақиқатан, кундалик ҳаётимиз, қолаверса, дунёвий муаммолар билан боғлиқ масалалар оз эмас. Университетда олиб борилаётган илмий тадқиқотлар йўналиши мамлакатимиз учун муҳим бўлган тармоқларни қамраб олади. Булар: фойдали қазилмалар казиб чиқариш ва қайта ишлашнинг самарали технологияси, хусусан, нефть ва газ кони, автоматика тизими, робот техника, ЭХМ базасида янги информацион технологиялар, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш учун янги технологиялар, машинасозлик ва радиоэлектроникада янги материаллар, иссиқлик ва электр энергия тизимининг ихчамлиги ва ишончлигини оширишнинг янги усуллари ва техник воситалари, экологик хавфсизлик ва бошқалардир.

Кафедра лабораторияларда илмий тадқиқотларнинг амалий тадқиқига ҳам катта эътибор берилади. Биргина мисол келтириб ўтай. Ўтган йили «Электр таъминоти» кафедрасининг доценти М.Қ.Бобожонов лойиҳаси асосида Швейцариянинг «ШИНДЛАР» фирмаси томонидан лифтларни юрғатиш учун мўлжалланган, қуввати 10/2,5 КВт бўлган мотор ишлаб чиқарилди ва у барча саноат текширувларидан ўтказилади. Бу Европа талабаларига мос келади. Ҳозирги пайтда мазкур мотор ТошДТУ кўргазмасидан жой олган. Уни Республикамиз корхоналарининг бирида кўп сонда ишлаб чиқариш режалари тузилмоқда.

Умуман, бизда махсус фундаментал фанлар факультети мавжуд. У 1994 йилда ташкил этилган. Унга иқтидорли олим Фаррух Носиров раҳбарлик қилмоқда. Бу факультетда, хусусан, дефференциал тенгламаларнинг сифат назарияси, оптимал бошқариш масалалари, қаттиқ жисмлар механикасининг турғунлик масалалари, дифференциал, интеграл дифференциал тенгламалар назарияси ва уларнинг механика масалаларига тадқиқи, кўп компонентли қаттиқ жисмлар билан электронлар, ионлар ва фотонларнинг таъсирлашуви, атом ядроси тузулишини назарий ўрганиш, бугланиш эритмаларини анорганик ва органик бирикмалар билан сифатлаш, пахтачилик чикиндиларидан полиметр материаллар олиш ва

уларнинг физико-кимёвий хоссаларини ўрганиш, динамик тизим ва технологик жараёнлари ва дустурлари борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

- XXI асрда Ўзбекистон таълими ва фани қандай бўлиши керак? Зеро, мамлакатимиз XXI аср таълими ва фани ёрдамидагина келажак асри бизнинг зиммамизга юклайдиган дунёвий (глобал) муаммоларни ҳал этишга тайёргарлик кўра олади-да...

- Шак-шубҳасиз, XXI аср ўзи билан бирга инсоният ҳал этиши зарур бўлган янги дунёвий муаммоларни ҳам олиб келади. Булар табиий заҳираларнинг тобора камайиб боришини англаш, энергетик кризис, иқтисодий муаммолар, инсониятни зарурий заҳиралар (озик-овқат, саноат хом ашёси, энергия ва бошқалар) билан таъминлаш муаммоси, қашшоқлаштишнинг олдини олиш муаммоси, саноат ривожланиши йўналишини қайта баҳолаш, кишиларнинг ижтимоий ҳаёт тарзини тубдан яхшилаш, инсон яшайдиган муҳитнинг табиий чегараларини кенгайтириш, дунё халқлари тинчлигини таъминлаш, ривожланаётган мамлакатларда аҳолининг жадал суръатлар билан ортиб боришини мувофиқлаштириш ва бошқалардир.

XXI асрда биз дуч келадиган муаммоларни муваффақиятли ҳал эта билиш, кўп жиҳатдан, бизнинг миллий таълим тизимимиздаги йўналишлар ва имкониятларга боғлиқ. Айтиш мумкинки, бизнинг таълим тизимиз XXI аср муаммоларини ҳал этиш заминини ҳозирлаб боради.

Умуман, XXI асрда Ватанимизнинг ривожини, иқтисодий тараққиёти, келажак ва бошқалар билан боғлиқ бўлган қатор глобал муаммоларни ижобий ҳал этиш мақсадида ҳозирданок фундаментал фанларни ривожлантириш ҳамда уларда қўлга киритилган кашфиёт-янгиликларнинг амалий тадқиқлари бўйича давлат миқёсида узоқ муддатга мўлжалланган ва режали равишда амалга ошириладиган миллий дастур ишлаб чиқилса айни муддао бўлур эди.

Мен бу борада ёшларга ишонаман! Зеро, ёшларимизнинг келажак жамиятини ақл ва ахлоқ тартиб-қоидалари асосида мукамалроқ куришга умид боғламасдан, умуман олганда эса, Инсон зотиға, яхшиликка ишонч-эътиқодсиз келалак ҳақида гапиришдан сира-сира маъно йўқ...



Гулжамол АСҚАРОВА



ОЗОДЛИКДАЙ БИТТА

ОЗОД СЎЗ

Нодиранинг маҳзун сатрини.

Танитгайму маним шеърларим
Элатимга ягона Ҳақни.
Узиқларин улоламанми
Халқалари узилган Халқни.

Дерлар менга: «Сўзлар ганжидан
Хаёлингдек бир ҳур китоб туз».
Айтинг ўзи тополаманми.
Озодликдай битта Озод сўз!?

«Тупроқдайин мустар бўл» дерлар.
Осимонлик истамайманми?
Кўзёшимдан лой бўлсам бир кун
Ўз халқимга сачрамайманми?

Бу ўзимдан гумоним эмас,
Даъвойим йўқ ҳеч бир сатримдан.
Эзгуликка чорласам агар,
Эргащарму шу халқ ортимдан?

Мен тупроққа кетгайман сингиб,
Руҳимни халқ билан қормасам.
Халқ демайман ўз халқимни ҳам,
Мени Ҳаққа олиб бормаса!

Мен дунёни маст қилиб кетгум,
Таратиблар қалбим атрини.
Сўнг бағримга босиб ўларман,
Ҳалиманинг маҳзун сатрини.

КИТОБ ЖАВОНИМ ВА
ЎЗИМ ҲАҚИМДА...

Кун келар, бир маҳзун Китоб бўламан!
Яшайман кўнгиллар давонларида.
Асрлар шамолга тўзгитиб кетар,
Сигмасам дунёнинг жавонларига.

Ичар жомим бугун қалқиб турибди,
Асабларим салқиб-салқиб турибди,
Ғам тоғини шундоқ йиқитгай десам,
Орқасида гулдай халқим турибди.

Гулни тоғлар эзса Халққа на дейман.
Ғам мунчоғин тизса Халққа на дейман.
Туркнинг қони томирларимдан эмас,
Кўзларимдан сизса Ҳаққа на дейман.

Ким қуяди кетсам қайтмаганимга?
Ким ишонар кўнгил сайдлаганимга?
Бугун фақат ишонавер жон халқим.
Айтганимдан кўра айтмаганимга!

Озодликни тузум олиб келармиш,
Ким айтади: «Зулм олиб келармиш.
Отам айтар: Агар Оллоҳ истаса
Маним битта Сўзим олиб келармиш.

Шу бир сўзга келтиргали қўймангиз,
Шу бир сўзни бой берганни қўймангиз,
Айтилган сўз-кишанланган Эрк бўлур.
Шу бир сўзни айттиргали қўймангиз.

...Ўларимда кетсин майли бўғзимда.
«Озодман» деб айттиргали қўймангиз.
«Озодман» деб айттиргали қўймангиз!

НИЯТ

Мен дунёга таратиб кетгум,
Силкиб-силкиб қалбим атрини.
Сўнг бағримга босиб ўларман.

Кимларгадир оғир ботяпти исмим.
Кимларга кўрсатай кўксимни ёриб.
Ёнингизда маҳзун китобдай турсам,



Улар оғир олар Абдулла Ориф!

Мен сизга энг мунглиг сингил бўламан!
Шу халқнинг гамини қололсак тўсиб.
Ана халқ кўксига қадаб юрибди,
Юрагингиз тумор Муҳаммад Юсуф.

Бу на исендирки жонимга тушди,
Ҳалимаи даврон - бедор кўнғироқ.
Сизга юрагимни олиб боряпман,
Эй эрк осмонига қадалган байроқ!

Бизни минорлардай яратмиш тангрим!
Тагин минорлардай кўтарармиз қад.
Юзларимга ёпдим юрагингизни,
Юрагимдан кетманг Ҳалима Ахмад!

Кетаман. Кўксимда қирқ мингта
шамдай.
Шеърларим ёнади қирқ кеча ҳалол.
Йўлингизга туташ уфқ йўллари,
Сизга боргим келар Фароғат
Камол.

Хув зангор йўллардан Сизга борилгай.
Бу адаш изларим Сизга етарми?
Зебо Мирзо айтинг, анов турналар
Бизни баҳорларга олиб кетарми?

Биламан. Майсалар йиғлайди
кетсам.
Овозим шу алвон уфққа етади.
О, фақат онамдай гамимдан куйиб.
Китоб жавонларим ёниб кетади.

Уфқлар лабида исмимни топдим.
Ёмғирдай мангуман, ўзим биламан.
Мени ёндиригиз шеърларим билан.
Мен олов ичида овоз бераман!
Кун келар, энг гўзал Китоб
бўламан!

ЭНГ СЎНГИ ҲУКМ

Гуноҳи йўқ кўзидан бўлак,
Юрагидан бўлак айби йўқ.
Кўпроқ севди ва кўпроқ куйди,
Оллоҳ, унинг ўзга гайби йўқ.
Гулжамолни дорга тортингиз!

У куликнинг сўнги инсони,
Озодликнинг ўзидир барҳақ.
Ана унинг ортидан яна,
Оёқ яланг эргашиди бир халқ,
Гулжамолни дорга тортингиз!

Эй сиз дўстга ўхшаган дўстлар,
Жонимми ё шоним таъмангиз?
Бас меҳрмас қаҳр истадим,
Юрагимдан кетинг барчангиз,
Гулжамолни дорга тортингиз!

Ҳукм этинг кўзлар олдида
Қатлин кўриб тўкмас кўз ёшин
У ҳайқирар бир кун барибир;
Бу дорингга сигмайди бошим
Гулжамолни дорга тортингиз.

Зилзилалар учун осингиз,
Силсилалар учун осингиз,
Муҳаббатлар учун осингиз,
Сўнг нафратлар учун осингиз.
Куйган моҳлар учун осингиз,
Жару чоҳлар учун осингиз,
Бори оҳлар учун осингиз,
Бор гуноҳлар учун осингиз.
У энг ҳалол қурбонлиг бўлар,
Юрагидан бўлак айби йўқ.
... Гулжамолни дорга тортингиз!

Гулжамол АСҚАРОВА 1978 йилда Каттақўрғон туманидаги Бешдарғат қишлоғида туғилган. ТошДУнинг журналистика факультетида ўқийди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида хизмат қилади.

«Дил фасли» шеърий китобининг муаллифи.





Роман*

Кизик, нега фақат энди ўз қилмишингдан пушаймон чеккандек бўляпсан озор етказилган у чарос кўзлару пайваста қошларнинг дилбар соҳибасини эслаб? Айни чоғ эслаб, ўз ножўя қилмишингдан пушаймон чеккандек бўлаётганинг - у чарос кўзлару пайваста қошларнинг дилбар соҳибасига ҳеч бир вазис, сабабсиз, томдан тушгандек асно озор етказган вақтинг, нима, тош қотганмиди, ё бўлак шимингнинг чўнтагида уйда қолганмиди бу пушаймонинг? Ниҳоят, минг бир сийқа хотира-ёлларга қоришиқ тарзда эслаб, ножўя қилмишинг миянга тепганидан сўнг ҳам фақат пушаймон чеккандек бўляпсан, холос, ҳа, фақат чеккандек, фақатгина пушаймон, баайни осмонни сассик тутунга тўлдириб бурқситишга «отнинг қотили» аталмиш анави зормандадан қолмагану шу сабабли чарос кўзлар ва пайваста қошларнинг дилбар соҳибасига озор етказганингни энди баногоҳ эслаб, пушаймон чекиб, хумордан чиқишга уриняпсан, сўлак деб аталмиш бенўхта жонвор бу орада ланг очилиб қолган оғзингнинг танобидан ошиб, иягингни ювиб туша бошлаганидан эса мутлақо беҳабарсан, яна пича шундай беҳабар кетсанг, сўлак жонвор иягингдан ҳам узун из қолдириб оқиб тушади ва унинг еру кўкни титратиб, тушиikka ҳар сафар лағмон “чўзиш”ни эса мадҳ этиб, оёқларинг тагига чакиллаб томганини эшитасан, эшитиб қўлоғинг батанг бўлади, балки шунда ўзингга келарсан, балки шунда ниҳоят ҳушинг жойига қайтиб, кўзингга қарарсан, аксига олгандек, оғзингнинг ножўя амалидан вақтида оғоҳ этиб турадиган, жуда ихлоси жўшган чоғэса ҳатто кўли билан артиб қўйишга оғринмайдиган тайёр дастрўмол - Ибод ҳам шу тобда ёнингда эмас, чамаси, нима қилиб бўлмасин, шу Ибодни ҳар доим чўнтақда, дастрўмол ўрнида, ёки, арқон билан боғлаб, вақтида шипшиб, оғоҳ этиб турсин учун, олиб юришининг иложини топмоқ кераг-ов, боягина - зироат ва зираворшунослик куллиётининг талабалар ошхонасидаги лағмонхўрлик пайтида бўлган эди-я бунга ажойиб имконият, адашмасанг, хаёлингга ҳам бор эди амаллаб шунинг бир чорасини топмоқлик фикри, лекин Ибод ўзининг ҳар сафарги бетиним бидир-бидири билан хаёлингни чувалатиб, фикрларингни батамом айқаш-уйқаш қилиб ташлади.

- “Зироат назарияси”дан амалий машғулот кейинга қолдирилибди, - деб бошлади.

- “Зираворшуносликка кириш”нинг домласини кеча оқшом Сайрибоғда қўшни гуруҳдаги анави қақажон билан кўрдим, - деб давом этди. - Анави-чи, Руқиямиди, Рухсорамиди исми, ҳа, ўша билан. Қарасам, жуда қўлтиқлашиб, хириинг-хириинг

қилишиб кетиб боришяпти. Э, ошна, омад қуши ўзи пат-пат қилиб елкангга келиб қўнди-ку, дедим. Шартта қайрағочнинг панасига ўтиб яшириндим-да, “чик” эткизиб суратга туширдим. Имитхондан яхши баҳо нақд энди!

- Шошийни ўшандан бери кўрганинг йўқми? - деб сўради. - Мен ҳам. Ҳафта бўйи ўқнироқ қиламан, ҳеч ким жавоб бермайди-я. Уйигаям бордим, эшик кулф. Кузатганиям чикмаганди. Тағин тарки дунё қилиб ётиб олдим дейман.

- Дарслардан чиқиб борасанми? - деб айтди. - Э, мен кирмайман. Нимамни йўқотибман ўшанинг дарсида? Вақт бор эканми унинг мингир-мингирини эшитиб ўтиришга? Бир дунё иш турибди-ку, Насим келадиган вақтгача битириб улгуришим керак. Балки, мен билан юрарсан? Қара, тағин кечикмагин.

- Оббо, нима бу, чўпмиў - деди. - Тавба, овқатга бунақа баҳайбат чўп қаердан тушибди? Уйга хари ўрнида ишлатса бўлади-я.

Буларнинг барчасини у тинимсиз кавшаб туриб айтди. Тинимсиз кавшаб туриб у тағин ёдингга ўрнашмаган бир дунё гапни ҳам қалаштирди. Оғзининг бетиним чапиллаши, қошиқнинг косага урилиб жаранглаши, боз устига, ошхонадаги талотўп, тарақа-туруқ фикрларингнинг бир учидан тутишингга сира имкон бермади: шимингнинг иккита “ўғри” чўнтагидан биттасига жойлайин десанг, айни ўша чўнтақларинг жойлашган атрофда, аксига олиб, қитигинг бор; Ибоднинг лаби лабига тегмай бидирлашларига, майли, амаллаб чидарсан-ку, лекин унинг тинимсиз ирғишлашларига чидаминг етиши маҳол, бу - аниқ; Ибодни кўйлагингнинг кўкрак чўнтагига солайин десанг, юрагингнинг “дук-дук” уришига қулоқ тутибми, ё “дук-дук” урмиш юрагингнинг кўринмас жиловидан маҳкам тутибми, ўз одатларига кўра, кимсан - муллажиринг афандим макон қурганлар у ерда, бунинг устига, бугун тушдан кейин талабалик ҳақи ҳам келиб теккан кўлга, тағин уч таътил ойиники битта бўлиб, ўз-ўзидан тайинки, кўлга теккани ҳамон охириги пайтларда ранг-рўйи ўчирок қавмдошларини шодмон этиб, бағрини тўлдириб, сенинг эса белингга куч-қувват бериб, Ибодни солишни мўлжаллаган чўнтагингга келиб тушган у, Ибоднинг эса, маълумки, фақат оғзингдан оққан сўлакни дастрўмол ўрнида артиб туришгагина эмас, айрим бошқа нарсаларга, хуеусан, бировнинг ҳисобига беармон еб-ичиш ёки бебилиска пулни бирпасда совуриб тугатишга ҳам жуда ихлоси баланд, шундан сўнг ҳам, шуни яхши билиб туриб ҳам Ибодни кўрқмасдан ўша чўнтагингга жойлашга, қани, ҳақдинг сифармикан, қани, нечта бўлар экан бундай одамнинг жони; жойлайин десанг, тағин шимингнинг орқа чўнтаги ҳам бор-ку,

* Давоми. Боши ўтган сйда.



лекин, афеуски, Ибоднинг ҳам жони мингта эмас-да, ахир - у ер-бу ерга кет қўйган пайтинг эзиб, майиб қилиб қўйишинг мумкин уни, айниқса, унинг тинимсиз бидирлайдиган жағи ёки ирғишлаб чарчамайдиган қўл-оёғини, қолаверса, ўйчи ўйини ўйлагунича, таваккалчи ишини битиради, карнайчидан - бир пуф, лағмонхўрдан эса - битта хўп: сен то ўйларингнинг учидан тутишни чамалагунигча, Ибод бидирлаб-бидирлаб, ирғишлаб-ирғишлаб қосасидаги овқатни ичиб тутатди, “ҳик” этиб кекириб, шукрона келтирди, сенга Насимни кутиб олгани кечикмасдан етиб боришни тайинлади ва шу асно яна алламбалоларни бидирлаб-бидирлаб, ирғишлаб-ирғишлаб қўздан ғойиб бўлди, ўзи билан бирга вақтинчалик эса-да сўлак ва дастрўмол ғавғосини ҳам олиб кетди, аммо бир ғавғо ўрнига бошқасини қолдирди: Насимни кутиб олгани кечикмасдан етиб бориш лозим, Насимни кутиб олгани - Насим келиши жоиз бўлган жойга, кечикмасдан - демак, олдинроқ ёки жилла курса вақтида, Насим келиши жоиз бўлган жойга олдинроқ ёки жилла курса вақтида етиб бормок учун эса, бундай товоқда ой кўриб ўтиравермай, сал илдамроқ ҳаракат қилмоқ керак, сўнгра йўлнинг қоқ ўртасига қозик бўлиб қоқилиб, оғзини ланг очган асно ҳар хил беҳуда хаёллар билан бошни юк бостиргани эмас, Насимни кутиб олгани - Насим келиши жоиз бўлган жойга кечикмасдан, яъни мумкин қадар олдинроқ ёки жилла курса вақтида етиб бориши, вақт эса, Насим келиши жоиз бўлган жойга кираверишда осеғлик соатга ишонилса, айни дам роппа-роса ўн олтироқ қирқ тўрт, Бақаҳовуз вақти билан, чунки бу ерда Бақаҳовуздан бошқа шаҳарларнинг вақтини кўрсатувчи соатлар ҳам бор ва улар Бақаҳовуздаги вақтдан тамомила фарқли, фақат бу соатлар Насим келиши жоиз бўлган жойнинг ичиди, агар тагин пича шундай анграйиб турсанг, ҳўв, Бақаҳовуз вақтини кўрсатган соатдан пастроқдаги ойнаванд эшикдан Насимнинг ўзи сен каби лаллайиб кечикмаганлар қуршовида чиқиб келиб, ланг очик оғзингни “қарс” эткизиб ёпиб қўйиши шубҳасиз, аввал у, албатта, мийиғида илжайган асно келиб, ўз одатига кўра, қўли билан елкангга: “Қалайсан?”, деган каби оҳиста туртади, сўнгра, худди ўшандай аснода, фақат бу сафар: “Қалайсан!”, дегандек қилиб, иккинчи қўли билан ланг очик оғзингни “қарс” эткизиб ёпади, бироқ, бу “қарс” оғзингнинг ёпилишидан чиқадими, ё Насимни қуршаман сен каби лаллайиб кечикмаганларнинг қарсагиданми, ёки унис ҳам, буниси ҳам бир вақтдами, сен англаёлмайсан, англаганинг фақат шу бўладики, Насимни кутиб олгани - Насим келиши жоиз бўлган жойга атай пешвоз чиқиб, Насимнинг ўзини эмас, кўпроқ уни қуршаман ўзинг каби лаллайиб кечикмаганларнинг маймун ўйнатувчига атаб асраб қўйишган қарсагини қарши олдинг сен - зироат ва зирavorшунослик куллиётининг толиби Бадал Армон.

- А-а-а-а-а. - Аниқ, буни у ўзи айтди - зироат ва зирavorшунослик куллиётининг толиби Бадал Армон. Атрофни зир титратиб қичқиргани йўқ, чамаси, буни ўзи ҳам базўр эшитди.

- И-ҳи-м-м-м... - Бу овоз ҳам асло ғойибдан келгани йўқ, Бадал Армоннинг ўз оғзидан чиқди. Уларнинг изоҳини сўнг оёқлари берди: “тап-тап-тап” - нима эмиш, “кўз - қўрқок, қўл - ботир” миш, бе-э, бўлмаган гап, гарчи уни донолар айтган бўлса ҳам, кўз ҳам, қўл ҳам аслида қип-қизил қўрқок, оёқ - ботир, ҳа, ботирликда оёқнинг олдида ўтаверсин бари, кўз ҳам, қўл ҳам, бошқаси ҳам, кўз нима - фақат қорачикларни ўйнаб қараб, ё хижолатпазлик, ё жигибийронлиққа сабаб бўлади, жуда нари борса, вақтнинг эрта ё кеч эканини илғаб, ё дилингни гаш қилади, ёки кетингга ўт қалайди, сўз - бошнинг балоси эканини-ку, гапириш ҳам ортиқча, керак-нокерак нарсани ўзинг истамаган ҳолда кўриб қўясан-да, сўнг бошингни қайси қавакка тикиб, яширинишни билмай, югуриб юрасан; қўл-чи, у ҳам бир дарди бедаво - нукул чўнтакка суқилгани-

суқилган, сира чўнтақдан чиққиси йўқ, худди у ердан ноёб бир жавохир топанган - ушлаб турмаси, тушиб қолиши мумкин; оёқ эса - бутунлай бошқа гап, оёқ - ўз номи билан оёқ-да, ҳеч қачон, ҳеч қандай вазиятда панд бермайди, “тап-тап-тап” - ва ердан гупиллаб тепага чанг кўтарилади, лекин узокқа кетмайди - қирқ ямоқ бошмоқларингга, шимингнинг бу ямоқларни пана қилган ҳалпиллаган почаларига ўтиради, аммо у ҳолва ҳали - қирқ ямоқ чоринг қирқ биринчи бор кемшик оғзини очиб, ер искаб қотгач, сенинг кечикмасдан, яъни вақтида ҳозир бўлганингни кўриб, маймун ўйнатувчига атаб тишларининг қавағида асраб келаётган олқишлари бўғзига тикилган, айни дамга қадар эса сени лаллайиб кечикяпти гумон қилган. Насимни кутиб олгани тўпланганлардан чиқадиган чангнинг олдида, ўх-хў, шундайин ҳолваки, бунақасини ҳали биров умри бино бўлиб тотиб кўрмаган, бироқ, ҳолва деб айтган билан оғиз чучимади-да, ердан гупиллаб тепага чанг кўтарилса ҳам, қирқ ямоқ чорингга, шимингнинг бу ямоқларни кўздан пана қилмиш ҳалпиллаган почаларига чанг ўтирса ҳам, ҳатто қирқ ямоқ чоринг қирқ биринчи бор кемшик оғзини очиб, иржайиб қолса ҳам - “тап-тап-тап” - чопасан, чопаверасан, зеро, шунчаки, бирров - “тап-тап-тап” - чопиб, фақат тунда ҳовлига чоптиргани чиқиш мумкин, зим-зиё тунда, хувиллаган, кимсасиз ҳовлига, бирров - “тап-тап-тап” - чопиб, чопт... Агар ор қилмасанг-да, албатта, ахир, тун, зимистон, сукунат, атрофда бир тирик жон йўқ, кўнглинг тусиганини бемалол бажо келтираверсанг бўлади-ку, аммо бу учун бирров - “тап-тап-тап” - чопиб, тунда ҳовлига чоптиргани чиқишга оринг келмайдиган олис даврга қайтмоғинг даркор-да, жилла курса бирров, “тап-тап-тап” чопиб, бироқ, тунда бирров - “тап-тап-тап” - чопиб, чоптиргани ҳовлига чиқишга ор қилмаслиқнинг ўзи кифоя эмас-да, ахир, тун, зимистон, сукунат, атрофда бир тирик жон йўқ, Ғойиб эса, беғам, беташвиш, қаровотида пишиллаб уйқуни уряпти, унга ялиниш беғойида, у фақат ўзига етгунча қолиб, биров учун қолиблик қилишга уни кўндириш мушкул, тагин ширин уйқусини бузиб; шундай эса-да, тепасига келиб, балки бу сафар инсоф қилар, деган илинжда унга узок умидвор термулиб турасан, у тепасига келганингни ҳам, ўзига умидвор термулиб турганингни ҳам сезмай, пишиллаб уйқуни ураверади, ниҳоят, тоқатинг тоқ бўлиб, оҳиста унинг елкасига туртасан, бироқ бу турткинг унга чивин чаққанчалик ҳам таъсир қилмайди, у ширин тамшаниб, пишиллаб ухлашда давом этаверади, охири сабринг тугайди, Ғойибнинг бу қадар беғамлигидан жаҳлинг ҳам кўзийди ва унинг елкасидан тутиб, қаттиқ-қаттиқ силкитасан, сукунатни бузиб қаравот асабий ғичирлайди, лекин у ҳам Ғойибнинг уйқусига дахл этолмайди, афтини норози бужмайтириб, бир балолар деб гудранди-да, девор тарафга юз буриб ётиб олади Ғойиб, сен яна бирпас йнгламоқдан бери бўлиб унинг тепасида қаққайиб турасан, яна бироз шундай турсанг, ташқарига чиқиб, овора бўлишингга сира ҳожат қолмаслигини англайсан-да, эшик сари бурилсан, эшикни оҳиста ғийқиллатиб очиб, даҳлизга қадам қўясан, даҳлиз ҳам қоронғи, сукунат оғушида, қадаг бурилиб, қоронғида пайпасланганча беш-олти қадам юрсанг, бошқа бир қўш тавақали эшикка рўпара келасан, унинг ортида сен ёрдам сўраб мурожаат қилишинг мумкин бўлган ва, Ғойибдан фарқли ўларок, ҳеч қачон мушкул пайт сенга ёрдам қўлини чўзишга эриниб ёки бошқа сабабга кўра юз бурмайдиган жонқуярларинг бор, улар ҳам айни дам ширин уйқуда, лекин сен улардан ёрдам сўрамайсан, бошқа истатган нарсани уларга айтишинг мумкин, аммо буни айтиб, уларнинг оромини бузишга юзинг чидамайди ва эшикдан аста ўнг тарафга қараб йўл тутасан, чунки ҳовли айнан шу томонда, даҳлиздан тўғри чиқиб боравериш мумкин, агар ёруғ бўлса, албатта, айни қоронғи ҳолатда эса пайпасланган асно тагин бир эшикни очиб, айвонга чиқилади, айвонда, табиийки, озроқ тин олинади, бутун куч, иродани бир муштга

жамлаб, сўнг ютаман деб оғиз очиб турган ҳовлига юз тутмоқ учун, аввал, албатта, айвоннинг чироғини ёкиб, ҳовлига олиб чикувчи эшикнинг тавақасини оҳиста оҳасан, бошининг эшикдан чиқариб, ташқарига аста мўралайсан, айвондан тушаётган чироқнинг хира ёғдусида тунги аёздан жунжиқиб, мудраётган ҳовлини кўрасан, унинг сени ютмоққа бўлган ёвуз шаҳдини ҳам, ютмоқ учун ҳозир ланг очик оғзини ҳам илмай, озроқ дадил торгасан, шундай эса-да, сергакликни бой бермай, қулоғингни динг қиласан, бироқ чирилдоқларнинг бир мақомдаги одатий чириллашларидан бошқа тик ётган товушни эшитмайсан, фақат номаълум бир ниманинг қаттиқ “дук-дук-дук” урганини ҳис қилгандек бўласан, нима экан деб тушунмай чўчиб оёқларинг тағига қарайсан, “дук-дук-дук” - уриши яна ҳам тезлашади, ўтакан ёригудек бўлиб атрофга аланг-жаланг қиласан, “дук-дук-дук” - нафасинг бўғзинга келиб тикилади ва туйқус бу “дук-дук-дук” ураётган сенга маълум бўлмаган мавҳум нимадир эмас. Ўзингнинг юрагинг эканини англайсан, англаб деворга елка тираганча енгил тин оласан, лекин тин олмоққа ҳали эрта, биродар, чунки мақсадга ҳали ўтилганича йўқ, фақат унга озроқ яқинлашилди, ҳолос, унга етмоқлик учун ниҳоят қатъий бир қарорга келиш, девордан елка узиб, қия очик эшикни бир туртиб ёки тепиб - дадиллик учун - ланг очиб ва - “тап-тап-тап” - чошиб, тун оғушида мудраётган ҳовлига чиқиш талаб этилади, у ёғи - ўзингга маълум иш, фақат ҳаяжонга берилиб ёки ниҳоят муддаонг ҳосил бўлаётганидан ўзингни йўқотиб, иштонни туширишни унутмасанг - бас, акс ҳолда шунча қилган тоат-ибодатинг чиппақка чиқади, Ғойибга эса худо беради - ўзини ғолиб ҳис қилиб, устингдан узок вақт мазахлаб қулиб юришига жуда боп баҳона топилади, аммо, иштонни туширишни унутмаган тақдирингга ҳам у барибир ўз ҳақини қўймайди, эрталаб нонушга пайти сен тунда ёрдам сўраб мурожаат қилишинг мумкин бўлган, лекин маълум сабабга кўра оромини бузишга юзинг чидамаган жонқуярларингдан бири гап орасида:

- Бу, ҳовлидан хожатхонага ўтиб боришга бўйнинглар ёр бермапти, шекилли, а? - дейди сенга ҳам, Ғойибга ҳам синовчан тикилиб. - Кап-катта йигитлар-а. Қайта ҳовли юзида бу ишни қила кўрманглар, - деб дакки берган бўлади ва туйқус ниманидир эслагандек, пиёласидаги чойни шоша-пиша симириб, жойидан кўзгаларкан, даккиси яхшироқ етиб борсин учунми, қўшиб қўяди: - Йўкса, бир кунмас-бир кунни нақ олабўжи тегиб кетади-я.

- Кейин игна санчиб, уни ҳайдашади, - деб, у хонадан чикқач, давом эттиради Ғойиб худди майна қилган каби хириг-хириг қулиб. Бу гапдан юрагинг орқага тортиб кетади, лабинга бирпасда учук тошади, унинг мантисизлигини-да англашга ҳолинг қолмайди, чунки эсингда: икки йилми, уч йилми муқаддам, ҳали мактабга чиқишингдан олдин, чиндан олабўжи тегибми, ё бошқа сабабга кўра, шундай бўлган, яъни ҳарчанд уринма, қовуғингни бўшатолмай қолгансан ва сени опичиб дўхтирга олиб боришган, у ерда... У даврга тааллуқли бошқа ҳеч нарсани эсламасанг ҳам, лекин бу аниқ ёдингда: игнанинг жон жойингга илкис бир санчилгани ва огрик, жонни чиқариб юборар даражада жизиллаган огрик, у фақат бир лаҳзали, ҳолос, жизиллайди ва ўтиб кетади, лекин унинг алами опичиб қўчага олиб чиқишганидан сўнг ҳам ўтмоғи маҳол, бор овозда дод солиб йиғлаб дўхтирларнинг қулоғини қоқиб, қўлига берган эдинг, йиғинг овозидан энди қўчадагиларнинг ҳам қулоқлари батанг, ҳамма ўгирилиб сенга қарайди, сенга ва бир нарсалар деганча овутомққа уришиб, сени опичиб кетаётганга, ўзидан ҳам кўра кўпроқ унинг уст-бошига, чунки у шўрликнинг елкасидан пасти батамом шалаббо, ҳўл ва фақат кўзларингдан тинимсиз қуйилаётган кўзёши билангина эмас. Сўнг... сўнг яна Ғойибнинг майна қилган каби хириг-хириг қулгани, орадан салкам ўн-ўн беш йил вақт ўтиб ҳам

бу қулги ўзгаргани йўқ, албатта, олдинги бачкана хириг-хириг ўрнини ёши ва гавдасига мос бардам қаҳқаҳа эгаллаган, лекин моҳиятан у ҳеч ўзгарган эмас, майна қилган каби қаҳқаҳа уриб қулишдан аввал:

- Хе, жонининг ҳузурини билмаган! - деб айтган ҳам худди уша Ғойиб ва унинг бу сўзларидан кейинги қулгиси ҳам айнан сенга аталган, гарчи у хириг-хириг ва бу бардам қаҳқаҳа оралиғида кўп сувлар оқиб ўтган эса-да, улар ўртасида қандайдир боғлиқлик бордек, “Хе, жонининг ҳузурини билмаган!”, яъни бир, икки, уч... мана, бугунгисини ҳам қўшганда, тўртта фаранги чанокни ўрнаттириб қўйибман, жон бошига биттадан, қишми, ёзми, тунми, кундузми - бемалол еб, ичиб, ҳазм қилиб, шу ернинг ўзида бўшанавериш мумкин, ҳовли ошиб тентираб овра бўлишининг ҳеч ҳолати йўқ, манави жонининг ҳузурини билмаган тентак бўлса... э-э-э!

Ғойибнинг бу айтганларида жон йўқ деб бўлмайди. Аксинча, унинг бу айтганларида жон керагидан ортиқ, Дарҳақиқат, бир, икки, уч... мана, бугунгисини ҳам қўшганда, тўртта жонон фаранги чанокни ўрнаттириб қўйибди Ғойиб, жон бошига битта... йўқ, адашди ҳисобда у, салкам бир яримтадан, қишми, ёзми, тунми, кундузми, бемалол, ҳеч тортинмай еб, ичиб, ҳазм қилиб, шу ернинг ўзида бўшанавериш мумкин, ҳовли ошиб тентираб овра бўлишининг ҳеч ҳолати йўқ, бардам қаҳқаҳага ишқибоз Ғойибга майна ва қулги бўлишининг ҳам, аммо сен негадир бир жонининг ўзида ҳам еб, ичиб, ҳам бўшанишни, ҳарчанд уринмагин, сира ҳазм қилолмайсан, ҳазм қилмоқ уёқда турсин, ҳаттоки ақлинга ҳам сиғдиролмайсан: қандай қилиб, қайси фаросат билан еб, ичиб, тагин шу ернинг ўзида бўшаниш мумкин, тўғри, айнан шу ернинг ўзида деб айтиш унчалик тўғри бўлмайди, қўл узатса етгудек жойдаги юпка девор ва эшик ортида, дастурхон атрофидаги бошқа еб-ичаётганлар буни кўришмайди, кўришмайди-ку, лекин аниқ ҳис қилиб туришади, рўпараларидаги юпка девор ва эшик ортида кимдир бўшанаётганини, ҳис қилиб еган-ичганлари томоқларига ғиппа тикилади, рўпарадаги юпка девор ва эшик ортига бўшангани ўтган буни кўрмайди, чунки юпка девор ва эшик ортида у, кўрмайди-ку, лекин шундоқкина эшикнинг орқасида, қўл узатса етгудек жойда дастурхон ёзиғли экани, дастурхон теграсида кимлардир еб-ичаётгани аниқ кўз ўнгида туради ва бўшанмоқни кўзлаган юки бўғзинга келиб қадалади; йўқ, сен бундай иш туюлмайсан, ҳатто Ғойиб ўрнаттирган уйдаги жами фаранги чаноклар жон бошига салкам бир яримтадан тўғри келган тақдирда ҳам, ахир, тузни еб, тузликқа тупуришининг бир кўрениши эмасми бу, гарчи бу тузлик ўзингга тегишли бўлса ҳам, майли, кимгадир балки бу хуш ёқар, кимдир балки еб, ичиб, ҳазм қилиб, худди шу жонининг ўзида бўшанмаса ўлиб қолар, кимгадир балки ҳали тўртта чанок ҳам озлик қилар, кимнингдир уйда кўриб келгач ёки кимдандир эшитгач, Ғойибнинг гирибонидан олиб, ҳали бешинчи, олтинчисини ҳам ўрнаттирар, аммо сен барибир Ғойиб “жон бошига” деб айтганда ўзингни ҳисобга қўшмаслигини ва қишми, ёзми, тунми, кундузми - ҳовли ошиб тентираб овра бўлишни маъқул кўрасан, ортингдан эса Ғойибнинг майна қилган каби қаҳқаҳа уриб қулганини эшитасан:

- Ҳа, жонининг ҳузурини билмаган!..

Ҳовли ошиб эмас, Ғойибдан ҳам узокда бу дам шошиб кетиб боряпсан-у, орқангдан у хануз майна қилган каби қаҳқаҳа уриб қулаётгандек туюляпти, фақат у сени майна қилиб қулаптими, ё ўзиними - тушуниш мушкул. Ховли ошиб эмас, Ғойибдан ҳам узокда ҳозир шошиб кетиб боряпсан-у, биров нега бунчалик жоникяпти бу, дея ола қарамайтмикан, дебон кўзларинг нуқул аланг-жаланг, кўзнинг кўрқоклиги-да бу ҳам, оёқ эса, мана, парвойи фалак, биров қараяптими, қарамайтими, ола қараяптими, булами, ҳаёлида нима гап - бир чақага олаётгани йўқ, “тап-тап-тап” - ва Бақаҳовуз вақтини кўз-кўз



қилмиш соатдан сал пастроқдаги ойнаванд эшикни шахд билан очиб, зинага етдинг-ку, ниҳоят, баланд, чархпалак зина, тепага қарасанг бошинг айланади, ҳар пиллапоёсида бирпас кетни кўйиб, нафас ростласа бўлади, шароит кўтарса, бемалол чордана куриб ёки ёнбошлаб, хордик чиқариш ҳам мумкин, шунга илова бир пиёлагина, яна ҳам маъқули - битта шокосада лиммо-лим яхна чой бўлса, оҳ-оҳ, бундан ортиқ роҳатни орзу қилган - аҳмоқ, лекин ким бу ерда сенга чой совутиб қараб ўтирибди, ким пиёла ёки шокосага куйиб узатади уни сенга, худди косаси синган мисол ҳовлиқиб, тепадан пастта, пастдан тепага чиқиб-тушиб турган манави тумонатми, қани, кетингни кўйиш тугул, бир зум уларнинг йўлида тўхтаб кўргин-чи, зина билан битта қилиб босиб-янчиб ташлашар нақ, Бадал Армон деб атагулик сиёғинг ҳам қолмас ҳеч, агар уларнинг йўлида бир зум бўлса ҳам тўхтасанг-да, албатта, тўғрироғи, тўхташга имкон тополсанг, имкон топмоқ тугул, бу ҳақда тузукроқ ўйламасингдан, ҳатто зинага - "тап-тап-тап" - оёқ кўйиб улгурмасингдан юқорига қараб мўр-малаҳдай ўрлаётган тумонат ямлаб, олиб чиқиб кетади-ку, димоғингга урилмаган буй йўқ, дунёнинг жами атрлари шунда мужассам, бир кўлинг - кимнингдир ёқасида, иккинчиси - белидан пастроқда, ўзингнингми, бошқа бировнингми - англамоқ маҳол, оёқларингни ҳам мутлақо ҳис қилмаяпсан, чунки улар ерга тегмаяпти, тўғрироғи, ерга тегкизишяётгани йўқ, ерга тегшига имкон бермасдан кўтариб олиб чиқиб кетишяпти, чархпалак зиналардан, юқорига, айнан ўша, тумонат ямлашидан бурун сен оёқда - "тап-тап-тап" - юриб, чиқишни кўзлаган манзилга, балки бир қадам ўнроққадир, ёки бир қадам сўлроққа, балки зина тугагач, у ёғига ҳам шундай кўтар-кўтар давом этар, балки ҳали зина тугамасидан туриб сени пастта қараб улоқтириб юборишар, нима бўлганда ҳам нолимасанг арзийди, ҳозирча обрўйинг жойида, ҳў-ўв, бир пайтлар бу ердан роса чангитиб қувиб солишганини эсласанг, сира ишонгинг келмайди, лекин, ҳарчанд уринмагин, эслаёлмайсан, йўқ, албатта, эслайсан, фақат - элас-элас, айнан - роса чангитиб қувиб солишганини, зеро, ўша олис даврга тааллуқли чанг гарди ҳануз димоғингда, ҳар сафар шу зиналардан кўтарилаётиб ёки тушаётиб, уни ҳис қиласан, бироқ қандай ҳолатда, нима туртки бўлиб қувиб солишган - жумбоқ, хотирангда йўқ, бори - бу ердан роса чангитиб, гарди ҳеч қачон димоғингдан кетмайдиган қилиб қувиб солишгани ва тагин бунинг ҳў-ўв, ўша, бирров - "тап-тап-тап" - чопиб, тунда ҳовлига чиқиб чоптиришга оринг келмайдиган даврга тааллуқли экани, йўқ, айнан ўша даврга эмас, лекин ўшанга яқинроқ, чамаси, агар адашмаса, уч-тўрт йил кейинга, тагин ёдингда қолгани - нисбатан сийрат оломон, ҳозиргидек талотўп, ғала-ғовур эмас ва юқоридан тушиб кела бошлаган - "тап-тап-тап" - оёқ товушларига ҳамоҳанг қикир-қикир кулги, ёлғиз кулги, ёвуз кулги, йўкса уларни қувиб солиш кимга ҳам зарил эди, яна чангитиб, қайта бу ерга яқин йўламайдиган қилиб, ўзлари илгаманган ҳолда чуқварани хом санаб, сен қандай ҳолатда, нима туртки бўлиб бир пайтлар бу ердан роса чангитиб қувиб солишганини эслаёлмаётганинг каби, айна дам не учун бу тарз кўтар-кўтар қилишяётганини ҳам сира англаётганинг йўқ, ҳолбуки, у олис даврга тааллуқли чанг гарди ҳануз димоғингда эса-да, қувгинди ҳолинга ҳам сен кейин бу ерга озмунча йўламагансан, энг қизиги шундаки, ҳар сафар - худди ўзинг каби қувгиндилардан бирининг пойқадмини у ёки бу тарзда қутлуғловчи маълум юмуш билан, чунки одат шундай ва уни сен ўйлаб топиб жорий қилмагансан, барчанинг қонига сингдирмагансан, ким ўйлаб топиб жорий қилгани, барчанинг қонига сингдирганидан ҳам мутлақо хабаринг йўқ, бундан қолганлар ҳам хабардор эмас, лекин ҳар гал Насим ғалаба кетидан сафарга отланган ёки ғалаба чўнтақда, сафардан қайтаётган кез оёғи куйган товукдек питирлаб шу ёққа йўлга чиқишади, гарчи Насимнинг сафарга кетаётгани ёки ундан

қайтиб келиши барчага яхши маълум бўлса-да, бир-бирларини нуқул бу ҳақда огоҳлантиришади, кечикмасликни тайинлашади ва неча йилдирки, шундай, яъни Насим ғалаба ҳадисини олган - ғалаба кетидан сафарга отланиб, ғалаба чўнтақда, қайтиб кела бошлаганидан буён, қачондир уларни бу ердан роса чангитиб қувиб солишганини, табиийки, эслашмайди, балки эслашар-ку, лекин қандай ҳолатда, нима туртки бўлиб бу юз берганини, тайин, унутишган, нафақат бунинг, ҳатто атиги бир-икки йил олдин Насимни кузатгани ёки қарши олгани чиқишган пайтлар дўпирларидан ушбу даргоҳ зир титраганини ҳам, мабодо, нимадир сабаб бўлиб, уларни бу ердан ҳозир қувиб солишса, чанг тугул, ғубор ҳам кўтарилмас эди, бу - аниқ, зеро, уларнинг айна чоғ ҳеч чангидиган ёки чангитадиган сиёғлари қолмаган, ҳолбуки, атиги бир-икки йил муқаддам бунинг тамомила акси эди, уларга қараб, уларнинг ушбу даргоҳни зир титратмиш дўпирларига қулоқ тутиб, ўйлаш мумкин эдики, минг қувиб солишмасин, тагин чангитиб, қайта йўламайдиган қилиб - барибир, қувгандан қувгинди кўпроқ, кўйиб берсанг, ўзлари бу ердан истаган бировни қувиб солишга тайёр, чангитиб ҳам гапми, лойга қориштириб, лойнинг тупроғи, шубҳасиз, ўша чангдан, суриштириб келинса, зинадан юқорига қараб кўтар-кўтардан ўзга давом топмай турган ушбу даргоҳга айна ташрифингнинг боиси ҳам, аслида, қачондир чангитиб қувиб солинган, лекин яқин-яқингача ҳам истаган бировни бу ердан қувиб солишга чоғли бўлган қувгиндилардан бирини кутиб олиш, суриштириб келинмаган тақдирда ҳам шундай-ку, аммо суриштирилса, қўшимча тарзда тагин маълум бўладики, у шунчаки одатга кўра кутиб олишга чиқишган оддий қувгиндилардан эмас, балки чиқиб кутиб олиш жоиз саналмиш қувгиндиларнинг энг ашаддийси, ҳа, энг ашаддийси, аммо сардори эмас, чунки Сардор битта, ягона, унинг ўрнини энди ҳеч ким босолмайди, ҳатто Насим ҳам, зеро, у Сардор эмас, фақат Насим, ҳолос, чиқиб кутиб олиш жоиз саналмиш қувгиндиларнинг энг ашаддийси ва уни шунчаки чиқиб кутиб олишнинг ўзи оз - йўлига поёндоз бўлиб тўшалмоқ ҳам керак, калталик қилсанг, ҳў-ўв, ўзидан бурун икки қулоғи ҳилпираб қувгиндилардан яна бириси ҳозир, новча бўлса, сендан салгина новчадир, ана, бор, салдан ҳам салгина новчароқ бўлсин, лекин зинадан туриб қаралса, баайни яланг жойда ўсиб чиққан узун теракнинг ўзи, Бақаҳовуз лабидаги қуюқ шох ташлаб ўстан тераklar қаторида бир шунақаси бор эди, ўша, соясидаги супада қоллар мумкин танда қурмиш Бақаминорга ёндош тераklar қаторида, на бир қуртак ва на бир яшил ёки заъфарон баргни кўрган унда биров, ҳеч ачинмай кесиб синчга ураверса бўлади, зинадан туриб қараган унинг олдида бамисли ютилмаган хода, жуда нари борса ғўла қилиб кесиб, ўчоққа қалашга яраши мумкин, шу ҳам фақат ҳануз давом этаётган кўтар-кўтарнинг шарофати билан, агар кўтар-кўтар бўлмаса, ўчоқни тузукроқ гуриллатгули ҳолини ҳам биров илгамас эди, албатта, агар зинадан туриб қаралса, зинадан туриб қараганда, зинадан туриб қараганга, бироқ, зинадан чиқиб қаралса, сира бундай эмас, баланд бўлса, бўйи салгина баланд, ҳолос, кўтар-кўтар шундай давом этганда-ку, ҳеч қандай баландлик сиёғи қолмас эди, оёқ учиде туриб бўйлашган тақдирда ҳам иягингга етмаган бўларди, афеуски, кўтар-кўтар зинадан уёғига давом этмади, зинанинг сўнгги поғонасидан ўтилгани ҳамон иззатинг битди ва оёқларингни ҳис қилдинг, уларнинг борлиги ёдинга тушди, эринибгина узокдан яланг жойда ўсмиш узун теракни эслатган қорани кўзлаб йўналдинг, теракнинг икки ёнида - дасталаб Насимга тутиш мумкин бўлган икки алвон чечак, атри шу ердан димокка гупиллаб уфуради, кўзлари чарос, қошлари пайваста дилбар жувондан уфурган атрни эслатмайди у, туйқус қутку солган қўрқувга омихта эмас, яқинлашганинг сари атрофни тутмиш мушк-анбар хидидан нафасинг қайтиб, бошинг айланиб, кўзларинг тиниб боради, "Челаклаб қуйишганими

устиларидан, нима бало?», деб ўйлайсан, алвон чечаклар ўртасида қилг этмай қаққайиб турган узун теракка кўзинг тушиб, тагин: “Қизик, анави найнов бунга қандай чидаб, ерда оёқларини тутиб турибди экан? Уларга кўшилиб чўмилмагандир, ахир? Ё, супра кулоқларидан фақат гапгина эмас, бурнидан кирган хид ҳам миясига урмасдан чиқиб кетармикан, а?”, дея хаёл қиласан.

- Ие, ана, Бадалнинг ўзи! Бормисан, оғайни? Қаерларда қоп кетдинг? Соатга қарагин, неччи бўлди?! Бунақамас-да, энди! Ахир, айтудим-ку, вақтлироқ чиқиб келавергин, деб?! Э, ўша ўқшини!

Бу - Ибод, хайрият, супра кулоқлари оралигида ҳосил бўлмиш буюк ипак йўлидан ўтган туя карвонлар ҳали зеҳнини топмаган экан, кўрди, таниди, эслади, кўриб, таниб, эслаганини эслатишни ҳам унутмади, о, бунга у уста, бунинг у кўп ҳадисини олган, унга ош, нон эмас, фақат тилининг қичигини босиш имконияти бўлса - бас, бу учун ҳамма нарсадан воз кечишга тайёр, ҳатто кўз, бурун, кулоқларидан ҳам, ёлғиз тили қолса бўлгани, агар унга яна бир қарич кўшиб берадиган одам топиб, кўл-оёғини ҳам довга тикиб юборишга рози, ҳа, кўл-оёғини, айни дам кўниш майдонини кутиб олувчилар ва шу каби бекорчиларга ажратилган манзилдан айирувчи тўсиқни омонат ушлаган кўлларини ва беками-кўст, яъни кўз, кулоқ, бурун - ҳаммаси ҳозирча бут гавдасини ерда маҳкам тутмиш оёқларини, агар тилига яна бир қарич кўшиб берадиган одам топилиб, кўл-оёғини довга тикишига тўғри келса, фақат бир насага ачинса керак: кўлсиз, оёқсиз бирор яқинроқдаги дарахт панасига қандай ўтиб яширинади, тили кўл-оёқ ҳисобига узайтириш жараёнини қандай “чик” эткизиб суратга тушириб олади, тагин ўзининг тилини, ўзининг кўл ва оёқлари ҳисобига, ахир, бу кони олтин-ку, тасаввур қилинган, қанчага пуллаш мумкин битта шундай суратни, иккита, учтасини-чи, донғи дунёга таралишини айтинг, кун-узукун Сайрибоғда дийдираб, ҳар ўтган-кетганининг этагига осилиш эмас бу, ох, оқшомнинг гўзаллигига бир қаранг, йўқ, сиз бир қаранг, манзара-чи, манзара, бунақаси йилда фақат бир мартагина бўлади - бугун, шундай оқшом, шундай ажойиб, бетакрор манзара қаршисида, тагин шундай гўзал хоним билан бирга суратга тушмаслик бу... бу... бу... билмадим, қандай аташ мумкин буни, деб, яна шу каби ҳар турли хийла, найранг, хунар билан мижоз овлаб, ҳар куни минг хилда турланиб, тусланиб, сурлик, сурбетлик қилиб, ҳа, биродар, нонни қаймоққа булаб ейишнинг ўзи бўлмайди, буни Ибод ҳаммадан бурун тушуниб етган, ҳали мурти сабза урмасиданок, ҳали мактабда ўқиб юрган пайтлардаёқ, лекин мактаб даври ниҳоятда қиска, мактаб ва у билан боғлиқ нури дамлар омонат, кўз очиб юмишга улгурмайсан - лип этиб ўтади-кетади ва бошқа ҳеч қачон қайтмайди, буни сен ўша пайт англамайсан, тезроқ улғайишни, тезроқ муртинг сабза уришини орзу қиласан, гўё у ерда сенга бировнинг кўзи учиб турибди, қачон келади деб кўзи тўрт, нигорон, дастурхонда - ҳар доимги қаймоқ, иссиқ нон тайёр, сен бўлсанг бу ерда ўралашиб юрибсан, ўқитувчиларнинг оёқлари тагида, уларнинг ҳеч тугамайдиган дийдиеларига кулоқ тутишга мажбурсан, зиммангдаги ўқувчилик мажбуриятларига амал қилишга ҳам, яъни ҳар эрта уйингдагиларнинг кулоқларинг тагига келиб чалган танбури овозидан уйғонасан, дастурхонда сенга мунтазир иссиқ нон ва қаймоқ билан истар-истамай қорнингни алдамоққа тутинасан, бироқ нон суви қочган каби тишларинг орасида қисирлаб, лунжингда айланиб, ҳеч томоғингдан ўтмайди, қаймоқнинг мазаси эса алланечук ачимсиқдек туюлади, чунки нонушта давомида мудом бошқа дастурхон, бошқа нон ва товоқда қаймоқ кўз олдингда туради, мудом уларга оғзингнинг суви келади, тезроқ улардан тотинмоқлик ишқиди ёнасан, лекин негадир ҳеч бўйинг чўзила қолмайди, муртингнинг сабза уришидан ҳам сира дарак йўқ, бўйни ўстиради деб айтиб

ўргатишган машқларни ҳар куни ҳаллослаб қолгунга қадар бажаришнинг ҳам фойдасини сезмайсан, кечалари, ҳамма уйкута ётгач, ваннахонага қамалган кўйи юзингни қалин кўпиклаб, дами тез устара билан қайта-қайта қиртишлаганингни ҳам тузук бир нафи кўринмайди, ўпкангни бос, ҳеч хавотир олма, ҳали ниятингга етасан - кўкка теракдек бўй чўзасан, муртинг ҳам сабза уради, ҳар эрта юзингни кўпиклаб қиртишлайвериб безор ҳам бўласан, лекин сен тотиниш ишқиди ёнган, мудом оғзингнинг сувини келтирган у неъматларга ниҳоят етишиб, орзу қилган лаззатни негадир туймайсан, боз устига, энди улар аввалгидек дастурхонда ҳар тонг сенга мунтазир эмас, агар кетингни дадил-дадил кимирлатмасанг, ўзингдан ҳаракат бўлмаса, талабалик нафақанга кунда бир маҳал лағмон чўзиб, шилқиллаб юраверасан, эркалинг энди ўтмайди, бу бўйга эркалик ярашмайди, нонни қаймоққа булаб ейишга ишқибозлигингни ҳам энди ҳамма бирдек тушунаврмайди, баъзан шундай боғлаб пўстагингни қоқишадими, узок вақт нон тутган кўлингни товоққа олиб бориш туғул, оғзингга ҳам яқин келтиролмай юрасан, тирикчилик манзининг - Сайрибоғ гўристондай, сайр қилгани келганлар эса гўрларини тарк этган мурдалардай бўлиб кўринади, қандай қилиб буларга оқшом гўзаллиги, унда зоҳир манзаранинг бетакрорлиги тўғрисида фалсафа сўқиганингни ўзинг хайрон қоласан, қанақа гўзал оқшом, қанақа бетакрор манзара, кечаги оқшом, кечаги манзарадан унда нима фарқ кўрдинг, бари бир гўр-ку, сен бўлсанг, баайни гўрков, уларни бир парча жонсиз қоғозга зарб қиласан ва ўлик лаҳзаларга жон бахш этдим деб кўксингга урасан, ҳолбуки, улар сен “чик” эткизиб суратга туширгунга қадар тирик эди, “чик” эткиздинг ва шу асно уларнинг жонини олдинг, ҳа, шунақа, бу тўғрида икки баравар кўпроқ фалсафа сўқишинг мумкин, лекин нонни қаймоққа булаб егинг келади, бошингни қайси девор ёки дарахтга уриб ёрмагин, барибир бу истакдан ҳеч қаёққа қочиб қутула олмайсан, атрофдагиларнинг ўзингга ва айни майл-истагингга нисбатан алланечук истеҳзоли муносабатидан ҳам, ўзингга ва айни майл-истагингга қулиб, ҳатто истеҳзо билан қарашади-ку, лекин қаймоқ тўла товоқни тутсанг, бармоқларини ботириб олишга негадир тортинишмайди, ҳа, буни у жуда кўп бора синовдан ўтказган, мана, насиб қилса, бугун яна бир марта синаб кўради, фақат улар ҳозирча бундан мутлақо беҳабар, кейин ҳам шубҳага боришлари дарғумон, лекин у билади-ку, бу шунчаки бир баҳона эканини, коса тагида нимкоса борлигини, аслида уларни кишибилмас синовдан ўтказганини, ҳарчанд устидан мазахлаб қулишмасин, нуқул истеҳзоли муносабатда бўлишмасин, ўзидан улар сира фарқ қилмаслиқларини, ҳатто хаёлларига ҳам келмайдиган бир тарзда синовдан ўтказиб, устларидан қотиб-қотиб қулганини, албатта, ичида, албатта, уларнинг ўзларига сездирмай, уларга бунинг исини ҳам чиқармай, сездирса, тайинки, ҳеч кизиғи қолмасди, бундан у ўзи истаган лаззатни ҳам ололмас эди, ох, тез орада, яқин дақиқалар ичида кўзлаганинг амалга ошиб, мислсиз лаззат оғушига кўмилишингни ҳис қилиш нақадар лаззат!..

- Парво қилма Ибоднинг гапига. Жуда вақтида келдинг. Насимнинг кўнишини ҳозиргина эълон қилишди.

Бу - Шахло, яйдоқ жойда бўй чўзган теракдек гўдаймиш Ибоднинг икки ёнидаги “кўниши” ҳозиргина эълон қилинган Насимга ёки бошқа исталган бировга дасталаб тутса бўладиган анвойи чечакларнинг бири, атридан аниқ пайқаш мумкинки, бу ўша, ўзинг билган Шахло, мактабда нечанчи синфгача ҳам сен билан ёнма-ён ўтирган, адабиёт дарслиқларидаги шеърый асарларни синфда ҳаммадан ифодали ўқийдиган, ҳафтада икки бор кечқурун шаҳардаги ягона мағриблик машшоқдан фортепьянодан сабоқ оладиган, бир сафар нимадир бўлиб умрида биринчи ва охири марта билими “яхши” баҳоланганида, синфда зикр тушиб ҳўнграб, ҳамманинг, шу жумладан унча-



мунчага туки қилт этмайдиган бадқовоқ муаллимнинг ҳам кўнглини бузиб, баҳони “аъло”га ўзгартиришга мажбур қилган, ҳар турли дунёвий билимларга чанқоклигига қарамай, обакиданонни беҳад хуш кўрадиган, обаки қанд ёки сақич ҳозир ҳам оғзидан камдан-кам тушадиган пучуққина жамалаксоч қизалоқ, агар кўзларинг сени алдамаса, албатта, кўзларинг эса алдаяпти, Шаҳлога шундоқ тикилиб туриб сенга ёлғон далолат берапти, чунки қаршингда айни дам мактабда сен билан узок йил ёнма-ён ўтирган, шеърни синфда, балки мактабда ҳам ҳаммадан ифодали зикр этган, тагин ҳафтада икки бор магриблик машшоқдан фортепьянодан сабоқ олган, “аъло” баҳони, ундан ҳам ортиқроқ обакиданонни хуш кўрадиган пучуққина жамалаксоч қизалоқ эмас, қадди расо, хипчабел, ой чехра бир ҳилқат, одатда бундайларга бағишлаб шоир аҳли ўзининг энг сара мисраларини битади, лекин негадир уларни ҳеч қайси дарсликларга киритишмайди, чамаси, бундай шеърларни мактабда ифодали зикр этган пучуққина жамалаксоч қизалоқлар бу тарз ҳурлиқоларга эврилишмайди деб чўчишади, Шаҳло сенга ҳозир дарсликдаги бирор шеърый ашъорни ифодали ўкиб бергани йўқ, шунчаки икки оғизгина гап уқдирди, холос, гапиряпти-ю, лекин юзида сирли бир жилва, ўзи қаршингда-ю, хаёли бутунлай бошқа ёқда, афтидан, тагин кимдир унга қуюққина қилиб берган ваъдада, буни унинг кўзлари аниқ айтиб турибди, кўзлар эса алдамасди, сенинг ўзингни алдаши, яъни қадди расо, хипчабел, ой чехра ҳилқатни ҳануз жамалаксоч қизалоқ сийратига тасаввур қилиши мумкин, аммо бошқа бировни алдай олмайди, ҳеч қачон, ҳатто бошни қилич кесганда ҳам, зеро, очик кўзларга қараб бошнинг ҳақли ё ноҳақ кесилганини бемалол англамоқ мумкин, ёлғон ваъда бергани-ку, бир қарашдаёқ чувини чиқарса бўлади, фақат қараш керак, ваъданинг оҳанжамаси элитиб, унинг чин ё ёлғонлигини синашни унутмаслик жоиз, ваъда берган кишининг кўзларига синчков ёки бирровгина қараб, ваъданинг чин ё ёлғонлигини англашни кўзлаб, тўғри, бордио биров осмондаги ойни олиб беришни ваъда қилса, унинг чин ёки ёлғонлигини текшириб, овора бўлишининг асло ҳожати йўқ, шундоқ ҳам тайин, фақат ваъданинг пучлигига эмас, уни берган одамнинг кимлиги ҳам, бироқ, у ҳе йўқ-бе йўқ, ўзини танитмай ҳам келиб, ғоят сертакаллуфлик билан суратга тушишни таклиф қилса-чи, бу ҳам майли, тагин суратни жўрнал муқовасида чиқаришга ваъда берса-чи, дафъатан ўзингни йўқотиб қўясан, нима деб жавоб беришингни билмайсан, ваъда чин ё ёлғон бўлиши мумкинлигини ҳам бутунлай ёддан чиқарасан, унинг кўзларига қарашни мутлақо хаёлингга келтирмайсан, агар у ёки бошқа биров худди шу асно келиб кинода суратга тушишга таклиф қилса-ку, умуман ўзингни кўярга жой тополмай қолсан, унинг кўзларини дунёдаги энг истарали, олижаноб кўзлар деб тан олишга тайёрсан, гарчи улардаги ола шунчаки бир нигоҳ ташлаган одамга ҳам яққол кўриниб турса-да, сўнг дарди-дунёнг қоронғи бўлиб, хун-хун йиғлаб Насимни қора тортиб келасан, агар Насимнинг қорасини топа олсанг, Насимнинг қораси шу ерда бўлса, албатта, йўқса дардингни Ибод ёки Бадалга тўкиб солиш билангина кифоялана қоласан, Ибод ёки Бадал учун бундай ҳол асло янглик эмас, улар сени биринчи марта шундай овутишга уринишгаётгани йўқ, қанча уринишмасин, барибир Насимнинг аралашувисиз аламинг ёзилмаслиги уларга жуда яхши маълум, Насим ҳам, ғалаба чўнтақда, ерга оёқ қўйгани заҳоти, узокдан бир нигоҳ ташлабоқ ҳамма гапни тушунади.

- Ким? - деб сўрайди юзма-юз келгани ҳамон, салом-алик ҳам қилмасдан.

Айтмоқчи бўласан, Насимга бор дардингни тўкиб солишга шаҳд қиласан, ичиндан бир тўлқин кўтарилиб келади, лекин бўғзинга келганда тикилиб, фақат:

- Наси-им... Наси-и-им... - дея ҳиқиллайсан, холос.

- Ким? - дейди у бегоҳат Ибод ёки Бадалга қараб.

- Насим, олдин бундай... - дея унинг ҳозиргина олис сафардан қайтганини, бунақа ишларни кейин ҳам бемалол ҳал қилиш мумкинлигини ёдига туширишга уринади Ибод ёки Бадал.

- Ки-и-м? - дейди Насим чўрт кесиб, гўё: “Сенлардан шуни сўрайманми?”, деган оҳангда ва шу ердан тўппа-тўғри сенинг бу тарз дард чекишинг, хун-хун кўзёши тўкишинга сабабчи бўлган у беор найрангбозни кидириб жўнайди, топиб, бошлаб бир эсини киритиб қўйгани, Насимни шаштидан қайтаришни удаллай олмаган Ибод билан Бадал ҳам унинг кетидан соядек эргашиб жўнашади, Насим у найрангбозни топгач, эсини керагидан ортиқроқ киритиб юбормасин учун, чунки унинг ўзи ҳам кип-қизил телба, акс ҳолда у найрангбознинг эмас, у ва унга ўхшашларнинг пуч ваъдаларига ҳар сафар лаққа тушиб ўтирадиган анави лақмахонимнинг ақлини киритиб қўйиш жоизлигини аллақачон тушуниб етган бўларди, бу - Ибод билан Бадал икковининг фикри, балки айни машмашалардаги хабардор яна кимлардир ҳам шундай деб ўйлашар, аммо сен ўзинг бундай ҳисобламайсан, яъни дунёда ҳамма шундай ярамас, найрангбоз экани ва уларнинг барчаси айнан сенга қарши тиш қайраганига ишонмайсан, йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас, асло, сен орзу қилиб, кутиб яшаётган шаҳзода чиндан ҳам бор ва у бир куни албатта келади, балки оқ отдадир, балки пиёда - сени ўзи билан олиб кетади, бу бутун бўладими, индингами ёки унинг эртасига - аниқ билмайсан, у оқ отда келадими ёки пиёда - қафолат беролмайсан, умуман, унинг тайин бир суврати, шамойилини ҳам тасаввур қилолмайсан, бир пайтлар тасаввур қилардинг, ўзинг каби девонахаёл дугоналаринг билан қоғоздан қайиқча ясаб, “Топгин мени, менинг шаҳзодам!”, дея шивирлаб, уларни сувга оқизган қизалоқлик даврингда, бироқ, бу тилакларинг даракчиси бўлмиш қоғоз қайиқлар анҳорнинг уззукун бола-бақра танда қуриб, чўмилиувчи жойига оқиб бориши ва улар, чўмилишни ҳам унутиб, анҳорнинг икки лабига қатор тизилганча сувда оқиб келаётган қайиқларни ким пойларга тошбўрон қилишларини тасаввуринга ҳам сиғдирилмасдинг, биров айтса, тайинки, ишонмас эдинг, кунлардан бир куни, одатлагидек ўзинг каби девонахаёл дугоналаринг билан анҳор бўйида шивирлаб тилак айтиб, сувга қоғоз қайиқларни оқизиб турган пайтинг қизлардан бири кўзлари нақ қосасидан ирғиб чиққудек бўлиб жоникиб келгани, укаси, кимдандир эшитган гапни уларга ҳовлиқиб сўзлаб бергани, унинг айтгани ростми ё ёлғонлигига ўз кўзлари билан ишонч ҳосил қилиш учун дугоналар анҳор ёқалаб қайиқларининг кетидан чопиб боришгани, ниҳоят, бола-бақра танда қурган маконга ҳарсиллаб етиб келишгач, кўз олдида гавдаланган манзара, яъни тилакларини олиб кетаётган қоғоз қайиқлар лўп-лўп сувга чўқаётгани, тўғрироғи, уларни анҳорнинг икки ёғида турнақатор тизилган қўйи тош билан уриб чўқтиришаётганларини кўриб, ўзларини туголмасдан бор овозда уввос солиб юборишгани, анҳор ёқасида жам қунда-шундалар йиғи овозига қалғиб, кимдир иржайиб, кимдир ханг-манг бўлиб уларга тикилиб қолганини ҳали-ҳануз унутолмайсан, яна шу ҳам сира ёдиндан чиқмайдики, тасаввурингдаги шаҳзодан нуқул кинода кўрганинг, китобда ўқиганинг сингари хушсураат, довюрак ва олижаноб бўларди, ўзингча уни доим оқ отда тасаввур қилардинг, баайни ола ёки чипор отда ҳам унинг юқорида тилга олинган хислатлари хира тортадиган каби, бироқ, анҳор ёқасидаги анави хангома ҳам туртки бўлиб англадингки, буларнинг барчаси бўлмағур девона хаёллар экан, буни тушунмоқ учун кинода кўрганнинг, китобда ўқиганларингни шунчаки ҳаётга таққослаш кифоя, зеро, кинода кўрган, китобда ўқиган шаҳзоданг кинодан ёки китобдан чиқиб келиб, сени отига мингаштириб ёки ўнгариб ҳам олиб кетолмайдди, ҳаттоки у қўлидан келмайдиган иш йўқ шоввос, учар бўлган тақдирда ҳам, нари борганда ўша, анҳорда қоғоз қайиқларингни тош

отиб сувга чўктирган, бу бедодликка чидаёлмай, уввос солиб дунёни бошларига кўтарган чоғларинг иржайиб ёки ханг-манг тикилиб қолганлардан бири бўлиши мумкин у, бу тайин, бу ҳақиқатдан ҳеч ёққа қочиб қутулолмайсан, зеро, сен ўзинг ҳам кино ёки китобда тасвирлангандек малика эмассан - нақадар аччиқ бўлмасин, буни тан олмай сира иложинг йўқ, баъзи бировлар сингари ҳеч қачон ўзингни малика ҳис қилмагансан, маликаликка ҳам интилмагансан, ҳатто орзуингдаги у шахздани кино ёки китобда тасвирлангандек хушсурат, довиорак ва олижаноб тасаввур қилган пайтларинг ҳам, бу орзуларнинг сароб эканини тушунганингга кўп бўлган эса-да, балки адашгандирман, балки олам мен ўйлаганчалик нурсиз эмасдир, деган умид учкун дилингда ҳали-ҳануз сўнгани йўқ, ҳар сафар сенга кимдир қаердадир у ёки бу ваъдани берган чоғ айнан шу мўъжизага бўлган умид дилингда жўш уради ва сен ҳамма нарсани унутасан, ҳатто берилган ваъда оқибат пуч бўлиб чиқиши ва дилингдаги умиднинг сўнги учкунини сўндириши мумкинлигини ҳам, ким билсин, балки маликалик ҳисси сенга доимо бегона бўлганлигидандир бу, яъни бундай ҳовлиқмалигинг, биров бир нима деса, орқа-олдини ўйламасдан дарров лаққа тушиб қўя қолиш одатинг, ахир, бу тарз машамаларга нуқул сен дучор бўласан, бошқа тенгқур кизлар, дейлик, Гулноз билан бундай ҳол рўй берганини билмайсан, билолмайсан, чунки рўй бермаган, аниқ, рўй бериши ҳам гумон, бу унга хос эмас, яъни биров бир нима деса, дарров лаққа тушиш, умуман, гап айтиш у ёқда турсин, камдан-кам биров унга ҳадди сиғиб яқин боради ва бунинг боиси фақат Насим эмас, албатта, Насим ҳам, лекин фақат буни билувчилар учун, билмайдиганларни эса унинг биргина кўз ифодасиёқ хуркитади, жойларида таққа тўхтатади, унга яқин бориш ва гап айтиш ниятларидан қайтаради, мабодо, кимдир унинг кўзларига боқмай, фақат хусн-жамолигагина махлиё бўлиб яқин борган ва гап айтган тақдирда ҳам бир нарса ўзгариши душвор, барибир жавоб бермайди, ҳатто киё ҳам боқмайди - на хайрихоҳ ва на нафратомуз нигоҳ билан, бошини тик тутган асно кўзини бир нуқтадан узмай тураверади, гўё ҳеч нарсани эшитмаган, эшитишга ҳам тоби йўқ каби, қизиғи шундаки, унинг кўзларида бу дам бефарқ ифодани кўришни ўйлаган ҳам адашади, чунки улар чакнаб туради ва унинг кўзларида акс этмиш бу ўтнинг синоатини ҳеч ким билмайди, билмоқни кўзлаган эса бехуда уринади, баайни подшонинг йиғлоки арзандасини қудирмоқ учун бошини тиккан далли-девоналар сингари, бошидан-ку бу ҳолда ҳеч ким айрилмайди-я, лекин уни дафъатан йўқотиб қўйиши ва тополмай сўнг кўп азият чекиши тайин, шукрки, Гулноз росмана малика эмас, фақат ўзини мудом малика ҳис қилади, гоҳо эса маликадек тутади, холос, акс холда унга ишқи кетган шўрликларнинг аҳволи нима кечарди - буни фақат тахмин қилиш мумкин, ўша, тантиқ маликалар ва уларнинг бир марта қулиб боқиши ёки абадий ғафлатдан кўз очишини бошидан афзал билган девоналар ҳақида ҳикоя қилувчи эртақлардан келиб чиқиб, ҳолбуки, Гулнознинг қачондир оқ от минган шаҳзода ҳақида орзу қилгани ёки ўзинг сингари роз айтиб, сувга коғоз кайик оқизганини сен билмайсан, умуман, биров марта бўлсин, орзулари тўғрисида сенга ёки бошқа бировга оғиз очгани ҳам ёдингда йўқ, лекин яхши биласанки, мудом ўзини малика ҳис қилиш, гоҳо эса маликадек тутиш ҳам оз унга, токи бошига маликалик тожини киймагунича ҳисоб эмас, бир эмас, уч марта уринди у, учала мартаси ҳам гўё унга маликалик даъво қилиш учун шунчаки хис-туйғулар, феъл-атвор ёки кўзнинг чакнаши кифоя эмаслигини англаган каби, тожни бошқа бировга қийдиришди, унга насиб қилгани фақат дўстларнинг ҳамдард, хайрихоҳ, дўст саналганларнинг эса истехзоли нигоҳлари бўлди, яна нималар насиб қилгани ёлғиз унинг ўзига аён, сенга маълуми шуки, уч марта уриниб, учала мартаси ҳам боши деворга урилган эса-да, на унинг хис-туйғулари, на феъл-

атвори ва на кўзининг чакнашида биров ўзгариш сездинг, қандай бўлса, шундайлигича қолди у, мудом ўзини малика ҳис қилиш, гоҳо эса маликадек тутиш одатини тарк этмади, ҳатто унга ҳар дам ҳамдард, хайрихоҳ бўлганлар билан муомалада ҳам, ана, исботи: Бадалнинг келгани қачон эди-ю, лекин ҳануз унга киё боққани йўқ, гарчи у қарийб ярим соатдан бери қулоғи тагида тўтидек такрорлаётган эса-да:

- Салом, Гулноз!

Бадал Армон кизга дастага тиркаб, кимгадир инъом этса бўладиган анвойи чечакка эмас, нархи кўп баланд, исмига тил кўликкан, юзма-юз келинган чоғ салом-алиқ ва хайр-хўш қилиб ўрганилган тирик жонзотга қараган каби кўз тикди, ҳали Шаҳло уни Гулнознинг қулоғи тагида бир гапни тинимсиз бехуда такрорлаб турган ҳолатда илғаб, ўзича тўтига қиёслашидан анча бурун.

- Салом, Гулноз!

Бадал Армон кизнинг ўзи сари юз буришини кутиб, тарадудланди. Кўз олдида унинг қачондир ёдига ўрнашган хушчақчақ чехраси жилваланиб, ўзи беихтиёр жилмайди.

- Салом, Гулноз!

Бадал Армон шовкиннинг зўридан кизнинг қулоқлари том битган гумон қилиб овозини бир парда кўтарди.

- Гулноз, салом!

Бадалнинг юзида табассум сўнди. Бадалнинг юзида таажжуб акс этди. Кўнглига эса ораларидаги сўнги гап-сўздан киз ўксидимикан, деган иштибоҳ оралади.

- Гулноз, салом!

Бадал Армон кўнгли алланечук хижил тортиб, кизга синчков тикилди. Гарчи ўзига орқа ўгириб турган бўлса-да, унинг кайфиятини билмоққа уринди. Қаддини ҳар доимгидек адил, бошини тик тутиб, нигоҳини эса ўз одатича олис бир нуқтадан узмай туришида ҳеч қандай ўксиниш аломати сезилмади.

- Гулноз, салом!

Бадалнинг таажжуби ортди. Ўксиган деса, ораларида ўша гап-сўз бўлиб ўтгунга қадар ҳам у ҳеч хурсанд эмасди. Умуман, уни ҳеч қачон Бадал ҳали бундай дилтанг аҳволда кўрмаган эди. Ҳатто маликалик билан боғлиқ бор умидлари чиппақка чиққанида ҳам. Аксинча, қўлидан келганча овути уни Бадал, ҳовридан туширди, бу ишнинг албатта бир чораси топилишини унга зўр бериб ўқдиришга уринди, гарчи бунинг қандай чорасини топиш мумкинлигини ўша чоғ аниқ тасаввур қилмаса ҳам, у гапнинг индаллосини ҳам ўша пайт дарров англаб етгани йўқ, Гулнозни одатдагига хилоф равишда икки юзи бўғрикқан, кўзлари киртайган аҳволда кўриб, бошда қаттиқ таажжубланди, об-бо, тагин ўша гўзаллик танлови машамаси, шекилли, деган фикр миясига урилди, сўнг туйқус ёдига тушдики, гўзаллик танлови билан боғлиқ дийдиёларнинг бу йилги ҳиссасини аллақачон чиқариб улгурган у, қор ёққан, излар босилган, кейинги гўзаллик танловигача ҳали, эҳ-хе, ё раззок; кизнинг овози ҳам алланечук синик, ҳатто титроқ аралаш туюлди Бадалга, яна озгина ва у ўқиб йиғлаб юборадигандек эди Бадалнинг назарида, шунгами, у гапни кўпайтириб сўроқлаб-суриштириб ўтирмади, ким билсин, балки Насимнинг сафари ҳар доимгидан чўзилиб кетганига шундай ичиккандир, балки бошқа бир сабаб ўтгандир, деб ўзича тахмин қилди, бироқ кинохонага киритишларини пойлаб туришаркан, у чўнтак кавлаб:

- Мен сомса опкеламан, - дея бурилган чоғ, киз бор овозда туйқус:

- Йў-ўк! - дея чинқириб уни йўлдан қайтардики, бундан Бадал батамом ханг-манг бўлиб қолди.

- Йўқ, - дея ютиниб такрорлади Гулноз, бу сафар босиқ овозда, туйқус кичқириғи билан барчанинг эътиборини ўзига қаратганидан мулзам торгандек ва кўзлари хайратдан катта-катта очилиб тикилиб турган йигитга тушунтирди: - Ўзингга



олавер. Мен емайман.

Бадал кўнгли сомсани тусганига ҳам кейин кўп пушаймон қилди, чунки сомса еб, егандек бўлмади: кизнинг кийма-ёғ аралаш пиёз хидидан очик-ойдин ижирғанаётганини сўнгги лўкма томоғидан ўтгунга қадар аниқ хис қилиб турди. Хис қилгани сари сомсанинг томоғидан ўтиши қийин ташаверди. Бу хис кейин ҳам уни дарров тарк этмади. Кизга гап учун оғиз очди дегунча у нукул кўнгли беҳузур бўлгандек юзини четга бурарди. Ниҳоят, ичкарига киришгач, сўнгги кўнғирок янграб, чирокни ўчиргулларига қадар худди ҳаво етишмаган каби нафаси қайтиб, кафти билан бетоқат елпиниб ўтирди у. Кизнинг бу бетоқатлиги бирпасда Бадалга ҳам кўчди. Агар шу тобда ёнида Гулноз бўлмаганида, бу ердан дод солиб отилиб чиқиб кетиши ҳеч гап эмасди. Балки дод солмасди-ку, лекин отилиб чиқиб кетиши тайин эди. Гулноз бўлмаганида, бу тахлит бетоқатланмасди. Гулноз бўлмаса, умуман бу ерга қадам ҳам босмасди. Афсуски, Гулноз бор эди ва у тез орада бу ҳақда Бадалга эслатди. Айни чирок ўчиб, кино бошланиб, у кизнинг борлиги ва бугун одатдагидан ўзгача кайфиятда эканлигини қарийб ёддан чиқарган пайтда туйқус гап ёнида кимдир ичи узилгудек бўлиб қаттиқ-қаттиқ ўкчиб қолди-ку!

Бадал капалаги учиб чап ёнига ўтирилди: Гулноз!

- Гулноз? - деди у кизнинг қаттиқ-қаттиқ силкинаётган елкаларидан тутмоққа уриниб. - Нима бўлди сенга, Гулноз?

Гулноз жавоб бермади. Фақат ўкчиши хиёл қолгандек бўлиб, бошини унинг елкасига беҳол ташлади. Бадал қайноқ ҳўл бир нима елкасини намлаб, кўксига оқиб тушганини туйди.

- Гулноз? - деб такрорлади у кизни елкасидан суяб, ҳавога олиб чиқаркан. - Нима гап ўзи, Гулноз?

Кинохона қаршисидаги майдон кимсасиз эди.

Бадал Гулнозни қўлтиғидан тутиб рўпараларидаги музқаймоқхона сари етаклади.

- Нима, тобинг қочдимми? - деб сўради кизни ок елим курсига оҳиста ўтқизаркан, гарчи саволи ғирт аҳмоқона эканини сезиб турса-да. Сўнг ўзи ҳам унинг қаршисига омонат чўкди.

Гулноз лом-мим демасдан намикқан кўзларини ерга қадади.

Бадал ўтирган ердан киз сари узалиб, унинг қўлларидан маҳкам тутди.

- Ким?

Киз унга ялт этиб қаради.

- Ким? - деб такрорлади Бадал Гулнознинг шу тобда асло нозли бўлмаган кўзларига синчков қадалиб.

Кизнинг шундоқ ҳам доқадан фарқи йўқ ранги баттар кув ўчиб, жонҳолатда қўлларини Бадалнинг чангалидан тортиб олишга уринди. Бирок Бадал, тайинки, чайирлик қилди.

- Ким?

Гулноз лабларини кимтиганча нигоҳини четга олиб қочди.

- Насимми? - деб сўради Бадал киз нигоҳини ўтирган тарафга бошини солиштириб.

Кизнинг ёноқларини асабий бир титроқ ялаб ўтди.

- Насимми? - деб қайтарди Бадал тагин.

Кизнинг икки кўзидан ёш сизиб чикди.

- Тушунарли, - деб хулоса қилди Бадал Гулнознинг ёноқларини ювиб тушаётган ёш томчиларини нигоҳи билан ўйчан кузатиб, гарчи нимани тушунганини ўзи ҳам аниқ англамас-да. Бир пайтлар, ўша, аслида ҳеч ҳам ғаройиб бўлмаган, лекин "ғаройиб" сифати тирқалмаса, ҳозир ҳеч кимнинг ёдига тушмайдиган мактуб воқеасидан сўнг Насим бутун синфга эшиттириб: "Ўзим тўғримда бор гапни билдим", деб айтган чоғда ҳам Бадал ҳозиргидек ошқора эмаса-да, аммо дилида шундай муҳкам хулоса чиқарганини эслади. - Хим, ўзим тўғримда бор гапни биламан, дегин, - деди овоз чиқариб, ўйчан бир асно ва туйқус кизнинг ёшли кўзлари билан ўзига ҳайрон тикилиб қолганини пайқади. - Йўк, бу сенга эмас, - деб

изоҳ берган бўлди худди уни тинчлантирган каби, лекин аслида баттар таажжубга солиб. Сўнг фақат кизнинг ўзига аталганини кетма-кет қалаштира кетди. Бунда айтилганларнинг бадалона тахлилидан шундай хулоса келиб чиқардики, энди, яъни икки ўртада кечган ва ёлғиз иккаловигагина маълум гап-сўзлардан сўнг киз нафақат унинг қулоғи тагига келиб айтган саломни, балки олисдан элас-элас чалинган овозига ҳам ялт этиб ўтирилмоғи, агар у ёнида бўлса, саломига жавоб бериб, кўзларига қадалмоғи, икки ўртада кечган гап-сўзлар ёлғиз иккаловигагина маълум экани, келишилганидек, ўтган вақт ичида бу ҳақда ҳеч кимга лом-мим деб оғиз очмаганини ёки бунинг буткул тескарисини нигоҳида акс эттирмоғи, уни ёни ёки яқинида кўрмаган тақдирда эса атрофга жонсарақ аланглаб, қидиришга тушмоғи лозим эди. Чунки Бадал ўзи билмаган ва истамаган ҳолда билиши ва бош оғритиши лозим бўлмаган сирдан огоҳ топганди. Билишга-ку, майли, билди, бир жойи ейилиб қолгани йўқ, бунгача нималарни кўрмаган, билмаган, ҳали тагин нелардан ҳабар топади, бошини оғритади, битта кам, битта ортиқ - бу ҳеч нарсани хал қилмайди, фақат бош оғригини андак зўрайтиради, холос, бош оғригининг эса давоси осон, бунинг синашта усуллари керагидан ортиқ, биттаси - ҳозир шимининг орқа чўнтағида, шундоқ қўлини узатса - кифоя, маза қилиб хумордан чиқши мумкин, иккинчиси - кўйлагининг чўнтағида, унинг ҳам қўлга илиниши кўп осон, қўлдан чиқиши - ундан ҳам, бош оғригининг чўнтакка асло дахл этмайдиган яна бир давоси бор, тасмалари бир-бирига маҳкам ўтказиб боғланган чарм жомадонда у, жомадон эса эгаси айни дам учиб келаётган тайёранинг юкхонасида, тайёра ҳали кўринганича йўқ, тўғрироғи, Бадал уни кўришга ҳаракат қилмади, чунки кўзлари Гулноздан бир лаҳза ортмади, унинг нозик елкалари ва улар узра ейилмиш шабада оҳиста сийпаб тўзгитаётган тимқора сочларидан, лекин ҳозир гап кизнинг сочлари устида эмас, уларнинг тимқоралиги ёки шабада оҳиста сийпаб тўзгитаётганида ҳам, фақат ва фақат Бадалнинг ўзи ҳақида - билишга-ку у, майли, билди, бошини оғритишга-ку, ҳўп, оғритди, бироқ айни чоғ кизнинг нозик елкалари ва улар узра ейилмиш шабада оҳиста сийпаб тўзгитаётган тимқора сочларига тикилиб, чакаги тушаётгани мутлақо ортиқча эди:

- Гулноз, салом!

Бадал Армон қизга илҳақ тикилди. Агар айни лаҳза Гулноз унга томон ўтирилганида, йигитнинг илҳақ нигоҳида ўзини унга орқа ўгириб турган ҳолатда кўрган бўларди. Агар унинг кўзларига тикилса, албатта. Бирок, киз ҳатто қилт этмади.

Бадал Армон жойида асабий депсинди.

- Гулно-оз, сало-о-ом!

Бадал Армоннинг буткул тоқати тоқ бўлди.

- Гулно-о-оз, сало-о-о...

Бадал Армон айни зардага тўла каломининг адоғига тўқмоқдай залворли бир ундовни кўндирмоқ туғул, сўзини ниҳоясига етказиб ҳам улгурмади - Ибоднинг хушёр одамнинг ҳам кайфини учирмоққа қодир гўлдираган овози уни фикридан чалғитди:

- Ана, ана, кўринди!

- Қани, қани? - деди Шаҳло Ибоднинг нигоҳи қадалган томонга синчков термуларкан.

- Ана, ана, ҳўв, ўша қора нукта! - деди қўли билан кўрсатиб Ибод.

- Қани?

- Ана-ку! Наҳот кўрмайсан? Кўзойнак тақвол-э!

Шаҳло кўзларини кафти билан офтобдан пана қилган асно Ибод кўрсатган тарафга тикилди.

- Йўғ-э, қуш шекилли у? - деди худди ҳафсаласи пир бўлган каби.

- Капалакми ё тиллақўнғизми, десанг-чи! - деб киноя қилди Ибод Бадал тарафга ўғринча назар ташлаб.

- Хечам-да, - деди Шахло Ибоднинг ҳазилини англамай, кўнғиз шунақа катта бўларканми?

- Бўлиши мумкин, - деб гапга қўшилди Бадал. - Агар бунга ўхшаган, - дея Ибодга ишора қилди, - бирор азамат бўйнидан охурга боғлаб, уч-тўрт ой курук гап билан бўктириб бокса.

- Ҳе, бўлмаган гап, - деб гўлдиради Ибод пинак бузмай. - Кўнғиз ҳам шунақа узоқ яшарканми? Нима, имтиҳондан қайтган деб энди нуқул майна қилиш экан-да?

- Бўпти, бўпти, - деди Бадал Армон Ибоднинг китигини кўзгатишни эплаганидан ўзи айтмиш ўша кўнғиздан оз семирмай. У ҳануз Ибоднинг тўқмоқдай залворли ундовини майда нуқталарга бўлақлаб ташлаганини кечиролмасди. Сўнг тагин кинояли тарзда кетидан тиркади: - Ҳой, сен кўл йиғламасдан, бўрдоки жонивориннинг арқонидан тортиб, бундай шоширсанг бўларди. Ё, нима, биздаям қасдинг борми?

Ибод бунга жавобан ўпкалаган оҳангда тагин бир балолар деб гўлдиради. Лекин Бадал Армон уни эшитмади. У яна нигоҳини Гулнозга қадади. Ибоднинг кинояли қочирғига чалғишидан олдин қандай суратда кўрган бўлса, ўша алфозда, қилт этмай турарди қиз.

- Насим, - деб эшитилар-эшитилмас шивирлади у шу дам, чамаси, яқинлашиши баравар куш ҳам, кўнғиз ҳам эмаслиги маълум бўлган ҳайбатли темир тоғорага кўз тикиб.

Бадал Армон қизнинг тош котмаганига ишонч ҳосил қилди.

- Насим, - деди Гулноз яна бироз ўтиб, гилдираклари хали ерга тегмаган тайёранигина эмас, унда учиб келаётган Насимни ҳам аниқ кўрган каби.

Бадал Армон қизнинг тили танглайига ёпишмаганига ҳам амин бўлди.

- Насим! - дея шодон қичқирди у тагин пичадан сўнг.

Гарчи нигоҳи ҳануз қизнинг нозик елкалари ва улар узра ёйилмиш шабада охишта сийпаб тўзгитаётган тимқора сочларида бўлса-да, Бадал Армон англадики, қаршиларидаги майдонга келиб тўхтаб, ганғиллаб-ганғиллаб, ниҳоят, овозини ўчирган тайёранинг дарчасига гилдирагиб олиб боришган зинада Насим кўзга ташланган.

- Наси-и-им! - дея қўлларини силкиганча ирғишлаб, Ибод ҳам унинг бу тахминини тасдиқлади.

- Қани, қани? - деди Шахло, чамаси, зинадан тушаётган кўпчилик ичида Насимни илғмай.

- Ана-ку, ана, чамадон ушлаган, - деб қўли билан ишора қилди Ибод.

- Қани? Уларнинг ҳаммаси чамадон кўтарган-ку?!

- Оббо, нима, Насимни танитай қолдингми? - деди Ибод тоқати тугаб. - Тагин кўзингни дўхтиргга кўрсатгин, десам, мендан хафа бўласан-а!

Шахло Насимни кўришга ошиқиб бунчалик жоникмаса, айна жониклиши билан Ибоднинг чакагини очмаса ҳам бўларди, чунки орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Насимнинг ўзи ўша, тасмалари бир-бирига маҳкам ўтказиб боғланган чарм жомадонини кўтарганча уларнинг қаршисида турарди, салкам икки ҳафта бурун худди шу ердан, айна шу асно Гапдон Тўтилар ярим ороли аталмиш номи ўзидан баҳайбат олис мамлакатга сафарга жўнагани ва ниҳоят, ғалаба чўнтақда, қайтиб келганини англатиб. Буни улар Насимнинг чўнтагига кўз ташлаб билишгани йўқ, яъни унинг ҳар сафаргидек қўлга олиш ҳам кўпчиликка малол келувчи зил-замбил соққатоқчини нафақат қўлга олиб, балки елкасига қўйиб ва барча рақибларидан узоққа иргитиб, ғалаба билан қайтиб келганини. “Бақаховуз ҳақиқати”нинг ўтган кунги сонини ўқиб хабар топишган эди улар бундан. Тўғрироғи, фақат шу хабарни деб олиб ўқишгани уни. Бақаховуздан чиққан марди майдоннинг донги номи ўзидан баҳайбат олис мамлакатларда ҳам қулқони батанг қилиб янграётгани тўғрисидаги хабар билан бирга газетда Насимнинг қарийб ярим саҳифани энловчи сурати ҳам

босилган эди. Бунга қадар босилган ва босилмаган барча суратларидаги каби: “Нима қилай энди, шундай бўлди-да”, дегандек айбдорона қимтиниб турарди у бу суратда ҳам. Насимни ҳозир ҳам уларнинг қаршисида жомадонининг залворидан бир томонга огтанча қимтинибгина турган алфозда кўриш мумкин эди. Фақат, “Бақаховуз ҳақиқати”нинг салкам ярим саҳифасини энлаган суратдагидан фарқли ўларок, унинг бу қимтинишида: “Нима қилай энди, мана, келдим-да”, деган ифода зоҳир эди. Буни Бадал Армон кўрмади, фақат тасаввур қилди, чунки Насимни биринчи бор кутгани чиқиши эмасди. Бошқа кутгани чиққанлар Насимга чувиллаб ёпишиб, бири олиб, бири қўйиб табриқлаб, кўриша бошлаганларидан сўнг ҳам Бадал Армон унга тик боқишга ботинмади. У Насимга сир олдириб қўйишдан чўчирди. Чунки унинг мутлақо бошқа, зинҳор Гулнознинг ҳадеб кўнгли айнаиши билан боғлиқ бўлмаган яна бир сирдан воқиф эди. Аслида буни тўла маънода сир деб аташ хийла нотўғри бўларди, зеро, Насим уни ҳеч қачон Бадалга қулгоига шивирлаб ёки бошқа хуфия бир тарзда ошкор этмаган, Бадал эса уни ўзи билан гўрга олиб кетишга қасам ичмаган эди. Бироқ, шунга қарамай, Бадал бунга англамоққа ақл ожиз бўлган бир тилсимот, жумбоқ сифатида қарарди. Баайни Суворон абдолнинг қайнар хумчаси, очил дастурхони, учар ликоби ёки унинг ўзига қараган каби. Гап шундаки, Суворон абдолнинг номлари юқорида зикр этилмиш тилсимотлари ва унинг ўзидан фарқли ўларок, Насим ҳақида ҳар ерда керагидан ортик гапириб, ундан ҳам ортиқроқ ёзишса-да, унинг ўзи асли хийла камгап эди. Йўқ, у одамови эмасди, фақат керак-нокерак гапириб, эшакнинг юқини оғир қилишни жини суймасди ёки ўзига эп кўрмасди. Буни англаб етишга ожизлик қилганлар бошларини кўп оғритмасдан у ҳақда ўзларига қиёсан “камгап” деб хулоса чиқариб қўя қолишарди. Лекин Бадал Армон эмас. Чунки у Насимнинг бир сўз демай. Бир дунё гап айта билиш қобилиятидан хабардор эди. Қачон бу тилсимотни пайкаб етганини у ҳозир эслаёлмайди. Чамаси, ҳеч қачон. Эсини танибдики, Насим у билан кўпда шундай сўзлашарди: бир сўз демай, аммо кези келганда бир дунё гап айтиб. Бунинг учун Насимнинг нигоҳига бирров кўз ташлаши кифоя эди. Ҳаммасини тушуниб етарди: унинг кайфияти, авзойини, хоҳиш-иродасини, нимани шу дамда кўришга кўзи йўқлиги ёки кўнгли тусаётганини, атрофдагиларга муносабатини, у ёки бу гап маъқул келгани ёки қаттиқ жинини қўзиганини, агар қимдир ҳозир чакагини ёпмаса ёки унинг ҳар бири чўқмордай икки муштига икки биров икки ёқдан маҳкам ёпишиб, бу тўтикушдан судраб нари олиб кетмаса, ўз қилимиш учун жавоб беролмаслигини. Вақти келганда бу кўлар Бадалдан далда ҳам сўрарди, бироқ кўпроқ унга далда берарди, бўлар-бўлмасга парво қилмаслик, бўлар-бўлмасни кўнгилга олмасликка даъват етарди. Бадалкўрғоннинг ярим хароба ҳолда бўлса-да қун кечириб келаётгани учун у айнан Насимга нисбатан дилида беҳад миннатдорлик туйғуларини ҳис қиларди. Йўқ, тагин капалакларга ҳам, лекин кўпроқ Насимга нисбатан. Насимнинг бесас, беминнат далдасисиз, аниқ, Бадалкўрғоннинг қолган-кутган харобалари ҳам аллақачон қуйиб, кули кўкка совурилган, демакки, капалакларига унинг қултепалари узра ёзғириб қанот қоқмоққа ҳам ҳеч имкон қолмаган бўларди. Насимнинг ўзи ҳам, Бадалнинг назарида, бамисли капалак эди. Ёки, аниқроқ айтганда, агинор мемнон (тангақанотли). Қумурсқалар тоифасига мансуб. Қанотлари (икки жуфт) турли рангдаги тангачалар билан қопланган. Энг йирикларининг қанотлари ёзиғли ҳолатда 18 сантиметргача етади. Мўътадил табиий-иклимий шароитларда бир неча ҳафтагача ҳаёт кечириши мумкин. Ўсимликларнинг чаңғлиниши учун имкон яратади. Тухумдан ёриб чиққан қуртлари кишлоқ хўжалиги учун мутлақо безарар. Ҳа, дарвоқе, тагин ўрмон хўжалиги учун ҳам. Бадал Армон ҳеч ўқинмай ўзини капалак жинниси ҳисоблаши учун айнан шу капалак етишмасди. Фақат Насимни



тутиб, ишқорда қотириб, деворга миҳлашнинг сира иложи йўқ эди. Чунки у мудом учиб кетар, учиб келар ва сўнг тагин учиб кетарди. Гарчи Насим ҳам унинг дилидагини нигоҳига қараб ўқишга одатланган бўлса-да, бир сўз демай, бир дунё гап айта билши қобилиятини Бадал Армон ўзида сира ҳис қилмасди. Тўғрироғи, бу ҳақда у танасига негадир ҳеч қачон ўйлаб кўрмаган эди. Лекин бир сўз демай, бир дунё гап айта билмоқлик уқуви бошқаларда ҳам мавжуд-мавжуд эмаслигига кизиқиб, буни ўзича кузатгани бор. Рўпара келганнинг нигоҳига ҳадеб қадалавериб, бироқ уларда тайин-турурликли бир ифодани илғамай, роса энка-тинкаси қуригани ҳали-ҳануз ёдида. Худди шу ҳол хиёл ўзгача шамоийида ҳозир ҳам тақрорланиши, яъни насим ўз одатича унинг кўзларига қадалиб, бироқ одатдагига хилоф равишда ҳеч нарсани тушунмаслигини Бадал айна дам, оҳ, жуда-жуда хоҳларди. Насим шу тобда унинг дилида яширин, лекин нигоҳидан уқса бўладиган асл муддаоси туғул, айна истагини ҳам мутлақо сезмаётгани эса тайин эди. Чунки у ҳали Бадалнинг нигоҳини тутиб улгурмаганди. Тўғрироғи, Бадалнинг нигоҳини тутмоққа ҳали имкон туғилмаганди. Бу имкон ҳеч бир тўлғоқ ва дард-оғриқсиз дунёга келадиган лаҳзалар яқинлигини эса Бадал дам сайин аниқроқ ҳис қиларди. Айна ҳис унинг бутун вужудини исқанжага олиб, чангалини ёзганча шуури томон кўтарилгани сари Гулнозга ваъдани нақд қилиб берган чоғда керагидан ортиқ сезилган, бу ерга урилиб-сурилиб келаётганида ҳам йўл бўйи тинимсиз ирғишлаб, уни тинч қўймаган, Насимнинг қораси олисда кўринган лаҳзада эса ҳезланиб, ҳужумга шайланган журъат уни тарқ этиб борарди. Ушбу вазиятдан иштонни булғамай чиқишнинг ягона чораси, чамаси, Насимга айна дам ҳар тарафдан суйқалиб, ялаб-юлкаётган анави бобовларга қўшилиш эди. Тўғри, бу ҳолда Бадал ўз одатига мутлақо хилоф иш тутган бўларди. Насимнинг одатига ҳам. Зеро, у Бадалнинг бу тарз ялтқлашишига қўнмаган эди. У асли бошқаларнинг ҳам ўзига нисбатан бундай муносабатларини базўр ҳазм қиларди. Бадалнинг уларга ҳеч қўнмаганда тилини бир қарич осилтириб бориб қўшилиши-ку, Насимнинг томоғига ҳозир сўнғакдек тикилиши тайин эди.

- Бу ҳам кам унга!

Бадал Армон илкис сергак тортиди. Овоз унга жуда ҳам таниш туюлди.

- Ҳа, кам! - деб ўқтирди у тагин ва Бадал буни, худди олдингисини каби, ўзи айтганини англади. Тўғрироғи, овоз Бадалники эди. У буткул Бадалнинг иродасига қарши янгради ва асло атрофдагиларнинг қулоғини батанг қилиб эмас. Уни Бадалдан бошқа бир тирик жон эшитгани йўқ.

- Бўлди! Бўлди-е, Бадалга ҳам қолсин!

Буни, адашмаса, Ибод айтди. Ҳа, бошқа ким бўларди, Ибод, шу сўзлар билан у, чамаси, Насимнинг кўлидан зил-замбил жомадонини олди, чунки лаҳза ўтмай унинг худди қорнидан туйқус мушт еган каби ихрагани ва оғир бир ниманинг ерга "дўп" этиб тушгани эшитилди.

Бадал Армон ички овозининг даъватидан руҳланиб, қаддини ғоз кўтарди. Гарчи нигоҳи хануз четда кезса-да, Насимнинг ўзи сари юзланганини тахмин қилди. Дам ўтмасдан бу тахминининг тасдиғи ўлароқ, чап елкасида унинг қўлини ҳис этди. Одатда, Насим ҳар сафар Бадалнинг елкасидан тутаркан, чўкмордан ҳеч фарқи йўқ қўлининг залворини унга ташламасликка уринарди. Бу гал ҳам Насим шундай қилмади деб айтиш хийла мушкул эди. Бироқ, Насим одатдагидек дўстона тарзда елкасидан оҳиста тутиши баробар, худди қирқ ботмонли юк илкис босиб тушган каби, Бадал букчайиб олдинга мункиди.

- И-и, нима гап, мазанг қочдимиз? - деди Насим гавдаси билан уни аста суяркан.

- Ҳа, озроқ... шамоллабман, шекилли, - дея четга юз бурганча ўзини зўрлаб томоқ кирди Бадал.

- Ие, ҳа, тинчликми? - деди бирдан Насим ва Бадал унинг ҳеч бир сабабсиз берилган бу саволида чексиз таажжуб оҳангини пайқади. - Нима, юқтириб қўйишдан чўчиясанми? - деб давом этди Насим олдинги саволининг маъносини аналганган бўлиб ва Бадал сари оҳиста энгашди: - Буни мен қанчалик истаганимни билсанг эди. Қасалинг менга ҳам ўтишини... - У буни деярли пичирлаб айтди. Овози борича бақириб айтганда ҳам барибир ҳеч ким эшитмас эди. Эшитиши мумкин бўлганлар айна дам унинг ҳеч жойидан кўзгалгиси келмаётган жомадони теғрасида уймалашишарди. Эшитишган тақдирда ҳам улар тайин бир нарсани тушунишлари гумон эди. Фақат Насимнинг бу гапларига ва уларни томдан тараша тушгандек овози борича бақириб айтганига пича ҳайрон бўлишарди, холос. Бироқ, Бадалнинг деярли пичирлаб айтилган айна гаплардан ҳайронлиги уларнинг тўрталовига ҳам бемалол тағирди. - Қўлингдан матрапни юлқиб олиб, капалаклар изидан қувиб кетишини... - деб фикрини тўлдирди Насим бироз сукутдан сўнг маънос оҳангда ва Бадал унинг юзига ялт этиб қарашдан ўзини базўр тутиб қолди.

Насимнинг айна сўзлари замирида қандайдир дард, оғриқ яширин эди. Буни Бадал аниқ ҳис қилди. Унинг маънисини фақат Насимнинг кўзларидан уқиб билиш мумкин эди. Бадал кизиқиши устун келиб Насим томонга ўғринча бир қараб олди. Тортинмай юз бурса ҳам бўларкан. Чунки у аллақачон Бадалнинг ичини қиздирган ҳолатдан чиқиб улгурган, хануз жойидан жилишни истамаётган жомадон теғрасида пилдираб айланаётганларни мийиғида жилмайиб кузатарди.

- Бир гап айтдим-ку, лекин айтмайман, - деди Насим зил-замбил жомадонини жойидан кўзгатишга ҳадеб беҳуда чиранаётган Ибодга қарата ва нигоҳи билан қизларга кўз ташлаб қўйди. - Мавриди эмас.

- Нега кейинга сурасан, тилинганга келдими - дангал айт-қўй, ичинганга ютма, - деди Ибод ўпкалаган оҳангда.

- Ақли одам ўзи тушуниб олади, - деди кулиб Насим ва кетидан қўшимча қилди: - Дарвоқе, бу сенга тегишли эмас.

Насимнинг бу қочириғи қизларнинг пиқир-пиқир кулгисига сабаб бўлди. Бадал ҳам ўзини тугулмай пиқ этиб кулиб юборди. Насимнинг ҳазилига эмас, кўпроқ Ибоднинг яхши кўпчимасдан тандирга ёпилган хамир каби буришиб, осилиб тушган қовоқ-лунжигга қараб.

- Нима бало, ҳафта-ўн кун фақат бобов шўрва бериб боқишдими дейман-а? - деб ғудиллади Ибод хўмрайиб.

Насим ўзини тугулмай хахолаб юборди.

Аммо, Гулнозга бу гап қаттиқ ботди.

- Нега бундай деярсан? - деди у чиройли кўзлари жаҳлдан ола-қула бўлиб.

- Келганидан бери нуқул қопяпти, - деб тушунтирди Ибод "Мен эмас, унинг ўзи-ку", деган аснода.

- Оббо, нозикойим-эй! Дарров тегиб кетдимиз? - деди Насим кулгидан ўзини зўрға тийиб. - Соғиндим жиғингни кўзгатишини! Ҳаммаларингни соғиндим! - Шундай деб келиб у Ибодни маҳкам кучди. - Сўргични оғзингга ҳозир солиб қўйайми ё андақ сабр қиласанми? - деди сўнг қучоғидан юлқиниб чиқмоқчи бўлаётган Ибоднинг юзига тумшук тираб.

- Сўргични ўзингга асраб қўй, ҳали асқотиб қолади, - деб овоз берди туйқус Бадал.

Насим Бадал томон ялт этиб ўғирилди.

Насим Бадалга ҳайрон тикилди.

Насимнинг ўзи сари ялт этиб ўғирилгани ва ҳайрон тикилганини Бадал аниқ кўрмади, лекин ботинан ҳис қилди. Унинг ўзи бу дам Гулноздан кўз узмай турарди. Насимга теккизиб айтилган ва фақат Гулнозгина тушуниши мумкин бўлган бу гап қизнинг этини сескантирса керак, деб умид қилган эди Бадал. Бироқ, таажжубки, қиз ҳатто мижжа ҳам қоқмади.

Насим ранги ғалати бўлиб Ибодни қучоғидан бўшатди.

Насим қаддини ростлаб, Бадалга синчков тикилди. Чамаси, у айтган сўзларнинг мағзини чақмоққа уринди. Лекин, харчанд тиришмасин, бунга тиши ўтмади. Тўғрироғи, Бадал бунга сира имкон бермади. Насим бирор маъно уқиш ниятида унинг нигоҳини тутмоқчи бўлар, бироқ Бадалнинг кўзлари нуқул хар ёқда олма-кесак терарди.

- Ха, ошна, касалинг чиндан ҳам жуда жиддий кўринади, - деб ниҳоят хулоса чиқарди Насим. - Тезроқ бунинг бир давосини қилмасак, бўлмайди.

Шундай деб у бурилиб жомадониға қаради. Сўнг яна Бадалга кўз ташлади. Сўнг эса Ибодга, Гулнозга, Шахлога. Энгашиб, жомадонини ердан даст кўтарди.

- Кетдикми? - деди уларга қарата, бироқ нигоҳини бўшлиққа қадаб. Дедию улардан жавоб ҳам кутмасдан олға ташлади.

Ибод нималардир деб гўлдираганча пилдираб олдинга тушди. Шахло билан Гулноз фақат Шахло ва Гулноз эмас, мисоли дасталаб тутиш мумкин бўлган икки анвойи чечак эканликлари ва бу дам айнан Насимга тугқазилганликларини эслатган каби, чуғурлаганча унга икки тарафдан осилишди. Бадал эса, дарди чиндан ҳам жиддий ва унга даво топиш кўп мушкул эканлигига урғу бергандек, орқада ҳорғин судралиб борарди.

Зина ўша эди. Унга етмасидан Бадалнинг дилини яна ҳаприктирган ғалати, бир қадар муҳкам туйғу ҳам - ўша. Зинага оёқ кўйиши баробар бунга тагин қикир-қикир кулги овози ҳам қўшилди. Баайни зинанинг тагида кўринмас чуқур бир чоҳ бор ва унинг қаъридан бўғиқ акс садо бериб таралаётгандек туюларди бу кулги. Ёлғиз кулги. Ёвуз кулги. Акс ҳолда уларни ўшанда бу ердан қувиб солишмас эди. Чангитиб. Қайта бу ернинг номини ҳам атамайдиган қилиб. Ўзларининг наздида, албатта. Бунгача уларни шаҳардаги ўша пайт янги қурилмиш Марказий дўкон биносидан ҳам худди шундай қувиб солишганди, дўконнинг юқори қаватларига олиб чиқувчи ва қайта пастга олиб тушувчи зиналари тагида тепага анграйиб қараб, худди шу тарз пиқир-пиқир қулиб турган жойларида. Сўнг эса темир йўл вокзали биносидан. Тайёрагоҳ шаҳарнинг адоғида жойлашгани сабабли, уларга хийла олислик қиларди. Дўкон ва вокзалда олинган тажрибадан келиб чиқиб, у ерда ҳам бу қилмишларини биров олқишламаслигини улар жуда яхши англашарди. У ерга бесўроқ борганликлари ёки кўрсатган айни нағмаларининг озгина дарағи мактабдагилар, демакки, уйдагиларнинг ҳам қулоғига етса-ку, роса таъзирларини ейишлари тайин эди. Бироқ, "Кетдик!", деб айтди Сардор ва улар миқ этмай унинг изидан йўлга тушишди. Иккиланмасдан. Кетини ўйламасдан. Чунки улар учун ҳам асосан Сардор ўйларди. Олдини ҳам, орқасини ҳам. ўйлаб, сўнгра: "Кетдик!", деб айтарди ва улар қаерга, нима учунлигини ҳам суриштирмай, унинг кетидан эргашишарди. "Кетдик!" - бу унинг ҳаммасини тарозига солиб ўлчаб, пухта ўйлаб кўрганидан далолат берарди. Иккиланиш ёки, масалан, тап тортмасдан жарга қалла ташлаш ҳам тўлиқ унинг измида эди. Бироқ, Сардорнинг қачондир иккиланганини ҳеч ким билмасди. Қачондир бирор-бир фандан "икки"дан юқори баҳо олганини ҳам. Уларнинг, улардан ҳам кўпроқ уйдагиларининг толеига, Сардор мактабда ора-сира бир кўриниш берарди. Акс ҳолда улар ўқишда ҳам унинг изидан эргашишлари тайин эди. Тайёрагоҳ ва унинг ажабтовур айланма зиналари таърифини ҳам уларга, тайинки, Сардор айтди. Умуман, зина тағида туриб, тепага анграйган асно нега қикир-қикир қулиш керак, нима бунчалик қулгилли - буни ҳам, чамаси, ўша пайт уларнинг ичида кўпроқ Сардор тушунарди. Бадал-ку, ҳозир ҳам, харчанд уринмасин, сира бунинг фаҳмига етолмасди. Турганиб-сурганиб зинадан тушиб бораркан, қўллари ўз-ўзидан, унинг ихтиёрсиз тиззалари атрофида тимирскиланар, нуқул шамолда байроқдек хилпираб, яланғоч оёқларини ҳаммага кўз-кўз қилаётган каби туюлаётган этагини ёпишга уринарди. Ҳолбуки, этаги йўқ эди. Чунки, у

этаги шамолда хилпираши мумкин бўлган либосда эмасди. Оёқларини ҳам яланғоч деб айтиш кўп мушкул эди. Мабодо, у эрталаб уйдан чиқаётиб шимини кийишни унутган бўлмаса, албатта. Аммо, пастдаги кўринмас тубсиз чохдан таралаётгандек туюлаётган қикир-қикир кулги дам сайин баландроқ акс садо бериб, унинг қулоқларини том биткизиб борарди. Ёлғиз кулги. Ёвуз кулги. Йўқса, чиндан ҳам, уларни бу ердан қувиб солиш кимга зарил эди. Агар тепадан тап-тап қадам ташлаб тушиб келаётган хонимлардан бири аввал пастдан жаранглаб эшитилаётган ғалати қулгига, сўнг эса ўзининг шамолда хилпираб, оппоқ оёқлари сирини очаетган этагига эътибор бермаса ва туйқус сергак тортиб, гап нимада эканини тушунган бўлиб, улар бежо нигоҳу беор қулгиси билан унинг оппоқ оёқлари сирига эмас, бошқа муҳимроқ, балки азизроқ нимагадир дахл қилган каби, учошга шайланган, бироқ ҳали ердан кўтарилиб улгурмаган тайёраларни ҳам зир титратиб, бор овозда чинқирмаса...

- Насим! - деб чақирди Бадал беихтиёр.

Бироқ, овозини зинанинг шовқини ютиб юборди.

- Насим! - деб қайтарди Бадал юраги орзиқиб.

Насим тўхтаб, у томон ўгирилди. Насимнинг нигоҳи унинг кўзларига қадалди.

"Эсингдами?" - деб сўради Бадал ундан сўзсиз.

"Эсимда", деган жавобни ўқиди Бадал Насимнинг нигоҳидан ва ўзидаги орзиқиш унга ҳам кўчганини пайқади. Бироқ, бу узоққа чўзилмади. Бошқа, асло юракни орзиқтирмайдиган ниманидир эслagan каби, туйқус Насимнинг нигоҳи маъюс тортиди.

Бадал унинг бирдан бундай маъюс тортиши сабабини дарров тушунди. "Демак, хануз у ўзини айбдор ҳис қилади", деган ўй кечди хаёлидан.

"Йўқ, сен эмас, кўпроқ мен айбдорман, - деб айтди Бадал Насимнинг кўзларига тикилиб, худди уни юпатган каби ва аччиқ югинди: - Биз... айбдормиз..."

Бироқ, Насим юпанмади. У Бадалнинг ўзига қараб хаёлан айтганини ҳам кўзидан ўқиб билмади. Бунга ҳатто уринмади ҳам. Йўқса, албатта жавоб қайтарган бўларди. Лекин, Бадал Насимнинг жавобини ўзича тахмин қилди: "Йўқ, мен айбдорман". Насимни фикридан қайтариш амри маҳоллигини эса Бадал жуда яхши биларди. Бу жиҳатдан Насим худди Сардорнинг ўзи эди. Фақат ҳеч қачон уларга: "Кетдик!", деб айтмасди. Бу сўзни худди улар каби Сардорнинг оғзидан кутарди. Ҳолбуки, у ҳам исталган пайт уларга қараб: "Кетдик!", деб айтиши мумкин эди ва Бадал бир кунмас-бир кун шундай бўлишига ишонарди. Икки кўчқорнинг боши битта қозонда қайнамаслигини у ўша пайтда ҳам ич-ичидан ҳис қиларди. Сардор билан Насимнинг шох қайраб сузишишини хаёлан тасаввур қилиб, танини муз тер қопларди. Бироқ, бахтига бундай бўлмади. Гарчи, Сардор билан Насим ҳеч қачон бир-бирига қарши шох қайрамаса-да, уларнинг апоқ-чапоқ бўлганини ҳам Бадал кузатмаган эди. Бу ҳол Сардор уларни "Кетдик!", деб кетидан эргаштирган, бироқ унинг ўзини қўлига кишан солиб олиб кетишган кунга қадар давом этди. Бадал Сардор ва мудом унинг кетидан эргашганлар ўртасидаги узоқ йиллик муносабатларнинг мағзини фақат шунда чақди. Мағиз аччиқ эди. Бироқ, Сардорнинг бошида чақилган ёнғок олдида бу айтишга ҳам арзимасди. Худди шундай ёнғок ўша кун, тўғрироғи, окшом Сардорнинг кетидан эргашган, бироқ, Сардордан фарқли ўлароқ, қўлига кишан солиниб, олиб кетилмаганларнинг бошларида ҳам чақилиши мумкин эди. Агар Сардор истаса, албатта. Бу унинг учун одатий "Кетдик!", деб айтишдек бир гап эди. Аммо, Сардор буни истамасди. У Насимнинг қилмишини ҳам асло маъқулламади. Аммо, кўнглида унга тан бергани аниқ, бунга Бадалнинг юз фоиз ишончи комил. Насимнинг бундай иш тутишини ҳеч ким хаёлига келтирмаган эди. Яъни, ўз ихтиёри билан бориб, бошини



қундага - Сардорники ёнига қўйишини. Буни ундан ҳатто Бадал ҳам кутмаган эди. Бирок, Сардор барибир Насимнинг бошини рад этишини Бадал жуда яхши англади. Чиндан шундай бўлди. Тўғрироғи, Сардорникига қўшиб, Насимнинг ҳам бошида ёнғоқ чакишни исташмади. Исташса, албатта чакишган бўлишарди. Сардор оёқ тираб рад этган тақдирда ҳам. Бу ёлғиз Бадалнинг фикри эмас. Зеро, Насимнинг боши ёнғоқ чакиб ташлайверса бўладиган бошлардан эмаслиги ўша пайтдаёқ барчага яхши маълум эди. Сардорни эса барибир ҳеч нарса кутқариб қололмасди. Ҳаттоки Насимнинг боши ҳам. Ким билсин, балки у бўйнига тиркалган уч йил, яъни салкам бир минг юз кун ва тунни икки йилда ўтаб, қайтиб келганида ва у билан гапни қисқа қилишга уринмай, сўзларига кулоқ тутишганида, Сардор бунинг батамом аксига иқрор бўлармиди. Негадир Бадал ўзича шундай тахмин қилади. "Мен мудом сизларни ўйладим. Мен мудом сизларга талпиндим. Сизлар билан тезроқ дийдор кўришишни истадим. Сизлар бўлмасангиз, билмадим...", деб айтган бўларди Сардор Бадалнинг назарида. Агар уни эшитишганида. Бирок, уни ҳеч ким эшитмади. Эшитишни истагани ҳам йўқ. Ҳамма у билан имкон қадар гапни қисқа қилишга уринди. Унинг бундай қўққисдан пайдо бўлишини, рости, ҳеч ким кутмаган эди. Сардорнинг роппароса уч йилга кесилганини ҳамма яхши биларди. Уч йил салкам бир минг юз кундан иборат эканини аниқ билишмасанда, орадан ҳали бунча вақт ўтиб улгурмагани барчага ойдек равшан эди. Сардор кетганида, тўғрироғи, уни олиб кетишганида ёз айни авжига минганди. Сўнг яна ёз келди. Аввалгидан шаштли. Аввалгидан тафтли. Яна бир ёз киришига ҳали орада беш-ўн кун вақт бор бўлса-да, куннинг тафти авжи саратоникидан асло қолишмасди. Демак, орада бир ва бор, ана, тагин бир ёз... Ҳали икки йил ҳам ўтмабди-ку?! Буни улар бирзумда каллада ҳисоблаб чиқаришди. ўзлари сари узоқдан қулиб пешвоз юрмиш ўрта бўй, қотмадан келган, лекин қорувли қорамғиз йиғитда ўша, бир вақтлар уларни мудом кетидан эргаштирган Сардорни танишгани ҳамон. Икки қарра икки неччилигини бу дам, балки, айтишга дарров қийналишган бўлишарди. Йўққа йўқни қўшиб, йўқни айирса, нима қолишини ҳам. Аммо, Сардорнинг кесилиши ва айни кутилмаган қайтиши орасида қанча вақт ўтганининг бирпасда ҳисобини чиқаришди. Соат ва дақиқаларигача. Аниқ. Ҳисоблаб чиқаришди-ю, бирдан ранглари қув ўчди. Сардорга эргашиб Тилак зикнанинг мевазор боғига баланд девор ошиб тушишгани ва ерга оёқлари тегиб улгурмай, уларга зикнанинг эшакдай ҳайбатли кўппаги хуриб ташланганида ҳам бунчалик чўчишмаган бўлса, эҳтимол. Ранглари ўчгани майли-ку, тиллари ҳам танглайларига чиппа ёпишди. Зикна итига юғинди тўқкани бокқа бирров кириб, уларни биттадан шохга минган ҳолда топгани ва кўппаги билан жўр овозда пастга тушишни амр этганида ҳам бунчалик доғдирашмагани аниқ. Бирок, улар айни дам зикнанинг баланд девор билан қуршалган боғи, боғни қўриқламиш эшакдай ҳайбатли кўппаги ва ундан қочиб шохларда - меванинг айни қонида паноҳ топишганини эмас, Сардорни тутқунда саклашга қодир деворларнинг борлигига ўша пайт ораларидан кимдир шубҳа билдиргани ва ҳамма унинг бу фикрига жимгина бош силкиб қўшилганини эслашди. Сардорнинг бу кутилмаган қайтишида айни шубҳаларининг моддий тасдиғини кўргандек бўлишди...

- Кетдик! - деб айтди Сардор, уларнинг дилида туғилган бу иштибоҳдан беҳабар.

Лекин, ҳеч ким жойидан жилмади.

Шу жумладан - Бадал ҳам.

Бирок, буни у кейинроқ билди. Яъни, ўзи Сардорнинг: "Кетдик!", деб айтган чорловига жойидан жилмаганларнинг фақат биттаси эканини.

Тагин - бу Сардорнинг уларга эътиборан айтган энг сўнгги шундай чорлови бўлганини...

"Йўқ, мен айбдорман!", деган дардли нидо акс этди Бадалнинг нигоҳида. Буни у Насимга қарата уқтиришга уриндими ёки ўзигами - яхши англамади. Баайни Сардор воқеасининг фожели якунида Насимнинг қандай айби бўлиши мумкинлигини тушунмагани каби. Бадалнинг фаҳмича, жуда истаган тақдирда Насимни фақат битта нарсада айблаш мумкин эди: Сардор қўққисдан қайтиб, барчани изидан чорлаган, бирок ҳеч ким унга эргашини лозим кўрмаган пайт бу ерда бўлмаганида. Агар буни унга айб қилиб тўнкаш мумкин бўлса, албатта. Шундай-ку, лекин, ким билсин, агар Насим ўша пайт сафарда бўлмаганида, балки бу фожиа юз бермасмиди. Чунки, у албатта Сардорга эргашган бўларди, ҳа, аниқ, Сардорни зинҳор ёлғиз қўймас эди.

Сардор воқеасидан Насим сафардан қайтгач, худди мана шу зинада оғоҳ топди. Тўғрироғи, буни Бадалнинг нигоҳидан уқиб билди. Ҳарчанд тиришмасин, Бадал барибир буни Насимдан яширишнинг уддасидан чиқолмади. Удалай олмаслигини Бадал биларди. Фақат воқеани бу тарз талотўпда, тагин тик оёқда туриб эмас, тинчроқ жойда, ортиқча гувоҳларсиз, юзма-юз ўтириб унга англамоқчи эди. Бирок, фавқуллодда нимадир рўй бергани ва ундан ҳеч кимнинг оғзи қулоғида эмаслигини кутгани чикқанларнинг авзойиданок англаса бўларди. Насим меҳмон эмас эди. Улар - Насимга илк дафъа шундай пешвоз чикқан мезбон.

- Нима гап? - деб сўради Насим туйқус худди ҳозиргидек зинанинг ўртасига келганда тўхтаб.

Ўшанда ҳам Бадал унинг изидан тушиб келаётган эди. Тайинки, Насим дафъатан тўхтаб, савол билан уларга юзланиши ҳамон синчков нигоҳи Бадалнинг кўзларига қадалди. Бадал бу сафар кўзларини Насимдан яширолмади...

Ўшанда ҳам Насим худди ҳозиргидек зинага қозиқ бўлиб қоқилган ва чиқиб-тушаётиб беихтиёр унга туртинганларнинг маломатига қолган эди. Бирок, у ҳеч нарсани ҳис қилмас, ҳеч нарсани эшитмасди. "Айбдорман! - деб бўларди унинг кўзлари ва буни ёлғиз Бадалгина эшитарди. - Айбдорман! Айбдорман!..."

Айни чоғда ҳам Насим худди ўшандагидек қарахт эди. Бирок, фақатгина вужуди эмас, шуури ҳам.

Дафъатан Бадал Насимнинг бўйин томирлари қаттиқ бир тортилганини пайқади. Одатда, Насим иргитиш уёқда турсин, қўлга олиш ҳам кўпчиликка малол келувчи соққатоши билан даврага кирган пайт шундай бўларди. Тошни елкасига қўйиб, бўйини хиёл у томон солинган асно иргитишга ҳозирланган лаҳза. Буни Бадал жуда кўп кузатган. Машқ пайти ҳам, беллашувлар чоғида ҳам. "Ҳозир тамшаниб, сўнг култ этиб ютинади", деб хаёлидан ўтказди у беихтиёр. ўйини ниҳоялаб улгурмай, Насимнинг курукшаган лаблари қимирлаб, у култ этиб ютинди.

Бадал қарахтлиқ Насимни ниҳоят тарқ эта бошлаганини сезди. Фақат вужудини эмас, шуурини ҳам. Бунинг исботи ўлароқ, дам ўтмай унинг кўзларида ўқиди:

- У қайтмаслиги лозим эди.

Бу сўзлар Сардорга тааллуқли эканини Бадал дарров тушунди. Бирок, ёлғиз шунинг ўзини, холос. Шунга қарамай, у Насимнинг фикрига қўшилишга ошиқди:

- Ҳа, ҳа, қайтмаслиги лозим эди.

Насим, чамаси, унинг бу айтганини уқмади. Ҳар қалай Бадал Насимнинг нигоҳида бунинг ифодасини кўрмади. Унинг кўзларида хийла вақт ҳеч қандай ифода акс этмади. Фақат анчадан сўнг Бадал уларда ўқиди:

- У қайтмаган бўларди...

Бу сўзлар ҳам Сардорга тегишли эканини фаҳмлаш қийин эмасди. Фақат не сабаб Насим бундай деб айтгани Бадал учун жумбоқ эди. Худди унинг аввалги сўзлари сингари. Бирок, Бадал негадир бу сафар ҳам Насимнинг айтганини тасдиқлашга шошилди:

- Ҳа, қайтмаган бўларди.

-...Агар мен аҳмоқ унинг дилида ишонч уйғотмасам.

Буни ҳам Насимнинг нигоҳи айтди. Ҳа, бу сўзларни ҳам Бадал Насимнинг кўзларида ўқиди. Бироқ, уларнинг жангани хийла вақтгача Бадалнинг қулоқларида акс садо бериб турди. Ҳатто зинадан ниҳоят тушиб, ташқарига чиқишганидан сўнг ҳам.

Кимдир:

- Соат неччи бўлди экан? - деб айтгани элас-элас қулогига кирди.

- Кўзмас, пиёзнинг пўсти! Ана, тепангда-қу соат! - деб уқтирди ўшандай хира бир овоз.

"Кўз эмас, пиёзнинг пўсти"га эга бўлмишга эргашиб, чамаси, Бадал ҳам тепага оғиз очиб анграйди. Бироқ, бино пештоқидаги соатнинг хира миллари, рақамлар кўзига алланечук чапланиб кўринди. Тағин жиндай ва соат пештоқдан уларнинг устига оқиб тушадигандек туюлди назарида. Баайни Шошийнинг севимли мусаввири мўйқаламига мансуб ўша суратдаги каби.

- Исён! - деб тушунтирарди у буни ҳам. - Исён!

Чамаси, Шоший вақтнинг бир тарзда айланавериб-айланавериб, ниҳоят, тушов узгани, абадий тизгиндан бўшаганига ишора қиларди. Бироқ, Бадал асло бундай деб ўйламасди. Унинг фаҳми ожизича, бу шунчаки вақтнинг оқар сувга монандлиги ифодаси эди, холос. Тағин у бир нарсаларни ёдга туширарди. Чунончи, болалик билан боғлиқ хотираларни. Катта танаффусга кўнгирак чалинди дегунча улар оёқларини кўлларига олиб гузарга қараб чопишарди. Гузарнинг бир четига тиклимиш новвойхонани кўзлаб. Бу ерда уларга Сардор мунтазир турарди. Эсини танибдики, у мудом кимгадир қарашарди. Дам новвойга, дам ҳолвапазга... Кимга зарур бўлса. Улар тиллари осилиб, ҳарсиллаб етиб келишгач, Сардор жилмайиб ичкаридан саватда нон олиб чиқарди. Бундай нонни улар уйда ейишмасди. Бундай нонни бировга сотишмасди. Чамаси, уларга талабгор ҳам йўқ эди. Сардор кўлида сават тутиб пайдо бўлгани ҳамон улар қий-чув билан, бир-бирини туртиб, итариб нонга ёппирилишарди. Ким қанақа нонга илиниши муҳимроқ эди. Чунки, Сардор олиб чиққан нонлар улар уйда еб ўрганган, бозорда сотиладиган, барча талабгор бўрсилдоқ нонлардан кўриниш жиҳатидан ва шаклан хийла фарқ қиларди. Аксарияти худди Шоший уларга хўп алқаб таништирган мағриблик мусаввирнинг суратидаги оқиб бораётган соатга ўхшаб кетарди. Фарқи - уларда соатда бўладиган, шуларсиз соат соат ҳисобланмайдиган темир миллар ва рақамлар йўқ эди. Билакс, айни суратни Шоший астойдил буюкдан олиб, буюкка солган мағриблик мусаввир ўзларининг гузарларидаги худди шу новвойхонада, тандирда ёпилаётган нонларни кузатиб чизган деб тахмин қилган бўлишарди. Бироқ, у пайтда ҳали Шоший уларга мағриблик мусаввирни Ҳам, унинг мўйқаламига мансуб айни суратни ҳам алқаб таништирмаганди. Шоший ҳам, табиийки, ҳали Шоший эмасди. Бадал ҳам асло ҳозирги Бадал эмас. Кўзига дунё зинҳор хира бўёқларда, чапланиб кўринмасди. Айниқса, улар гузардаги новвойхонага чопиб келишгач, Сардор саватда кўтариб чиққан кўриниши беўхшов, лекин мазаси оламда беназир нонларни Бақаҳовуз лабида сувга оқизиб ейишаётган дам. Тағин - ўзига саватдаги нонлар ичида энг беўхшови тегиб, барча унга ошқора ҳавасу ҳасад билан кўз тикканида ҳам. Чунки, уларга бу нонлар беўхшов эмас, кўп қизик, аломат кўринарди. Бироқ, бу жуда кам бўларди. Ростини - фақат бир марта бўлган. Сардорнинг хуфия сийлови билан. Бадал новвойхонага ҳаммадан кейинда судралиб етиб келгунича нонларнинг энг қизик, аломат пишганларини илиб кетиб бўлишарди. Унга одатда фақат қуйган-нетганлари қоларди. Ҳар сафар кимгадир ҳавас ё ҳасад билан кўз тикишаркан, Бадал уларни ўзига шундай қаратиш ҳеч қачон насиб этмаслигини ўйлаб, нуқул ўксинарди. Ўшанда ҳам у Сардорнинг олдида ҳаммадан кейинда, итнинг кейинги оёғи бўлиб судралиб етиб келди. Ҳамма

аллақачон ўз улушини таълаб бўлган, саватда иккитами-учта чўтга тушиб қуйган нон қолганди. Бадал ҳар сафар шунга рўпара бўлганидаги каби ичидан зил кетиб, нонлардан бирига узаларкан, кимдир қўлидан аста тутди. У ялт этиб қараб, сават тепасида ўзига жилмайиб тикилиб турган Сардорни кўрди. Майкачан, ялангоёқ, юзлари иссиқдан бўғриққан, сочлари, киприқларига кул кўнган, унинг нигоҳи, айни табассумида қандайдир бир сир яширин эди. Буни Бадал фақат пича ўтиб тушунди. Сардор улушини таълаб улгурганлар ғовур-ғовур давра қурган тарафга олазарақ боқиб, қўйнидан аста бир нима чиқариб, қўлига тутқазганидан сўнг. Йўқса, у ҳам мени майна қиялпти, деган ҳаёлга бора бошлаган эди.

Сардор бу сийловини бўлак такрорламади. Лекин, ҳар сафар шундай ёки шунга ўхшаш ҳолатда кимгадир ҳавас ё ҳасад билан кўз тикишаркан, Бадал уларни ўзига бу тарз қаратиш насиб этмаётганини ўйлаб, бошқа ҳеч қачон ўксинмади. Қачондир кимгадир нисбатан шундай ё шунга ўхшаш сабаб билан дилида ҳавас ё ҳасад туйғуси уйғонгани ҳам ҳозир эсида йўқ. У шу тобда ёлғиз бир нарсга ҳайрон эди: нега тепага анграйиб қараб тургани ва анграйиб қараб тургани - бино пештоқидаги кўзига алланечук чапланиб, лойқаланиб кўринаётган соатнинг хануз устига оқиб тушмаганига.

- Ўн олтию қирқ тўрт... - деб айтди худди соат каби мужмал, лойка бир овоз ва Бадал оғзини ёпиб улгурмай, кимдир айни овозга хос бўлмаган шахд билан унинг билагидан тутиб, судраб кетди.

Узоқ судради.

Бадалнинг қоқилиб-суқилишига ҳам қарамай.

То чипор тусдаги аллақандай шалдирак аравага рўпара бўлмагунларича.

Бу ерда уни судрамиш биров тўхтаб, бўш қўли билан уловнинг ўзи каби шалоқ эшигини очди. Икки-уч чираниб, базўр. Нариги - Бадал шахдини ҳис қилиб улгурган қўли билан эса уни уловнинг ичига туртиб киритди.

- Уф-ф! - деди ўзи ҳам унинг ёнига ҳорғин чўқаркан ва эшикни қарс эткизиб ёлди. - Уни биз бу ерда пойлаб ўтирибмиз-а! Агар излаб бормасам, билмадим, яна қанча вақт шундай тураркан. Осмонга анграйиб. Оғзини очиб. А? Бадал? - деб у тиззасига қаттиқ бир шаппати урди ва Бадал зарбдан жойида бир сакраб, овоз эгасини фарқлади: Ибод.

- Капалакми, бир нимани кўриб қолгандир-да, - деган овоз жаранглади туйқус унинг чап томонида ва Бадал ўтирилиб Шаҳлонинг, сўнг эса Гулнознинг илжайган чехрасини илғади.

- Ҳе, капалакмиш-а! - деб гўлдиради Ибод чўнтагидан дастрўмолини чиқариб елпинаркан. - Боши устида қарға "қағ" деган жойида зўрға қўлидан тортиб қолдим-ку!

Бадал тишлари гижирлаб, қизларнинг одатий хиринг-хиринг кулисини кутди. Бироқ, бунинг ўрнига баногоҳ хайдовчи ўриндиғи тарафдан:

- Ваҳ-ҳаҳ-ҳаҳ-ҳаҳ-ҳа! - деган мутлақо нотаниш қаҳқаҳа янгради.

Қизлар, чамаси, улоқни ўзларидан ким олиб кетганига ҳайрон, қаҳқаҳа янграган томонга анграйишди. Бадал ҳам айни шундай таажжуб билан аломат, бир қадар беўхшов кулги овози эшитилган тарафга юз бурди.

- Ваҳ-ҳаҳ-ҳаҳ-ҳа... қарға... ваҳ-ҳаҳ-ҳаҳ-ҳа... "қағ" этиб... - деб сира кулгисини тиёлмасди калта бўйинга кўндирилган дум-думалоқ бош билан баравар силкинаётган пагила-пагила сөчлар тагидан аранг кўринаётган қисик кўзлар ва ювиксиз қийшиқ тишлар.

Бадал синчиклаб тикилиб, фақат кулгини эмас, унинг эгасини ҳам умри бино бўлиб кўрган одамларнинг ҳеч биттасига ўхшатмади.

- Ваҳ-ҳаҳ-ҳаҳ-ҳа... Вой ўлиб қоламан... - деб қоринни чангаллаб, ёнидаги ўриндикда хотиржам ясланган, на унга ва унинг бу тарз кулгисига парво қилаётган Насимнинг тиззасига



боши урилгудек бўлиб ҳахоларди нафақат кулгиси, балки ўзи ҳам беўхшов бу кимса.

Бадал: “Хунига қолмасанг эди ҳали”, дегандек киноя билан Ибодга тикилди.

“Билмадим... Бунақа кулгили гап айтмовдим, чоғи”, деган каби ҳайрон елка кесди Ибод.

- Ошна! Ҳой, ошна! - деб ҳайдовчи сари чўзилди сўнг. - Ўлишнинг ҳозир ҳеч кераги йўқ-да, - деди унинг елкасига оҳиста қоқиб. - Олдин бизни элтиб қўйсанг бўларди.

- Ваҳ... ваҳ... ваҳ-ҳаҳ-ҳаҳ-ҳа! - деб кулиб, обдон хуморини ёзиб олди йигит қаддини тиклаб, Ибод сари бурилишдан аввал. - Ҳозир-да, ака! - деди ҳануз босиб келаётган қаҳқаҳани базўр ичига ютиб, Ибодга юзланаркан. - Айтган ерингизга шундай учириб олиб бориб қўяйки, қандай етганингизни сезсангиз, мана, мен кафил! Ёқмаса, майли, ҳақини тўламанг! - деб ўзининг гўёки бозор кўрганга ишора қилган ҳам бўлди ва оғзининг таноби қочиб, қалай, боладимми, деган каби Ибоднинг ёнидагиларга кўз ташлади. Кўз ташлади-ю, бирдан авзойи ўзгарди-қолди. - Н-нечтасизлар ў-ўзи? - деди пичадан сўнг хиёл тили тутулиб.

- Оббо, нима қиласан нечталигимизни санаб, баракани учириб? - деди Ибод беписанд қўл силтаб. - Кўриб турибсан-ку, бир чиройли сийғишиб ўтирибмиз. Ҳайдайвермайсанми аравангни?

- Бу гапингизни ҳўв ҳуштагини чуриллатиб, тўхтатганга айтасиз, хўпми?! - деб ўқдирди ҳайдовчи йигит тили тутулмай, демак, бирпасда ўзини қўлга олиб улгуриб ва кетидан тагин қўшиб ҳам қўйди: - Агар эшитса!

- Оббо, вей, нима қиласан-а, гапни опқочиб? - деди Ибод яна - бироқ, бу гал энсаси қотгандек - қўл силтаб. - Ундан кўра, аравам шунча одамни кўтаролмайди, олиб борганимча йўлда тўкилиб-тўкилиб, куруқ манави ордона чамбаранинг ўзи қолади, деб дангал айтгин-қўйгин-да!

Ҳозиргина қаҳқаҳаси оламни бузаётган, кулгидан чалғиши маҳол туюлаётган йигитнинг қовоқ-тумшуги ўриндикқа осилиб тушди.

- К-ким г-гапни о-опқочяпти э-экан? - деди у бирпасда тагин тили тутулиб.

- Сен-да, бошқа ким бўларди? - деб пишанг берди Ибод кулгидан ўзини зўрга тийиб.

- Й-йўлда т-тўкилиб к-кет-гарканми? - деди ҳайдовчи йигит лаблари гезариб.

- Тўкилиб кетади, - дея бош ирғаб тасдиқлади Ибод ва кайфиятини унга сездирмаслик мақсадида лаб қимтиб, деразадан кўчага мўралади. Гарчи, овози ошкор этмаса-да, кўзлари унинг ичида мириқиб қаҳ-қаҳ ураётганини айтиб турарди.

Бадал ҳайдовчи йигитнинг кўзларида алам ўти чақнаганини кўрди. Агар шу тобда орага Насим қўшилмаса, ким билсин, бу даҳанаки машмаша яна қанчага чўзилар ва қандай хотима топган бўларди.

Айни ҳангомага анграйиб, Насимнинг борлиги ҳам барчанинг ёдидан кўтарилгандек эди.

- Бугун қайси кун? - деб туйқус овоз берди у ўтирган жойидан.

Ҳамма ялт этиб Насимга қаради.

Бадалнинг юзида табассум акс этди. Ҳар гал Насимнинг оғзидан шу савол чиқди дегунча унинг лаблари ўз-ўзидан кулгига эвриларди.

Ҳайдовчи йигит эса, савол кимга берилганини тушунмай, дам Насим, дам Ибод томонга алангларди.

- Насим, ахир, кўрмайсанми... - дея норози оҳангда ўзини оклашга тутинди Ибод, бир вақтнинг ўзида ҳайдовчи йигитга савол кимга берилганини ҳам аңлатиб.

Бироқ, Насим дарҳол чўрт кесди.

- Бугун қайси кун? - деб саволини такрорлади у хиёл кескинроқ бир тарзда.

Бадал ўзининг чап ёнидан ҳам пиқ-пиқ кулги товушини эшитди. Шахло билан Гулноз бир-бирининг пинжиги суқилиб, юзларини қафтлари билан тўсганча пиқиллаб силкинишарди. Ибод пича вақт индамай, тумтайиб ўтирди.

- Бозор эмас... - дея тўнғиллаб жавоб қайтарди у ниҳоят ва худди биров патидан қаттиқ бир торгандек хурпайиб, дераза томонга қараб ўтириб олди.

Бадал ҳам ўзини тутолмай пиқирлаб юборди.

Бу ҳам унга одат эди. Яъни, Ибоднинг айни жавобини эшитган асно шу тарз пиқирлаб кулиш. Ҳолбуки, нима учун кулаётганини унинг ўзи ҳам айни дам тайинли аңламасди. Ибоднинг берилган савол каби муҳам жавобини эшитган ҳамон пиқирлаш ёки қаҳ-қаҳ уришга ошиқувчи бошқалар ҳам бунинг боисини билишарди, деб айтиш мушкул эди. Чунки, ушбу жавобга қармоқ ташловчи саволини Насим ёлғиз Ибодгагина берарди ва, табиийки, жавобни ҳам фақат унинг ўзидан кутарди. Ибоднинг нима деб жавоб қайтариши барчага беш қўлдек аён эди. Бироқ, шунга қарамай, унинг ўрнига масхаралаган каби жавоб қайтаришга ёки шу асно бирор бетайин сўз айтиб, орага суқилишга ҳеч ким интиلمасди. Ҳамма ич-ичидан босиб келаётган кулгисини базўр тийиб, Ибоднинг гижирлаши аниқ эшитилаётган тишлари орасидан шу маълум ва машҳур икки сўз отилишини кутарди: “Бозор эмас”. Айнан отилишини, чунки то шу лаънати сўзларни айтмагунча қутулмаслигини Ибод жуда яхши тушунарди. Қизиги шундаки, айни жавобга даъват этувчи савол чиндан ҳам Насимнинг оғзидан фақат бозордан бошқа кунларда чиқарди. Насим, албатта, зolim эмасди ва, чамаси, бозор кунлари у Ибоднинг кўнглига сиққанча вайсаб-валақлаб, хумордан чиқишига имкон берарди.

Аммо, бугун асло бозор куни эмаслигини ва Насимнинг нафақат Ибодга, балки ўзига ҳам ортиқча бир сўз айтиш имконини бериш нияти йўқлигини унинг овоз оҳангиданок яққол аңлаш мумкин эди.

Бадал қачон Насимни илк бор шундай кайфиятда кўрганини дарҳол эслади. Илк ва охири бор. Ибоднинг маънисини ўзи ва Насимгагина маълум таъбири билан айтганда, “бозор эмас”лиги ҳеч кимга сир бўлмаган, лекин у: “Бозор эмас...”, деб айтмагунча, буни биров хаёлига келтирмаган айни кунга қадар. Насимнинг ўша пайтда айтган сўзлари ҳам дарҳол ёдига тушди.

“Йўқ, ошна, ўзинг тўғрингда бор гапни билмайсан”, деган ўй хаёлидан ўтди Бадалнинг.

Лекин, Насим буни унинг кўзларидан уқиб билмади. Чунки Бадалга орқа ўтириб ўтирарди. У хатто ёнидаги ҳайдовчи йигит ўзига бақа бўлиб тикилиб қолганини ҳам сезмас, ё, сезса-да, эътибор бермасди.

- Мен сизни танидим, - деб ўзининг бундай маҳлиё тикилиши сабабини аңлатган бўлди унга йигит.

Бироқ, Насимдан ҳеч қандай садо чиқмади.

- Кўзим тушган заҳоти кўнглимга келувди-я, қаердадир кўрганман, ха, аниқ, қаердадир учратганман, деб, - дея ўзининг Насимга бу тарз бақрайиши боисини ўртоқлашишда давом этди йигит.

- Ҳожатга чиққанда, газет кўриб ўтириб, - дея кескин бир тарзда шартта кесди Насим.

Йигит бир зум каловланиб қолди.

Ёлғиз угина эмас. Бадал ҳам Насимнинг бу таҳлит жавобидан дафъатан ўзини йўқотди. Фикрининг калаваси чуваланди. Аммо, воқеа ривожини калава учини излашига имкон бермади.

- Рост-эй. Қаердан билдингиз? - деди йигит кўзларини ҳайратдан ола-кула бўлиб.

Насим индамади. У хатто ўтирган жойида ҳам қилт этмасди. Бадал фақат унинг бўйни ва хиёл бир ёққа солиниши бошинигина кўрарди, холос. Хатто унинг айни лаҳзадаги ҳолатидан далолат бериши мумкин бўлган қўлларини ҳам ўриндик кўздан пана қилганди.

- Жуда боп-да, - деб туйқус, уни билган барчани ҳайрон қолдириб, Ибод тилга кирди. Одатда, Насим оғзига қопқок урганидан сўнг, у узок вақт миқ этмасди. - Тагин пича бир-биримизга шундай бақрайишсақ, тонг ҳам отади, - деб заҳарханда қилди Ибод ва эшикни силтаб очди.

Ҳайдовчи йигит шоша-пиша ўриндик оша узалиб, унинг кўйлаги енгидан тугди.

- Ўтиринг, - деб айтди гинаомуз бир тарзда. - Эшикни ёпинг.

Ибод унга бир олайиб тикилди-ку, лекин индамай эшикни ёпди.

- Фақат бировинлар ёнбошлаб ё бошларингни яшириб ўтириб оласизлар-да, - деди йигит шарт қилиб эмас, ҳатто илтимос оҳангида. - Ҳеч бўлмаса, ҳўв, анавиндан ўтгунча, - деб боши билан бир ёққа маъноли ишора қилди у.

Бадал беихтиёр Ибодга ялт этиб қаради ва унинг аллақачон ўзига синовчан қадалмиш кўзларига тўқнаш келди.

- Ҳа? - деди қошлари ўз-ўзидан чимирилиб. Қошлари чимирилиши боисини Бадал ҳартугул англаб турарди. Аммо, айни сўз унинг бўғзидан беихтиёр отилди.

- Шундай, ўзим, - деди Ибод ва кўзини четга олиб қочди. - Йўргакка сиғиш-сиғмаслигингни чамалаётувдим-да.

- А? - дея Бадал Ибодга ўқрайиб тикилди.

- Мен йўқ деяпманми, а, йўқ деяпманми? - деб бирдан ўзини оклашга тутинди Ибод. - Жон деб йўргакка рози бўлардим, билдингми, жон деб.

- Хўп, ким бунга ҳалакат беряпти? - деди Бадал ўқрайишини кўймай.

- Ахир, оёғим йўргакдан бир қарич чиқиб қолади-да, - деб тушунтирди Ибод.

"Рост, - деб ҳаёлан тан олди Бадал. - Бир қарич эмас, кўпроқ ҳам чиқиб қолади".

- Майли, - деб кўнгли чопмайгина рози бўлди у. - Лекин, ҳеч қанақа йўргак-пўргакнинг билмайман, - деб шарт кўйди сўнг, "Бир камим қизларнинг пинжига суқлиш қолувди", деган аснода. - Чордана қурасанми, оёғингни буклаб чўнтагинга тикасанми - шу ерга амаллаб сиғишамиз.

Бадал ўрнидан оғир кўзғалди.

- И-и, фақат бунинг устига эмас! - дея унинг кўксидан туртиб тўхтатди Ибод. - Жоннинг қотиллигини бўйнинга олиб юрмагин тагин, - деб негадир Шошийнинг иборасини тилга олди ва оёқлари тагига ишора қилди.

Бадал Ибод имо қилган тарафга кўз ташлаб, Шошийнинг ибораси кўлланиши боисини англагандек бўлди. Бирок, Ибод узатса шифтга етадиган оёқлари тагига Насимнинг чарм тасмалари бир-бирига маҳкам ўтказиб боғланган ҳайбатли жомадонини қандай эплаб жойлаштирганини сира ақлига сиғдира олмади. Ҳатто бу сабил жомадонни иққовлон минг машаққатлар билан ўриндик устига олиб, унинг жойига ўзи ўрнашиб ўтирганидан сўнг ҳам.

- Ана, олам гулистон! - дея ҳансираб хулоса қилди Ибод ва зил-замбил жомадонни ёнига олиб, унинг жойига Бадални ўрнаштиргунча силласи қуриган жасадини ўриндикка гурс эткизиб ташлади.

Лекин, ҳарчанд бўй чўзмасин, Бадал оламини гул босганини негадир пайқамасди. Чамаси, ўтирган жойидан унга кўринмади.

- Ишқилиб, бу жон боши ҳисобига ўтмайдами? - деб кинояомуз гап ташлади Ибод ҳайдовчи йигитга теккизиб ва "бу" деганда тагин бошқа нарсага ҳаёли кетмасин учун жомадонга бир-икки шаппати уриб кўйди.

- Ҳа, йўқ, - деб жавоб қайтарди ҳайдовчи йигит унинг саволидаги киноя оҳангини тушунмай ё тушунса ҳам бепарво.

- "Ҳа"ми, "йўқ"ми? - дея Бадалнинг кўнглини оздириб яна эзмаланди Ибод. Бирок, унинг бу саволини уловнинг чираниб тариллаган овози ютиб юборди. Тариллаб, тариллаб, ниҳоят, жойидан кўзғалгач, унинг ҳам бинойидек нафси бузуқ экани

маълум бўлди. Фақат, анави нафси ҳакалак юҳодан фарқли ўлароқ, у йўловчиларни эмас, уларнинг гап-сўзларини ямламай ўтарди. Бадал гўнғир-гўнғир овозларинигина фарқларди, холос. Бир вақт бўғик шовқин бағрини ситиб, қулоғига етиб келмиш қийқирик, ох-воҳлардан англадики, Ибод Насимнинг тасмалари бир-бирига маҳкам ўтказиб боғланган зил-замбил жомадонини ниҳоят очган, Гулноз ҳам, Шахло ҳам Насим ҳавога кўтарилган лаҳзадан эътиборан кўзлари тўрт бўлиб кутаётган ҳадыларига ахирги эришган, Ибод-ку, оғзи қулоғида, ўзини кўярга жой топмай ҳалак, Насим бир оғиз буюрса, ҳафта етти кун: "Бозор эмас", деб тинимсиз ўқтиришга ҳам тайёр.

Бадал фикрига ишонч ҳосил қилиш мақсадида қийқирик, ох-воҳлар таралаётган ёққа ўтирган жойида хиёл бош бурди, бироқ, тайинли бир нарсани фарқлаб улгурмай, кимдир томоғидан гиппа бўғди. Бадал нақ эҳсонаси чиқиб, бўйнига чирмашмиш кўлларга маҳкам ёпишди.

- Хой, жинни бўлдингми! Э, кўйвор! Совғанинг таҳини бузасан-ку! - Қулоғига Ибоднинг овози шанғиллаб кирди.

Бадал бўйнига чирмашмиш кўлларни аста бўшатди.

- Мана, Насим буни сенга опкепти! - Ибод тантанавор тарзда ялтироқ қоғозга ўралган тасмасифат алламбалони унинг тумшуги тагида ўйнатди. - Ма, ушла. Буюрсин. Ё, тақиб кўяйми, а? Ҳозир-да!

Бадал оғиз очишга ҳам улгурмай, Ибод шилдирик ўрам ичидан олабароқ қандайдир матоҳни чиқариб, унинг бўйнига тақмоққа тутинди.

- Кўйсанг-чи!.. Хой, Ибод!.. Э, нима қиялсан?.. - дея димоғида гудиллаб, эътироз билдирган бўлди Бадал. Бирок, Ибоднинг кўлини бўйнидан анави матоҳга қўшиб шартта юлиб олиб ташлашга негадир журъати етмади.

- Йўқ, олдин сен бир кўр! - деб бор овозда шанғиллади Ибод унинг қулоғи тагида ва бирпасда ишини битириб, "Қалай, қойилми?", дегандек тиржайиб ёнидагиларга бурилди.

Бадал, Ибод нимани қойиллатганини кўриш ниятида, хиёл бош эгиб, бўйнига кўз қирини ташлади ва кўйлагининг ёқаси тагидан тақилган ола-була тусли капалакнуса бўйинбоғни илғади.

- Ярашипти, ярашипти! - деди Шахло.

- Худди ўзинга мослаб тикилгандай! - деб унинг фикрини тўлдирди Гулноз.

- Саруполар муборак! - дея ҳиринглаб қўшилди тагин биров, афтидан, анови ҳайдовчи йигит.

Бадал боя бўйнига чирмашмиш кўллардан юз чандон қучирик нимадир томоғидан гиппа бўганини туйди. Лекин зорманда бўйинбоғни бўйнидан юлиб отишга барибир журъат қилолмади.

- Ҳали бу ҳаммаси эмас! - дея шанғиллаб авжга чиқарди Ибод. - Хонимлар ва жаноблар! Даҳшатли томоша! Асаби бўшларнинг чиқиб кетишларини сўраймиз! Қани, диққат қилинг! Бир... Икки... Икки ярим, - дея, худди: "Қалай, чув туширдимми?", дегандек, пихиллаб қулди у. - Чорак кам уч... Хўп-па! - Шундай деб Ибод чаққон бир ҳаракат билан жомадон ичидан алвон тус, бурама тикили узул шишани чиқариб, боши узра кўтарди.

Бадал бунда шодон ҳайкириб, дўшпини осмонга отмоққа арзигулик ҳеч нарса кўрмади. Насимнинг ҳар борган еридан албатта битта шундай шиша кўтариб келиш одати унга жуда яхши маълум эди. Шу тарз Насим ҳар гал яна бир галабаси ва сафардан қайтганини юварди. Унинг бу одатидан Ибод ҳам беҳабар эмасди. Лекин, шундай ҳайкириб, дўшписини осмонга отмагунча, чамаси, унинг кўнгли жойига тушмасди.

- Минг саккиз юз олтимиш тўққизинчи йил ҳосилидан, - деб шиша сиртидаги ёрликни ўқиди Ибод. - Қолганига тишим ўтмади. Бадал, балки сен тушунарсан? Қара-чи, капалакларингнинг тилида ёзишмаганми? - деб у шишани Бадалнинг тумшуги тагида нуқиди.

Бадал Ибодга еб юборгудек ўқрайиб тикилди.

- Бўлди, хўп, тушундим, бошқа тилда экан, - деб қулиб шишани Бадалнинг тумшуги тагидан тортиб олди Ибод.

“Капалаклар тили” деганда у кумурсқа ва шу кабиларнинг аксар турлари номлари ифодаланувчи илмий тилни назарда тутарди. Бу билан Ибод Бадалнинг барча мавжуд кург-кумурскаларнинг илмий номларини сув қилиб ичганига шайма қилмоқда эди.

- Бўлди. Мунча тумтайдинг? Ҳазил-ку! - деб Бадалнинг елкасидан тутди Ибод.

Бадал жаҳл билан Ибоднинг қўлини силтаб ташлади.

- Оббо! Аразладингми? Шунгайм-а? Ахир, ҳазил, дедим-ку сенга, ҳазил?! Нима қилсам гапимга ишонасан-а? Шу билан бошимни уриб ёрсам ишонасанми, а, ишонасанми? - деди Ибод қўлидаги шишани ҳавода ўйнатиб.

Бадал дарров жавоб бера қолмади. Хийла вақт унга ғажиб ташлагудек ковоқ уйиб тикилиб турди ва туйқус, фавқулодда ёқимли ниманидир эслаган каби, чиройи очилди.

- Ол-а, йўқ нарсаниям уриб ёриб бўларканми? - деб бир пайтлар айнан Ибоднинг ўзига айтилган гапни озроқ ўзгартириб такрорлади у.

- Э, бор экан-ку дунёда ҳақиқат! - деди Ибод ёйилиб илжайган асно. Сўнг қўлидаги шишанинг тикинини бураб очди ва жомадондан чиқмиш ангишвонадай-ангишвонадай елим пиёлаларни бир-бир тўлдирди бошлади. - Насим! - деб биринчи қадахни Бадалнинг бошидан ошириб, олдинги ўриндиққа узатди у. Иккинчи қадахни тўлдирди Бадалнинг қўлига тутказди. - Хонимларга - бир томчидан! - деб Гулноз билан Шаҳлони ҳам ёддан чиқармади. Табиийки, ўзини ҳам хафа қилмади - сўнгги пиёлани лиммо-лим тўлдирди, қўлига олди ва: - Хўш... - деб гапга оғиз жуфтлаган чоғда, тумшуги тагида бўш пиёла тутган қўлга кўзи тушиб, дамини ичига ютди. Пиёла ҳам унақа-мунақа пиёлалардан эмас, нақ қимиз пиёла эди. - Ие, ҳа, йўл бўлсин? - деди уни узатиб турган хайдовчи йигитта хайрон тикилиб.

- Ичмай ҳайдайдиганларни бизда нима дейишларини биласизми, а, биласизми? - деб жағи жағига тегмай бидирлади йигит, бир қўли билан чамбаракни тутган, иккинчи қўлида эса пиёла узатган асно, дам йўлга, дам Ибод томонга жонсарак аланглаб.

- Ҳой, ҳой, кўзингга қара! - деди Ибод эҳсонаси чиқиб ва йигитнинг қўлидан залворли қимиз пиёлани юлқиб олди. - Вой, эсини еган-эй! - деди бошини сарак-сарак қилиб. - Нима, бизни очик мозорга элтмоқчимсан?

Йигит ўксигандек Ибодга бир кўз ташлаб қўйди-ю, лекин миқ этмади.

Орага совуқ жимлик чўқди. Қулоғи уловнинг тариллашига кўникдими, Бадал Ибоднинг юрак уришини ҳам аниқ эшитди.

- Майли, сазанг ўлмасин, - деди Ибод хиёлдан сўнг, аввал: “Қаршилар йўқми?”, дегандек қизлар ва Бадал томонга маъноли бир қараб олиб. - Фақат бир хўплагина, - деб оғохлантирди хайдовчи йигитта пиёласини қайтариб узатаркан ва кетидан ўнг тарзида кўшимча қилди: - Анови сирингни бизга-ку, майли, очдинг, лекин бировга зинҳор айта кўрмагин. Йўқса, бир ўзингнинг эмас, бутун кавмингнинг бозорини синдирасан. Уқтингни?

Бу сафар хайдовчи йигит у билан тортишмади.

- Уқдим, - дея бош ирғаб, дарров рози бўла қолди.

- Хў-ўш, нимада тўхтовдим? - деб, ўгитига қулоқ солишганидан оғзи қулоғида, боя бошлаб улгурмай узилган қадах сўзига қайтди Ибод.

- Ҳақиқатда, - деб унинг эсига солди Бадал.

- Ҳақ... ҳақ... ҳақиқат... да? - деди Ибод эслашга уриниб, бироқ, чамаси, эсига тушмади.

- Ҳа, ҳақиқат қарор топиши учун ичишни таклиф қилувдинг, - деб тўқиди Бадал. - Тагин - ҳамма ўзи тўғрисида бор гапни билиши учун ҳам. - Буни у баланд овозда, худди кимгадир уқдирмоқчидек дона-дона қилиб айтди.

- Йўғ-э? Наҳот, мен шундай деган бўлсам? - деди Ибод ишонгиси келмай.

- Айтдинг, айтдинг, - деб бош ирғаб тасдиқлади Бадал.

- Ахир, биринчи қадахни Насимнинг ғалабаси ё сафардан қайтгани учун ичмасидик? - деди Ибод барибир ишонқирамай.

- Улгурасан. Қара, ҳали бўғзида-ку! - дея, қўли билан майнинг шишасига нуқиб, тинчлантирди уни Бадал.

- Ҳа-я... Рост... Хўп, биринчи қадахни ҳақ... ҳақ... қиқат... нима эди... ҳа, қарор топиши учун ичамиз, - дея, ҳали майдан тотинмасидан тили чулдираб эълон қилди Ибод.

- Ҳамма ўзи тўғрисида бор гапни билиши учун ҳам! - деб яна баланд овозда, дона-дона қилиб такрорлади Бадал ва шу дамгача қилт этмай ўтирган Насимнинг жойида оғир бир кўзғалиб қўйганини пайқади.

“Ҳа, ачитди, шекилли?! - деб заҳарханда қилди у. - Ачитди! Қани, ачитмай кўрсин-чи! Лекин, бу ҳолва! Ҳа! Сакратадигани ҳали олдинда!”

Бадал ҳаёлан шундай деди ва ҳеч кимга қарамасдан, ҳеч ким билан чўқиштирмасдан, гўёки айни ўйиннинг барори учун, қўлидаги қадахни бир кўтариб бўшатди. Бўғзини аччиқ нимадир жизгина қилиб қуйдириб ўтгандек туюлди. Лекин, бу туйғу фақат бир лаҳза давом этди, холос. Сўнг танасига ҳузурбахш илиқлик ёйилди. Шу қадар ҳузурбахшки, у ҳатто Насимга теккизиб аччиқ-тирсиқ гап айтганига андак пушаймон қилгандек ҳам бўлди. Бироқ, бу туйғу ҳам кўпга чўзилмади.

- Бадал қўлидан бўш пиёлани олиб, тўлдирди, қайта тутказиб: - Бадал, энди сен бирор нарса де, - деб айтганини билади, у жажжигина елим қадахни эмас, баайни май тўла муғузни боши узра кўтариб, шер бўлиб ўқирди:

- Янги меҳмон учун!

- Янги меҳмон учу-у-ун! - деб гўлдираб қўшилди унга Ибод ҳам ва қадахни уникага чўқиштириб, бир хўплаб бўшатди, кўзларини чирт юмган асно газак ўрнида улов ичидаги ёнилги исига омихта бадбўй ҳавони ҳидлаб озроқ турди ва бирдан миясига урди, чоғи, кўзлари боя хайдовчи йигит узатган қимиз пиёладай қатта-қатта очилиб, унга анграйди: - Тўхта, тўхта, тушунмадим, қайси янги меҳмон учун?

- Янги меҳмон учун! - дея яна сирли қилиб такрорлади Бадал ва жажжигина елим қадахни эмас, баайни май тўла муғузни бир кўтариб бўшатди. Не ажабки, бу сафар май бўғзини қуйдиради.

- Рост, Бадал, бундай тушунтириброк айт, қанақа янги меҳмон? - деди Шаҳло ҳам таажжуб билан.

- Жажжигина, ширингина меҳмон, - деди Бадал бир пайтлар оқ лайлак оппоқ йўрғакда олиб келган ойдайд гўдакни кўз олдига келтириб.

- Барибир тушунмадим, - деди бош чайқаб Ибод ва чамаси, бунинг аламига яна қадахини тўлдирришга тутинди.

- Э, сен ўзи қачон бир нарсани тушунгансан? Тагин бу аҳводда? - деди Шаҳло Ибоднинг қўлидан майли шишани бир юлқиб тортиб оларкан. - То биров оғзинга чайнаб солиб қўймаса, ҳисоб эмас. Бадал яқинда жиянли бўладиган, шунга суюнчи тортяпти. Топдимми? - деб жилмайиб Бадалга юзланди у.





Вафо ФАЙЗУЛЛО

МЕНГА МЕН ҲАҚИМ- ДА ҲЕЧ НИМА ДЕМА

МЕН КИМ

Бу янги работ бўлса, маймунлар кулса,
Кўнгил ўлса, қирқ йил кетмайди доғи,
Инсон ўлолмаса, гул сўлолмаса,
Болдан безган дунё излайди оғу...
Мен нима ҳам дердим?
Мен ким ҳам эрдим?

Теграмда малойиклар алвасти талъат,
Ялмоғизлар ташлаб кетган борини.
Исмимдан дард йўнарлар - арвоҳларга хат,
Булбуллар кўтариб юрар бедил зорини...
Мен нима ҳам дердим?
Мен ким ҳам эрдим?

Охи ҳур - йўқолган нур, топилган узр,
Ҳаётга эрк теккани шайтон қонидан,
Иблиснинг қишанида илоҳий ҳузур,
Севинч туш кўради ғам ёбонида...
Мен нима ҳам дердим?
Мен ким ҳам эрдим?

Туғаб хуршид ботур, ойни уйғотур,
Қавми номатлум шаъм излайди ўлжа,
Кўнглимда қиличини қайрайди қотил.
Рухимнинг изғишида қурқ туғар гунча!
Мен нима ҳам дердим?
Мен ким ҳам эрдим?

Сабил фасли Зафар, мутрибадир қар,
Жилпанглаган нағма қасди дилором,
Сўнги имконимни еган гавҳарлар,
Тонгга ағёр қистар, тунга хунли жом...
Мен нима ҳам дердим?
Мен ким ҳам эрдим?

Довулар алмашади, дайир турли бўй,
Гуноҳга яшринганни ким ҳам топади?
Оқиллар жоҳилларга берадилар тўй,
Лоларуҳ маъволарда итлар чопади...
Мен нима ҳам дердим?
Мен ким ҳам эрдим?

Вос-вос рўёларнинг очик гўрида
Авжи минг мақомда телбараб Саёк

Гоҳ ўтирсам деса Оллоҳ ўрнига
Ғаюр дунё тезлаб, силкитар байроқ.
Мен нима ҳам дердим?
Мен ким ҳам эрдим?

Кундада қилич чопмас бедаво севгим,
Ишқсиз боласини Моҳ йўрғаклайди,
Саробларда сармаст бенаво севгим
Сени хотир деган ит сўроқлайди...
Мен нима ҳам дердим?
Мен ким ҳам эрдим?

Дўруғ шамойилли унхўр муножот -
Қайсдан Мажнунгача азалий зулм!
Тилсиз баҳоримни кўмиб келган бод
Қабрини тирналайди савдойи дилим.
Мен нима ҳам дердим?
Мен ким ҳам эрдим?

Тириларми кўнглим, ўлмасми ўлим?
Кузнинг боши очик кунлари менда,
Сендан умидим йўқ, сен, сенсиз йўлим
Қарарсан, кимгадир зор, тентирми сенда?!...
Мен нима ҳам дердим?
Мен ким ҳам эрдим?

* * *

Мен кесакка эврилдим...
На нафратим, на севгим
Булбул арвоҳи кўнглим
Қабр тошида девим...

Субҳи шом бари бекор
Тимирискиланар жуъма
Атрофимда чилга дор,
Бошсиз кечган сумбила...

Ҳасратим боди кема
Маликаси ялмоғиз
Туғилгандан тилсима
Ишқинг тутди сўқмоқ из.

1984. БУХОРО. ТОШПҮЛАТ ҲАМИД
Биксиб қолди менинг кўнглимда баҳор,
Биксиб қолди менинг юртимда саҳро,



Биксиб қолди менинг ишқимда аҳрор,
Биксиб қолди менинг исмида вафо -
Энди эврилмасам, кечмасам бўлмас,
Қусганимни қайтиб, ичмасам бўлмас!

Хаёл телбаланиб дарёдай юрди,
Қайси бир нидолар менга югурди,
Мени ўлдиришга кимлар улгурди,
Нафасимнинг қони кимга буюрди?
Кун юқисиз туним гуллари кулмас,
Яшамаслар яшар, ўлим менга даст.

Тўнгиз қуйругига боғланган йўлбарс,
Кўзим шафағида ўйнаётган хас,
Чўққилар бўйнига лола осил, даст!
Мени мен деганлар қачон бергай сас?
Мурдор хундор ўлиб тиклади қафас,
Мен-да сардор бўлдим, занжирбандим лавз.

Абрлар этағида туғ илган турна,
Адирнинг бир кунжида хотирсиз телба,
Бошпанаси баҳор, меҳроби кунда,
Менга мен ҳақимда ҳеч нима дема!
Нетай, ер қаъридан мактублар келмас,
Аршнинг кунгираси ғойиб, титрамас.

Судрадим чоригимни масикса туя,
Шовқинзорга қочдим жимлик қувласа,
Йиғини унутдим бўри увласа,
Нима қилдим энди севинч сўрашса?
Оға-иниларим чимзордан чикмас,
Опа-сингилларим чўрилик-ла маст.

Булоқларга чўккан меҳримнинг бўйи,
Ўтлоқларда ўтгай қаҳримнинг тўйи,
Изимда ўйноқлайди дардимнинг қуйи,
Кўнглимнинг тўрида-ку ул кизнинг рўйи,
Хурдил кунларимга қайтолмадим, бас,
Ҳеч қачон бетон ғорда сиртмоқ топилмас.

Рухим, гуллар эккин, яшил саробда,
Рухим, кўза яса, қизил шаробга,
Рухим, нағма чиқар, қора рубобда,
Рухим, жонингни тут, малла аҳбобга!
Ахир, бу камалак бадтолни чопмас,
Ахир, бу капалак беҳолни тортмас!

* * *

Тентирайман, руҳимда жон йўк,
Орзуларнинг урди арвоҳи!
Эсимда йўқ баҳор - хункилик
Яшил қулоҳ, пистокси оҳим...
Наҳот қолдим бўм-бўш қалб билан?
Илон ўпган доғ-дуғ лаб билан...

Бекинмачоқ ўйнайди саслар,
Телбакезик малойиклар мот,
Фариштага эврилган каслар
Қўшмачи бод қуйин этар ёд,
Масикқан моҳ бетин имлайди,
Балоғат бекатини билмайман...

Кўзга илмас дардим шўтқари,
Унсиз умрим бемаъни ва жўн,
Мени севиб чақада ари
Тўлашим шарт ўлганимчун хун.
Овлоқ адирларда беҳузур
Ранг танлаган мен кўр мусаввир...

* * *

Ишқ ва ўлим мавзеда изғир
Чақа ўйнар даллол Айройил,
Хаёт сўрар мўлтони бола.

Ниманидир сезади каптар
Болохона томида шоир
Тўрт ўғли бор кизни туш кўрар.

Киморбозлар куртак супурар
Хотинлари излайди лаззат
Бахтсизликнинг кулар омади.

Дилбандига отилган ўқлар
Теваракда учар қарғишлар
«Зулматим», деб бошланар алла.

Олисларда сузади хаёл,
Дайди ШУУР орияти дол
Ишқ ва ўлим ёлғиз бошпана!!!

ҲАЁТ

Умрим бино бўлиб нимани кўрдим?
Дилгир чигриткалар... тутмаган сўзим.
Карлар мени тинглаб кўкларда юрди,
Фақат сўқирларга тушади кўзим!
Йўқотдим эрка қул изимни
Чошгоҳда арвоҳни офтоб урган кун -
Кучдим хотиралар дор торган тизни
Болта кўтарган киз - кузак сўрар хун.
Фавога суянган қари, қутир ит
Дунё, дунё сўрар - кетган дуоибад.
Менинг нима ахир тушларга булут,
Менинг нима ахир мамот этгай рад?
Хасдай ғов эмасман ёвуз ҳаётга.
Адам водийсида ҳислар тезаги.
Кўмди тонг кўзини шуури содда
Гуноҳ манглайида иймон беағи.
Маъсум, ғамгин руҳим ғубор оралар,
Шабнамлар аллақачон кишнинг ҳалоли.
Ой қопган хуршид «кўм», деб ерга зорланар,
Қотилга мактулларнинг тушмас уволи.
Юрак ўлдирар он мен озод бўлдим
Болалик кўкка кўприк солган дам қайтсин!
Зўрлик юлдуз бўлиб теграмда кулди,
Хурлик ҳаммол экан, ривоят айтсин...
Майса, қасос исмин қайтарар йиллаб
Қани Ҳақ уйида собит пулсирот?
Йўқол, шубҳа билан ўпишган диллар
Кечсанг, мендан кечу давом эт ҳаёт!!!






Фозил ЙЎЛДОШ уели килган бостон асосида

Рауф СУБХОН

Киноқисса

Иштирок этувчилар:
 Алпомиш (Ҳақимбек)
 Бойбўри - Алпомишнинг отаси
 Кунтуғмиш - Алпомишнинг онаси
 Қалдирғочой - Алпомишнинг синглиси
 Бойсарининг укаси
 Барчиной - Бойсарининг қизи
 Қалмоқ шоҳ - Тойчихон мамлақати
 подшоҳи
 Сурхайил кампир - Етти алпнинг онаси
 Қултой - Бойбўрининг чўпони
 Кайқубод - Бойсарининг чўпони
 Кўкалдош - Қоражоннинг катта акаси,
 Сурхайилнинг ўғли.
 Қоражон - Сурхайилнинг ўғли,
 Алпомишнинг дўсти.
 Синчи - Кўкалдошнинг синглиси
 Бошловчи - Бахши чол
 Ёдгор - Алпомишнинг ўғли
 Товкаойим - Қалмоқшоҳнинг қизи



Ултон - Бойбўрининг қулидан
 турилган ўғли
 Бодом соқов - Ултоннинг онаси
 Фармонқул - Бойбўри бир пайтлар
 озода қилган қул
 Маҳрамлар
 Қирқин қиз, халойиқ, лашкарлар

1 қисм

Тун... Қоронгуликда юлдузлар кўзга яқин. Тоғлар. Ҳашаротларнинг чир-чири эшитилади. Гулхан ёнидаги бахшини ўраб ўтирганлар достон тинглашяпти. Дўмбира овози кучаяди. Тўсатдан дўмбирга овозини босиб янги тугилган чақалоқларнинг инга-ингаси эшитилади. Гўдаклар йиғи товуши тоғлардан аксадо бўлиб қайтади.

Саҳна ўзгаради. Икки-уч бешик, безатилган анжомлари билан. Атрофда қадим кийимларда ўтирган, турган ва фарзандларни бешикка белаб от қўяётган аёллар. Бешиклардан бирига Ҳақимбек (Алпомиш) беланган.

БАХШИ (саҳна ортидан):

.. Қадим ўтган замонда, ўн олти кўнғирот элида ака-ука Бойбўри ва Бойсарининг яшаб ўтди. Бойбўридан икки фарзанд туғилди. Бир ўғил, бир қиз. Ўғлининг отини Ҳақимбек, қизининг отини Қалдирғочой қўйди. Бойсарининг эса бир қиз кўрди, отини Барчиной қўйди... (дўмбира овози).

Саҳна ўзгаради. Бойбўри, Бойсарининг эл орасида мамнун юришибди. Болалари улғаймоқда. Бир четда ёш Ҳақимбек устози ҳузурда сабоқ олиб ўтирибди.

Халойиқ йиғилган. Узоқларда отлар, қўй-қўзилар кўзга ташланади. Кун ёруғ.

БОЙБЎРИ (йиғилганларга қарата): Ҳақимбек кундан-кун улғайиб, элга эниб, етти ёшга кирди, бала-пасти билди, мактаб кўрди, мулла бўлди, энди мен унга шоҳлик ва сипоҳлик илмини ҳам ўргатайин.

БОЙСАРИ: Ака, мен ҳам сизга таассуб солдим. Қизим Барчинойга Кўкқамиш қўлида қўй соғдириб, чорва илмини ўргатайин.

ХАЛОЙИҚ: Офарин, офарин!

ЙИГИЛГАНЛАРДАН БИРИ: Етти ёшга кирган шу бола (қўлига ўқ-ёй олиб, мерганлик илмини кўрсатмоқчи бўлиб турган бола Ҳақимбекни кўрсатиб) Алпинбой бобосидан қолган ўн тўрт ботмон бириндан бўлган парли ёйини тортиб қўйиб юборди. Ёй ўқи яшиндай бўлиб кетди, Асқар тоғининг катта чўққиларидан бирини яшиндай юлиб ўтди-я. Етти яшар боланинг қўлидан шу иш келди, ишонасизми?!

ХАЛОЙИҚ: Офарин! Офарин!

ЙИГИЛГАНЛАРДАН БОШҚАСИ: Дунёдан бир кам тўқсон алп ўтди, бошағи Рустам Достон эди, охири шу - Ҳақимбек бўлсин, Алплар ичида Алпомиш бўлиб сонга кирсин!

Халойиқнинг маъқуллаган ҳаяжонли гала-говур овозлари эшитилади.

Алпомиш алпсавлат тўкиб, китоб ўқиб ўтирибди. Бойбўри ўғлининг илмини текшириб кўради.



БОЙБЎРИ: Ўғлим, киши нимадан бахил, нимадан сахий бўлади?

АЛПОМИШ: Вақт бевақт бировниқига меҳмон келса, отини ушлаб, жой берса, кўнглини хушлаб жўнатса, бу сахийлик; агар жой бор бўлиб, жой йўқ, деб кўндирмай жўнатса, бу одам бахил. Кишининг моли закотга етса, закот берса, бу ҳам сахий, агар бермаса бу ҳам бахил экан.

БОЙБЎРИ: Баракалла, ўғлим. *(Бойбўри биров ўйлангач, овоз чиқариб, бошини ёнга буриб, ўз-ўзига гапирди)* Ёлғиз иним Бойсари бахилликка чиқиб кетмасин, укам менга закот бериши керак экан. Ўн тўрт маҳрамимни укамниқига жўнатай, бориб: «Ўз ихтиёрингиз билан бир улоқни закотга бераркансиз, Бойбўри ўз инисининг бахил деган ном олишини истамас экан» деб айтсин.

Саҳна ўзгаради.

Ўн минг уйли Қўнғирот эли билан кўчиб бориб ўтирган Бойсарининг жойи Кўкқамиш кўм-кўк бўлиб кўзга ташланади. Атроф яйловларига ўтлаб юрган кўй-кўзилар...

Бойбўрининг маҳрамлари Бойсарига учрайди.

МАҲРАМЛАРДАН БИРИ: Бойбўри бизни Сизга закот учун жўнатди. Ўз ихтиёрингиз билан бир улоқни закотга бераркансиз. Акангиз ўз инисининг бахил деган ном олишини истамас экан.

БОЙСАРИ: Акам шундай дедими?

Бойсари жаҳли чиққанини билдириб, у ёқ-бу ёққа юриб ёнида турган йиғитларига ишора қилади. Ўн тўрт маҳрамнинг еттовининг қорнига қозиқ қоқиб, отларига ортади ва еттовининг олдига солиб ҳайдайди.

БОЙСАРИ *(улар ортидан ўшқиради):* Мана бунга закот дейди, ярамаслар!

Бойсарининг атрофига минг уйли Қўнғирот йиғилади.

БОЙСАРИ *(йиғилганларга қарата):* Закот деган сўз менинг жон-танымдан ўтиб кетди. Энди биз ўз элимизда сиғинди бўлиб, ўз акамга закот берадиган бўлсак, бу элда бизнинг турғилигимиз қолмади. Акам бизни қизи бор, деб писанд қилмади, бизга улини миннат қилди! *(Яртибой Бойсарига яқин келиб биров эшитар-эшитмас қилиб гапирди)* Мана, Яртибой оқсоқолимиз тўғри айтаяпти, барча мол-ҳол боқиб юрган чўпонларимизга одам юборинглар, биз Қалмоқ юртига, Кашал элига кўчиб кетамиз.

Гулхан ёнида дўмбира чертиб ўтирган бахши чол ҳикоясини давом эттиради:

- Ўн минг уйли қариндош Бойбўридан аразлаб, Кашал элига қараб, Бойсин-Қўнғирот элини ташлаб Бойсари билан бирга кўчиб жўнади. Олти ой деганда тўқсон тоғдан молларини ўтказиб, қалмоқ юртига етди.

Тойчихон мамлакатада, Чилбир чўлида ўн беш кунлик йўл четида чўзилган экиннинг майсаси бор эди. Улар ана шу майсаларга, экинларга молларини рўпара қилиб, едириб бораверишди.

Шундай қилиб, Бойсари бойлари Қалмоқ элида яшайверди. Бундан хабар топган Қалмоқ шоҳи беш юз мирғазаб жаллодини чоғлаб, Чилвир чўлига, Ойна кўлига жўнатди.

Мирғазаб Қалмоқ шоҳи жаллодлари қуроланиб, отларда келишиб Бойсарини кўриб, отдан тушиб, сийнасини доғлаб, икки қўлини орқасига боғлаб, бошига қор-ёмғирдай қамчи ташлаб: «Юр буёққа», деб туртиб ҳайдай берди. Мусофир, элга янги келган Бойсари талвасага тушади.

БОЙСАРИ *(ёлвориб):*

Мен берайин қатор-қатор норимни,
Нор устида юклаб келган заримни.

Мол етмаса, берай Барчин қизимни,
Ҳали ҳам бир озода қилинг ўзимни,
Дехқон экинни яйлов библиман,

Билмасликдан гуноҳкор бўп қолибман.

ЖАЛЛОДЛАРДАН БИРИ: Рост айтаяпти шекилли бу бечора, экинни ўт деб, билмай егизиб кўйибди, қанча фуқаро бунинг устидан арз қилибди, Шоҳга ҳайдаб борсак, гапига қулоқ солмай бошини шартга кесиб ташлайди. Яхшиси сабабини шоҳга бир ариза қилиб тутаёлик, келган бойни қолдириб кетайлик.

Қалмоқшоҳга улар бу гапларни етказди. Бир ариза қилиб тутқазди. Қалмоқшоҳ аризани ўқийди.

ҚАЛМОҚШОҲ: *(хурсанд оҳангга)* Мени ҳимоя тутиб келган бўлса, давлати ҳам, мол-мулки ҳам, Барчин қизи ҳам ўзига nasib қилсин. Майли, етти йилгача моли безакот, бетергов юраверсин.

Саҳнада подшоҳ хизматига бўлган етти баҳодир. Улар ўқ-ёй остан, шерқелбаш, учар отли. Теграсида 40 қиз-ҳазил-мутойиба қилиб, кулишиб туришади. Сурхайил кампир пайдо бўлади.

Сурхайил кийинишидан, кўринишидан фирибгарларга ўхшайди. У етти паҳлавонидан бири - Қоражонга қараб мурожаат қилади.

СУРХАЙИЛ: Кенжатоим Қоражон, мен бир қиз кўриб келдим, унинг оти Барчиной экан, шу сарвинозга совчи бўлиб бораман.

ҚОРАЖОН: Эна, шу гап кўнглингда бўлса, сен келгунча мен шу ерда тураман, битган-битмаган хабарини қайтарда менга билдириб кет.

Полвонлар ўзларида йўқ, бошларини иргашиб кўйишади. Сурхайил кампир совчи бўлиб Барчинойнинг онасига учрайди. Йўлда эргаштириб келган тўққизта кампир билан бойнинг итлари талайди. Бойнинг хотини итларни уриб, Сурхайилнинг яланғочлигини кўриб кийим-бош кийгазади. Саломлашиб ичкарига киришади.

СУРХАЙИЛ КАМПИР: Мени Сурхайил дейдилар, менинг етти ўғлим бор. Каттасини Кўкалдош, ундан кичигини Кўкамани, Кўкқашқа, Бойқашқа, Тойқашқа, Қўшқулоқ, кенжатоимни Қоражон дейишади.

БАРЧИННИНГ ОНАСИ: Кўп яхши, айланай, хуш келибсиз...

СУРХАЙИЛ КАМПИР: Энди ўғилларим нима иш қилишини сизга айтмай: бу полвонлар - ёйандоз-мерганлар, ҳар қайсиси тўқсон ботмон совут кийган, ҳар кунига тўқсон шербознинг этини таътил қилган, ҳар қайсиси подшоҳликдан кўплаб мойна олган.

БАРЧИННИНГ ОНАСИ: Хўш, айланай, биздан нима хизмат...

СУРХАЙИЛ КАМПИР: Сизнинг Барчиной деган қизингиз бор экан. *(Барчиной кўпгина қизларнинг қуриовиди ясан-тусан, тўқ-бадават бўлиб, яқиндан ўтиб кетишади. Сурхайил Барчинойга кўз қирини ташлаб гапирди)* Шу қизингизни кенжатоим Қоражонга сўраб келувдим...

БАРЧИННИНГ ОНАСИ: Бизнинг қизимизнинг унаштирилгани бор. Ёшлигида Алломишга унаштириб қўйганмиз. Алломиш ала бу хабарни эшитса барча мақтанган ўғилларингизнинг адабини бериши мумкин. Яна қайтариб айтаман - Барчиной унаштирилган.

Ёзилган дастурхонга уч-тўрт ош келтириб қўйилади, меҳмонлар кўл учига, бир-бирига қараб, бир-икки олади, кейин кўларини артиб, юзларига фотиҳа тортади. Сурхайил биринчи туриб, эшикдан юлқиниб, тўққиз кампирни эргаштириб, чиқиб

кетади. Бориб ўғилларининг ҳалиям кутиб турганини кўради.

СУРХАЙИЛ: Ўғилларим, сизларга яхши хабар келтирдим, ўзбекнинг расм-русумини қилиб бораверинглар, мен қизга бир рўмол ўратиб белги қилиб келдим. Тагин баринг ошиқ бўлиб қолманглар.

ҚОРАЖОН: Бу қандай бўлади... Биз Қалмоққа тўғри борсак айб бўлмайдами?

СУРХАЙИЛ: Расми-қаъдасини ўзлари билдирди. Аташтирган кунни куёв борар экан.

Тўқсон алп йиғилиб, полвонлар йўлга тушиб Бойсару бойнинг уйига бордилар. Оёқларини узангига тираб, дарвоза олдида қатор туришади. Бойсару оқ иштон, оқ кўйлақда шошиб чиқади.

КЎКАЛДОШ: Ҳой, келган бой!

БОЙСАРИ: Лаббай!

КЎКАЛДОШ: Сенинг бир қизинг бор экан, қани, биримизга берасанми, баримизга берасанми? Биримиз олайликми, баримиз олайликми, жавоб бер!

БОЙСАРИ: *(Ранги ўчиб, нима деб жавоб қайтаришини билмаганидан ўзини йўқотиб)* Эртага чошқага мухлат берингизлар, ё бирингизга, ё барингизга берайлик.

Жавобни эшитган аллар бир-бирига қараб, ҳайрон бўлиб, ранги сўлиб отларини орқага буришди.

КЎКАЛДОШ: *(отда кетаётиб ярим овозда ўз-ўзича, бировга эшиттириб, бировга эшиттирмай гапирди):* Бу тўқсонимиз бир ерда ётсак, тонг отгунча мен оламан, мен оламан, деб тўбалашиб чиқмасак гўрғайди *(у кун ботаётган тарафга қараб қўяди, отлар уч-тўрт газ оралиқ билан кетаяпти).*

ПОЛВОНЛАРДАН БИРИ: Ўнта-ўнта бўлиб кетайлик.

ЯНА БИРИ: Бешта-бешта бўлиб кетайлик.

КЎПЧИЛИК БЎЛИБ: Учта-учта бўлиб кетайлик.

ОВОЗЛАР: Иккита-иккита бўлиб, тонггача суҳбатлашиб ётамиз.

ЯНА БИРИ: *(орадан отини тезлаб чиқиб)* Хўп биласан экан... Битта-битта бўлиб кетамиз, иккитадан бўлиб кетсак, ора очар қиладиган одам бўлмай, зўри камкучрогини бўғиб қўяди, битта-битта бўлиб кетамиз!

Бойсару мухлат яқинлашаётганидан безовта. Қариндош-уруғларини тўплаган. Маслаҳат сўраяпти.

БОЙСАРИ: Хўш, нима қиламиз? Қизимизни сўраб келишибди. Нимага индамайсизлар?

Қариндошлар ерга, бир-бирларига қарашиб бирон тайинли маслаҳат беришмайди. Аламига чидай олмаган Барчиной шаҳд билан олдинга чиқиб, отасидан рухсат сўрайди.

БАРЧИНОЙ: Ота, шу қариндошлардан нима маслаҳат чиқарди?!

...Хафа бўлма, жоним отам, дарвишим,

Ҳар на деб амр этсанг, ани қилайин.

Қаёққа амр этсанг, бориб турайин,

Бу алларга ўзим жавоб берайин.

Мухлат вақти бўлиб, қалмоқлар уй айланиб жавоб кутиб юришибди. Барчиной уларнинг бостириб келаётганини ичкаридан кўрди.

АЛЛАР: Қани, келган бой, маслаҳатни қаерга кўйдинг?

БОЙСАРИ: Биз маслаҳат қилиб, йил ағдариб кўрдик. Қизимизнинг йили сичқон экан, ёши ўн тўртта чиққан экан, бизнинг ўзбекнинг расми шундай бўлади, ўн тўрт ёшда қиз ихтиёри ўзида бўлади.

КЎКАЛДОШ: Кўкаман! Ўзбекнинг қизининг дами баланд экан. Тушиб судраб чиқ бу ёққа!

Кўкаман отнинг ипини уйнинг белдовига илдириб, ичкарига қиради. Барчининг канизакалари уй тўрида

кўрқиб, тўпланиб туришибди. Кўкаман Барчинни пойига торта бошлайди. Барчин бир қўли билан Кўкаманнинг ёқасидан, бир қўли билан белбоғидан ушлаганча оғзи-бурнини қон қилиб, ерга чўзилтириб қўйди. Чап тиззаси билан кўкрагидан босиб турди.

КЎКАЛДОШ: *(олағовур ичига)* Кўкаманга қаранглар, бу ёққа чиқмади. Ўзбекнинг қизи билан айланишиб қолдими?

БИРОВИ *(от устидан қараб):* Э, ўзбекнинг қизи Кўкаманни босиб ўлдириб қўйибди!

Энди, Кўкалдош - алларнинг зўри эканлигини билан Барчин мухлат сўрай бошлайди.

БАРЧИНОЙ:

Олти ойга сиздан мухлат сўрайин,

Қўнғирот элига арза бериб кўрайин,

Олтойгача мен йўлга қарайин,

Келса келар Қўнғирот элдан Алпомиш,

Келмаса мен тақдиримдан кўрайин.

КЎКАЛДОШ *(қизга ошиқ бўлиб):* Бўпти, олти ойга мухлат бердик.

БОШҚАЛАР: Олти ойга мухлат бўлсин!

Келганларнинг бари қайтиб кетишяпти.

БИР НЕЧТАСИ *(Кўкаманга қараб):* Қалай, Кўкаман, шу ўзбекнинг қизини олиб берсак, олармисан, шунинг билан рўзгор қилармисан, чап тиззаси кўкрагинга тегса, оғзи-бурнингдан қонинг кетиб ўлармисан?

КЎКАМАН *(от устига ўгирилиб):* Сизлар аҳмоқсизлар, мен сизларнинг қайсингиздан камман, тўқсон ботмон темирдан совут кийсам, тўқсон шербознинг этини таътил қилсам, тўқсон алпнинг бири бўлсам, шу ўзбекнинг қизи ҳар сўзининг ўрамаида:

Эр Алпомиш ёрим бордир,

Элда зўраборим бордир, -

деб айтиб турса, бунинг нори ҳам рост, элда зўри ҳам рост. Буларнинг аёли шундай бўлса, нори қандай - Худо билади. Ҳамишаги буйдоқлитимиз-да, Барчин, деб бошлаган ишимизни тўхтатсам.

Барчиной уйга кириб, қоғоз-қалам олиб хат ёза бошлайди, ёзиб, овоз чиқариб ўқийди.

БАРЧИНОЙ *(қўлига хат):* Олти ойлик йўлдан келдим, олти ойга мухлат олдим, мендан умиди бўлса Алпомиш келсин, бўлмаса жавобимни берсин.

Барчиной тулдор кўрпачадан туриб эшик томон юради. Эшикка чиқиб ўнта йиғитнинг бирига хатни тутқазиб, уларни сафарга отлантиради.

Ўн йиғит тоғу тошлардан ўтиб бораёпти. Бир юрт узоқдан, тепалиқдан кўринади.

ЎН ЙИГИТНИНГ БИРИ *(тепалиқдан қараб):* Тўқсон кеча-кундуз йўл юрдик. Хатни мухлатига етказмасак, қалмоқлар Барчинни олиб қўяди. Мана шу Қўнғирот эли бўлса керак.

Қани, отларни яна илдамлатинглар, йиғитлар!

Йиғитлар Бойбўрининг қошонасига етиб келдилар. Бойбўри эшик олдида. Келган чопар от устидан туриб салом беради. Бойбўри ҳайрон бўлади. Йиғитлардан бири Бойбўрига яқин келиб тушунтиради. Бойбўри қўли билан ўнта йиғитга ишора қилади. Барчинойдан чопарлигини билади.

БОЙБЎРИ: Меҳмонларнинг отларини ушланглар, ўзларини меҳмонхонага бошланглар!

Чопарлар узоқ меҳмон қилинади. Уларга совғалар инъом қилинади. Бойбўри келган хатни ҳеч кимга билдирмай бир сандиққа солиб ташлайди. Чопарларнинг кетадиган вақти бўлади. От-уловларга ўтиришади.

БОЙБЎРИ *(чопарларга тайинлайди):* Бундан кетганча, Қўнғирот музофотидан ўтганча, Қалмоқ



вилоятига етганча ё бир ўткинчига, ё бир подачига, ё чўлда юрган чўпонга «Биз Барчиннинг чопари бўламиз» деб оғзингиздан чиқармайсиз, чиқарсангиз одам юбораман, буюраман, кетингиздан қувиб етади. Бошингизга қамчи тортади, баданингизни бўздай қилиб йиртади, олиб келиб дорга тортади. Келганингизни Бек Алпомиш билмасин, биров билиб тагин хабар бермасин. Ўғлимга жанжалли қизлар керакмас!

ЧОПАРЛАР: Сира ҳам оғзимиздан чиқармаймиз.

Чопарлар бир-бирига қарашиб, хурсандлигини ҳам, кўрқарини ҳам билмай йўлга равона бўлишди.

Алпомишнинг Қалдирғоч синглицси канизлари билан бир сандиқни очиб кўраяпти. Чиройли қилиб ўралган хатга кўзи тушади. Овоз чиқариб ўқийди:

ҚАЛДИРҒОЧ: «Олти ойлик йўлдан келдим, олти ойга муҳлат олдим, мендан умиди бўлса Алпомиш келсин, бўлмаса жавобимни берсин...» Янгам Барчинку! Мен синглицси Қалдирғоч бўлиб буни акам Алпомишга етказмасам виждоним қийналади!

Қалдирғоч Алпомишга рўпара бўлди.

ҚАЛДИРҒОЧ:

Ака, сенга айтадиган арзим бор,
Талаш бўбди, бойнинг қизи зулфизар.
Шу сабабдан бунда хабар келибди,
Ака, сиздан бормоқ лозим бўлибди.

АЛПОМИШ: Яёв бораманми у элга?

ҚАЛДИРҒОЧ: Тўқсон тўқай йилқимиз бор-ку? Эгар-абзални олсангиз, йилқига Қултойнинг қошига борсангиз, кўнглингизга мосини миниб кетасиз.

АЛПОМИШ: Хайр, мен кетдим бўлмаса.

ҚАЛДИРҒОЧ: Мана буларни олиб кетинг.

Олдиндан тайёраб кўйган эгар-абзал, совут-қалқон, ёв-яроқ, асбобларни олиб кетишга ишора қилади. Буларнинг ҳаммаси бир қилиб ип билан ўралган эди. Алпомиш кўтариб чиқиб кетади. Йўлда отаси гуч келиб, ҳадик олиб сўраб қолди.

БОЙБЎРИ: Бирон гап сездингми, болам, қайга отландинг?

АЛПОМИШ: Инингиздан закот сўраб нима қилардингиз?

Алпомиш қир-тўқай оралаб шошиб кетади.

Бойбўри Алпомишдан олдин Қултой чўпонига олдинроқ отини тезлаб, паналаб етиб боради.

БОЙБЎРИ (Қултойни учратиб): Алпомиш келаяпти, Кашаддан келган хабарни биров билдирибди шекилли. Алпомишни кўрсанг зўр дейсан, лекин бироз кўрқоқ, дўқ урсанг бўлади. Нима қилиб бўлса ҳам, унга от бермагин.

ҚУЛТОЙ: Сендан амр бўлмаса, Алпомишга йилқи бермайман.

БОЙБЎРИ: Шундай қил!

Бойбўри ортига қайтиб кетади, бироз ўтиб Қултойнинг олдида эгар-жабдуқ, ўқ-ёй кўтарган Алпомиш пайдо бўлади.

ҚУЛТОЙ (Алпомишга қараб):

Бекорга сарсон бўлма,
Узоқ йўлга талаб қилма,
Ёшсан сен, овора бўлма,
Кет энди, сен йўлдан қолма.

АЛПОМИШ: Бобожон, хабар келди, Барчин талаш бўлибди, мен билмабман, бизга элчи келибди. Кетган ёримни талаб айлаб бораяпман. Насиб қилса, Барчинимни олиб келаман.

Қултой Алпомишни «Бекор қиласан» деб таёқ билан бир-икки савалади. Ҳақимбек бобом урди деб ерга қараб орқасига қайрилиб кетаётганида олдиндан Қалдирғоч қирқин қизлари билан жам бўлишиб чиқиб

қолди. Алпомиш эгар-жабдуқни ташлаб, ёнбошлаб ётиб олди.

ҚАЛДИРҒОЧ: Ака, ўйланг, бошингизни қандай кўтариб юрасиз? Қултой хизматкоримиз, йилқиларимизни боқади, яна бориб сўранг, талаб қилинг, от бер денг.

Алпомиш яна Қултойнинг олдида боради, илтимос қилади. Қултой таёқ билан Алпомишни яна уради. Алпомиш олдинига ерга қараб туради. Кейин Қултойни ушлаб осмонга отиб юборади. Қултой кўринмай кетади.

ҚУЛТОЙ (ҳаводан тушаётиб): Болам, ерга тушиб ўлиб кетмай, йилқилар боқувсиз қолади. Ерга тушса бобонг ўлади.

Алпомиш Қултойнинг белидан ушлаб ерга ётқизиб кўяди.

АЛПОМИШ: Бобо, қани бир от ушлаб беринг!

ҚУЛТОЙ: Бўлди, кўявер, ўғлим, бўлар иш бўлди, ушлаб бераман.

(Қултой ерга нажот сўраб, мўлтираб этибди)

АЛПОМИШ (ётган Қултойнинг теласида туриб): Мана шу ётган ерингда ушлаб берасан.

ҚУЛТОЙ: Ётган еримда қандай ушлаб бераман? Майли, кўймадинг-да, бек болам.

Ётган ерида бир «Қур-ҳайт» гегди. Йилқилар жам бўлди. Қултой Алпомишга Добонбий бобосидан қолган кўриқни берди. Алпомиш кўриқни йилқиларга сола бошлади.

АЛПОМИШ: Саман сарига туш, ё олапоча тўрига туш, шапақнинг зўрига туш.

Бир чипор отнинг бўйнига тушди.

Яна қайта-қайта шу отнинг бўйнига тушди.

АЛПОМИШ: Кўп нозик учради-да, бир бало қиласанми, менга дардисар бўласанми? Тақдирдагиси шул экан-да.

Алпомиш белбоғини ечиб, чипор отнинг бўйнига ташлаб етаклаб келаберди.

Узоқдан канизакалари билан кузатиб турган Қалдирғочой ҳам отни тутганини кўриб Қултой билан Алпомиш акаси томон хурсанд бўлиб юрди. Акасининг отдан кўнгли тўлмай хафа бўлиб турганини кўрди.

АЛПОМИШ (Қалдирғочойга қараб): Йилқида юрган ҳар отлар бор, юлдузни кўзлаган не-не отлар кўриққа келмай, менинг тақдирим шундай ёмон отга қолдимми?

ҚАЛДИРҒОЧОЙ: Ака, танлаган отингиз қуллуқ бўлсин. Хафа бўлманг, бу отингиз балки тулпор чиқар, ёмон деманг, буни минган одам кўп ерларни кўради. Кўнглингиз тўқ бўлади, душманингиз йўқ бўлади.

Қалдирғочой отни ўзи эгарлаб Алпомишга берди. Алпомиш отга минди, оёқларини узангига тираб, керди. Шундай қилиб, кескир қиличларни белига боғлаб Алпинбий бобосидан қолган парлаи ёйни от эгарига солди. Алпомиш Қултой бобоси, Қалдирғоч синглицси билан хайрлашди.

АЛПОМИШ:

Мен кетарман ёрим излаб,
Бу жароҳат бағрим тузлаб.
Ёлғизман, бўтадай бўзлаб.
Бобом Қултой, хуш қол энди.

Бизман бирга ҳамдам бўлган,
Синглим, бирга сут эмган,
Акам, деб эргашиб юрган
Умид тортиб бунда келган
Мунглиқ синглим, хуш қол энди.

Алпомиш йўл юриб кетаётганда ўн чоғли

чопарнинг тоғ тошларини оралаб келаётганини кўрди.
Бек уларни орқада қолдириб кетди.

ЧОПАРЛАРДАН БИРИ: Бу Ҳақимбекка ўхшайди.
Оқ юзли - обрўли бўлди, биродарлар!

Алпомиш Чилбир чўлига бораётиб бир ерга тўқсон
кўра кўйнинг ўтлаб юрганни кўрди. Бир чолга кўзи
тушди.

АЛПОМИШ: Ассалому алайкум!

ҚҲЙБОҚАР: Ваалайкум ассалом! Хуш келибсиз,
меҳмон!

АЛПОМИШ:

Бир Худога етгай анинг ноласи,
Қирқ мингта бор ҳайдаб юрган подаси.
Булар ўша, Қўнғирот элининг тўраси,
Шул орага бир элибой келдимиз?

ҚҲЙБОҚАР:

Ошиқнинг фаҳмидир қоронғи кеча,
Йиғласа ҳолига йиғлар бир неча.
Талашиб ётибди тўқсонга гачча,
Талаш бўлиб ётар Барчин ойимча,
Сўраганинг Бойсарибой бўлмасин.

ЧҲПОНЛАРДАН БИРИ: Қўнғирот элдан келаётган
езнамиз сиз эмасми? Кун бевақт бўлиб қолди, бемаҳалда
борган меҳмоннинг иззат-обрўи бўлмас, бугун биз
билан кўшхонамизда қолинг, меҳмон. Эрталаб
кетарсиз. Отингиздан мана Қайқубод хабардор бўлиб
туради (кутиб олган чўпонга ишора қилади. Қайқубод
таъзим бажо мелтиради).

Алпомиш отдан тушади.

...Эрталаб Алпомиш чўпонлар билан хайрлашиб,
отланиб йўлга чиқади. Узоқ юрди. Қарасаки, бир
тепаликнинг олдида кетаяпти.

АЛПОМИШ (ирим чекиб): Шу тепага отимни
солайин, иркилламай тепага отим чиқиб кетса,
Барчинойни олиб қайтаман, чиқолмаса бориб нима
қиламан, борганим билан бекорга аҳмоқ бўламан,
пешонамни шу ердан синаб кўраман.

От тепага қирқ минг отнинг дупурини бериб,
туёғидан ўт чақнаб чиқиб кетди. Алпомиш тушиб
Бойсарининг кўринган уйига тикилиб ётди.

Пастда от минган Қоражон тепанинг бошига
қаради. Кўрса, бир девдай одам ётибди.

ҚОРАЖОН: Тепанинг устида Рустам сифатли,
човқар отли биров ёнбошлаб ётибди. Бу бизнинг
Қалмоқ вилоятининг одами эмас. Бундай йигитлар
Қалмоқ юртида бўлса, бекликда, подшоҳликда бўлар
эди. Илгаридан ҳам бирда-ярим кўзим тушар эди.
Қани, бир овоз бериб сўраб кўрай-чи:

Қирғий деган қуш ўтирар қияда,
Жасадинг бор Рустамдан ҳам зиёда,
Ғайратингдан шоҳлар юрар шёда
Хабар бер, беквачча, қайда борасан?

Янги кўрдим бунда сендай мардини
Қоражон дейдилар менинг отимни.
Баланд билдим сенинг сиёсатингни,
Хабар бер, беквачча, қайда борасан?

АЛПОМИШ:

Кўп сўрдинг менинг мазгилимни,
Бойсин-Қўнғирот дейди ўсган элимни.
Боғларим зумратдан, чангалим пўлат,
Бойсиндан қуюлган шунқор бўламан.

Кўкқамиш кўлидан шунқор учирдим
Суксурни излаган лочин бўламан.
Қалмоқ кўрсам отаману осмонга
Қалмоқларга келган бало бўламан.

Асли Қўнғирот дейди менинг юртимни
Лақабим Алпомиш, асти Ҳақимдир,
Не биласан, сен сўрайсан юртимни,
Қоражон деб хабар бердинг отингни.

ҚОРАЖОН: Хафа бўлмагин тагин, мен сени бировга
ўхшатдим.

АЛПОМИШ: Мени сен кимга ўхшатдинг? Қалмоқ,
мени илгари кўрибмидинг, ё менинг билан ҳамсухбат
бўлибмидинг, ё бизнинг кўзиларни боқиб бизникида
етим-метим юрганмидинг?

ҚОРАЖОН: Айтганингни биронтаси тўғримас. Мен
ҳам Барчинингни талашиб ётган тўқсон алпинг бири
бўламан... Қирқ чилтон қариндошингни тушимда
кўрсатиб, сенинг билан мени дўст қилди. Шу сабабдан
биламан.

АЛПОМИШ: Дўст бўлган бўлсак, яқин экансан,
тепаликка чиқмайсанми, бир кўришайлик...

ҚОРАЖОН: Бу тепанинг устига чиқадиган камолга
эришганим йўқ, сен тепадан тушгин, бир кўришайин.

Қоражоннинг теграгида уч-тўрт маҳрамлари ҳам
бор эди. Уларга «дўстим билан кўришинглар» деб
ишора берди. Бирининг бармоқлари Алпомиш қаттиқ
қисганидан бир-бирига ёпишиб қолди, бирининг кўли
кўл учига кўришса ҳам қисирлаб синган овоз чиқарди.
Навбат Қоражонга келиб, иккови қадрдонлардай
кучоқлашиб кўришди. Алпомиш Қоражонни қаттиқ
сиқиб кўришганида, қобурғалари қисирлаб синди.

АЛПОМИШ: Нега безовта бўлиб ётиб қолдинг,
бирон кори ҳол бўлдимиз, дўстим?

ҚОРАЖОН (сир бой бермай): Кунда тутадиган
кўенчик касалим бор эди, шу вақт тутиб қолди.

АЛПОМИШ: Ҳа, агар белгили касал бўлса бироз
ўзинга келиб ол.

ҚОРАЖОН: Ростингни айт, шул кўришганингни,
ё бўлмаса уришганингни?

АЛПОМИШ: Нима ҳам қилдингларки, уришаман,
кўришганим эди.

ҚОРАЖОН: Кўришганингни шул бўлса, уришганингни
қандай экан?

...Кўлин сиқиб маҳраминни қочирдинг,
Белим сиқиб қовурғамни шиширддинг.
Дўстим, сенинг зўрлигингга қойилман
Сендай беклар Қўнғирот элдан келади,
Шўри қисган сенга дучор бўлади.
Сенинг билан ким баробар бўлади?

Қоражон Алпомиш билан бўлак кўришиб меҳмонни
ўз чодирига тақлиф этади. Алпомиш Қоражонниқиди
меҳмон бўлиб ўтирибди. Алпомиш кириб келатуриб,
атрофини ўраган канизақларга бир разм солган эди
кўплари хушларидан кетиб қолди. Алпомишга
Қоражон энасининг кўзи тушиб қолди.

СУРХАЙИЛ (Қоражонга қараб):

Бундай меҳмон, болам, сенга не даркор?
Аччиқланма, болам, сени ўлдирар,
Энагинанг насиҳати шу бўлар,
Ҳар не айтса айтганига кўндирар.

Сурхайилман, эшит айтган сўзимни,
Қоражонбек, аҳмоқ билдим ўзингни.

ҚОРАЖОН (шахт билан): Мен Худони ўртага
қўйиб дўст тутиндим.

Қоражон Алпомиш меҳмон бўлиб ўтирган даврага
қайтади. Кулишиб, чақчақлашиб ўтиришади.

АЛПОМИШ: Қоражон, бизнинг бунга келиб
ётганимизни Бойсари не билсин, сен Бойсари томон
борсанг, бир хабарини билиб келсанг, қизини бизга
берадигандай бўлса, совчилик қилсанг, қандай бўлмасин
менинг келганимни бир билдириб қўйсанг.



ҚОРАЖОН: Мен қандай от миниб борайин?
АЛПОМИШ: Хоҳишинг, қандай от миниб борсанг ўзинг биласан.

ҚОРАЖОН: Сенинг отинг чарчаб келган, ўзининг отимни миниб бора қолайин.

АЛПОМИШ: Сен ўз отингни миниб борсанг, ҳамишаги таллашиб келиб юрган қалмоқ деб ишонмайди. Менинг отимни миниб боргин, белги бўлади.

Қоражон Бойчиборни миниб, совчи бўлиб кетди.

Қушлар сайроғи. Тонг. Барчин ўтирган уй. Узук-юлуқ от дупури дўмбира садосига уланиб турибди.

Барчин уйда қирқин қизлари билан йўл қарайди, безовта.

БАРЧИН: Туш таъбири тўғри келмадим, икки соат мuddатим қолди. Энди менинг шўрим қуриydi. Бобомнинг ўғлидан дарак бўлмади. Менинг ҳолимни ҳеч ким билмади.

Канизаклар ҳам йўл қараяпти.

БИР КАНИЗ: Чилбир чўлидан от дупури келаяпти. Ана, ана, Чибор отда кимдир пайдо бўлди.

БАРЧИНОЙ: Бобомнинг ўғли ўлдими, нима хабар билан келибди? Қизларжон, сўранглр!

Қизлар чиқиб отни ўраб оладилар. Қийқириқ кўтарилди. Қоражон отдан тушмай мўйловини бурайди.

ҚОРАЖОН: Юрт оғаси, алп қизи бор Бойсарибой уйдаими?

БАРЧИНОЙ: Отам уч ойлик жойга кетган, ҳали бери келмайди. Отам бўлмагунча бирон жавоб бўлмайди.

ҚОРАЖОН: Бизга отанг бўлмаса ҳам майли, бир ўзинг билан гаплашаверамиз, биз аҳмоқ бўлиб, йўл чангитиб, дам-бадам келиб юрмаймиз. Мен бекорга келмайман-ку. Совчиликнинг шаъни шу, биратўла битириб кетаман. Бекорга муҳлатни чўзиб нима қиласан.

*Остимда бедовим ўйнар юз алвон,
Олмос пўлат беда, эгнимда қалқон,
Совчи бўлиб сенга келди Қоражон,
Устинга кийганинг гулгун қирмизи,
Сўзимни англаган, ўзбекнинг қизи.
Бизникида ётар давлати шунқор,
Дўстимнинг отидир, мана, Бойчибор.
Ҳарна сўзинг бўлса, бизга айтақўр,
Сўзингни етказар Қоражон номдор.*

Барчиной шубҳага борди, уни синаб кўрмоқчи бўлди.

БАРЧИНОЙ: Қоражон, сенинг ишинг тўғрими, ичинг тўғрими? Мунчоқ-мунчоқ кўзёшларим сен эдинг, Алпомишингни қўй.

ҚОРАЖОН: Мен алпингдан совчи бўлиб келганман. Синамоқчи бўлган бўлсанг хато қиласан. Сен мени қўй, бундай қилма, инсофга кел, ахир меҳнат тортиб Алпомиш алп келибди, қандай бўлмасин сен шунга теккин.

БАРЧИНОЙ: Алпомиш келса келибди-да, Алпомиш келди, деб мен Алпомишнинг этагидан ушлаб кетаберайинми? Бу аллар ҳам умид билан олти ойга муҳлат берган. Ҳар ким майдонга от солади, Барчинни отини ўздирган одам олади. Ҳар кимнинг кўнгли ўзида қолади. Менинг тўрт шартим бор. Шартларимни бажарган кишимга тегаман. Бу шартларимни хоҳ қалмоқлардан бири бажарсин, хоҳ Алпомиш бажарсин. Мард майдонда голиб келади.

*Яна шу сўзларимни хон тўрамга етказгин:
От чопса-ё гумбурайди тоғнинг дараси,
Ботирни ингратар найза яраси.
Келган бўлса Қўнғирот элининг тўраси*

Қирқ кунлик йўл Бобохоннинг ораси.

Бобохондан аввал пойга қиламан.

Қоражон яна безовта бўлган отини бир-икки айлантрииб, мўйловини у ён-буён қўли билан силади.

ҚОРАЖОН: Энди ҳамма шартларингни айтиб қўяқолгин. Олган муҳлатинг тугай деб қолди.

БАРЧИНОЙ: Пойга қилиб отини ўздирганга тегаман; кураш қилиб рақибини бездирганга тегаман; Ёй тортишиб ёйи синмаганга тегаман,

Минг қадамдан танга пулни урганга тегаман.

ҚОРАЖОН: Бу бошқа гап. Ана энди мақсад ойдин бўлди.

Бу ўйни сен ўнғай топдинг, аёллик қилиб, мен шуни дейман, деб Алпомишнинг этагидан ушлаб ўтирганингда эди, кўп ҳодисалар рўй бериши мумкин эди. Бўлди, хайр, мен кетдим, омон бўлинглар.

Қоражон от чоптириб кетади. Йўлда Қоражоннинг қаршисидан таллашиб юрган аллар чиқиб қолади. Уларнинг зўри Қўкалдош.

КЎКАЛДОШ (отини тўхтатиб, ўсмоқчилаб): Қоражон, қаёқдан келаяпсан?

ҚОРАЖОН: Ўзбекнинг қизиникидан келаяпман.

КЎКАЛДОШ: Ўзбекнинг қизининг муҳлати битди, учрадингми, нима деб жавоб қилди?

ҚОРАЖОН:

Учрадим, менга айтган сўзи шу бўлди:

«Пойга қиламан, отини ўздирганга тегаман, Курашда алларнинг барини йиққанга тегаман, Ёй тортишса, ёйи синмай қолганга тегаман,

Минг қадамдан танга-пулни урган мерганга тегаман», деди.

КЎКАЛДОШ: Ўзбекнинг қизининг кўнгли менда, пойга бўлса, ўзиб келмоқ Кўқдўннинг тани (отини кўрсатади), кураш бўлса, тўқсон алпинг барини қўймаздан йиқмоқ фақирнинг тани (кўкрагига мушт уриб қўяди), ёй тортишда ҳам менинг ёйим синмай қолади, минг қадамдан танга пулни депти, беш юз қадамдан танга-пулни урганман, минг қадам берилса, ҳа, чоғлаб қўйиб юбораман, бу ёғини мўлжалтоб қилиб оламан-да. Сен бу остингдаги олачани қаёқдан олдинг?!

ҚОРАЖОН: Қўнғиротдан Алпомиш деган дўстимиз келган экан, бу ўшанинг оти.

КЎКАЛДОШ: Алпомиш келдими?

ҚОРАЖОН: Келди.

КЎКАЛДОШ: Шу юртдан шу оти билан хотин олиб кетаман, деб келибдими?

ҚОРАЖОН: Ҳа, шу отни миниб келган экан.

КЎКАЛДОШ (орқага бурилиб): Синчимиз қани? (Синчи ўзини кўрсатади) Шу чибор отни бир кўр, қани...

Синчи тушиб Бойчиборни кўра бошлайди; қаричлаб кўрди. айлини ўлчаб кўрди.

КЎКАЛДОШ: Ўзбекнинг оти қандай экан?

СИНЧИ: Сағрисининг устидан қулогининг ўртасигачайин тўқсон олти қарич экан, айил тортуви олтиш уч қарич чиқди. Сағрисини силаб, бурнидан найча қўйиб қараб кўрарли қўлтигида тўрт ярим газ қаноти буклам-тахлам бўлиб ётибди. Ўзбекнинг қизига бурилмай қўяқолинглар. Бу отга тенг бўламан деган отнинг бари ўлади. Қаердан чопишсин, аввал келади.

КЎКАЛДОШ (жаҳли чиқиб): Сен ўзбекларга учраган экансан, улар «менинг отимни таъриф қиласан», деб уч-тўрт танга берган кўринади. Бу синчининг икки кўзини ўйинглар.

Уч-тўрт аж синчига ташланади.

КЎКАЛДОШ (алларга қарата): Қани, юринглар,

Алломишнинг устига борамиз. Қоражон, сен ҳам юр.

Тўқсон алл жам бўлиб Алломишнинг устига бориб қолади. Алломиш чодирдан чиқиб шундай қаради. Бир кам тўқсон алл отидан таппа-таппа ташлаб Алломишга таъзим қилди. Сиёсатидан чўчиди. Фақат Кўкалдош от устига қолди.

КЎКАЛДОШ:

Барчинойнинг кўнгли бордир,
Неча марта савол қилган,
Тегаман, деб ваъда берган,
Ўзбек қизин олмақ бўлган,
Билгин, бу Кўкалдош бўлган.

АЛЛОМИШ:

Ажалли касратни тегар илонга,
Ҳазиллашма, қалмоқ, мендай султонга,
Сен мард бўлсанг чиқа бергин майдонга,
От-потингман отайинми осмонга?!
Алломиш дер, сенга бермайман омон,
Қалмоқларга солайин охир замон.

БОШҚАЛАР: Суришмоқдин не ҳожат, яхшиси Қоражон бизга айтган Барчинойнинг шартларини қилайлик. Қоражон рост айтади. Қоражоннинг ўзи пойгага бош бўлсин. Биронгамиз Қалмоқшоҳга ҳам етказайлик. Хабардор бўлиб қўйсин. Биронта чопадиган оти бўлса келсин.

Пойгачилар жўнаб кетади. Алломиш чодирга қолади. Пойгачилар Бобоҳон тоғига ҳафта-ўн кун деганда чувалашиб етиб боришди. Қалмоқлар қараса Қоражон Алломишнинг отига дам бериб ётибди.

КЎКАЛДОШ: Қоражон, сен бир балога йўлиқиб қолибсан. Шу ёмон чўбир билан биздан бурун келдингми?!

ҚОРАЖОН: Сизлар билан бирга-бирга Зил тоғигача келдим, от чарчаб қолиб, кўп дилтанг бўлдим, зехимни койиб, отни йиқитиб, тўрт оёгини бўғиб, орқалаб, йўлнинг қисқаси билан, ҳозиргина ошиб келдим.

КЎКАЛДОШ: Ўзбекка эргашсанг ҳар бало бўласан, азоб кўришинг белгили эди.

Қалмоқлик полвонлар Бойчиборни бир томонга тортиб, йиқитиб бойлаб ташлашди. Қоражонни жон ҳолига қўймай бир томонга бойлашди. Улар аввалига Бойчиборни сўймоқни ният қилдилар, кейин туёқларига пичоқлар санчиб, гулмихлар уриб ташлашди.

КЎКАЛДОШ: Бир ҳисоби ўлар, ўлмай қолса, биздан кейин борар.

Қоражон ўзига келиб, атрофга назар солганида пойгачиларнинг кетганига анча вақт бўлган эди. Полвонмасми, бир чирпаниб арқонни узиб юборди. Бориб отнинг оёгини ечди.

ҚОРАЖОН (дам чекиб): Бу аҳволда энди етолмасам керак. Улар анча масофага етиб қолгандир.

Қоражон Бойчиборнинг устига ўтириб, эгарнинг қошидан ушлади. Ҳа, деганда Бойчибор не бир отларни бирин-кетин ортда қолдириб кетаверди.

Пойгада Барчиной билан Алломиш унчалик бир-бирига қўшилмай бахмал ўтов ёнида ўтирибди.

АЛЛОМИШ (Барчинойга кўз қирини ташлаб): Менинг отим билан Қоражон Бобоҳон тоғида алпларнинг қўлида ўлди.

БАРЧИН (безовталаниб):

Қурру-е, қур. Ҳайт-а, тўрамнинг оти,
Оқ тўшим - яйловнинг, сочим - шипиртки!

Бойчибор пойгани олади. Туёғигаги миҳлар азобига чидаб, Барчиннинг Бахмал ўтовини етти марта айланади. Қоражон ғолиб чиққан отининг тизгинини тортиб тўхтатди, яккамихга боғлаб совутди,

тулпорнинг терлари қотди. Барчиной отга яқин келди. Жониворнинг азоб чекаётганини билди. Бойчибор туёғига қоқилган миҳ азобидан Барчинойнинг оёғи остига ўзини таппа ташлади. Барчиной ипак рўмоли билан отнинг кўзларини артиб, қаттиқ ўқиниб, туёғига қоқилган гулмихларни тишлари билан бир-бир сугира бошлади.

Ўн минг уйли Қўнғирот одами томоша кўраётпти. Кўкалдош ва бир нечта алплар навбатма-навбат ёй тортишиб мўлжалга текказолмади, кейин курашганда мағлуб бўлишди: Алломиш курашда ҳам, танга-пуани минг қадамдан уришда ҳам ғолиб келди.

БАХШИ: Ана энди, Қалмоқлар элида катта тўй бўлаяпти, Барчиной қирқ канизи ичида, қариндошлари орасида курсанд. Қалмоқшоҳ ёнидаги аъёнлари билан тўйга қарамасдан аччиқ қилиб, отларини қамчилаб-қамчилаб жўнаб кетаяпти.

Қоражон куёвнавкарлар қатори сийланди. Алломиш билан бир ўтовда туну кунни ўтказди.

Неча давронлар ўтди. Алломишнинг ҳам қалмоқлар юртида жой тутганини билган элатдошлари Қўнғиротдан келиб Бойсарига маслаҳат қилди. Барчинни бу ердан узатиб кетиш керак, яна Кўкқамишга бориб кўнайлик, бу мусофирлик юртидан кетайлик, деб қавму қариндошлар қайта-қайта маслаҳат қилди.

Шундай қилиб, қирқ кун маслаҳат қилишди. Бойсари қоладиган, қолган ўн минг Қўнғирот Барчинни олиб кетадиган бўлди. Алломишга ҳам, Қоражонга ҳам сарполар ёшиб, «Эрга кўрсатди» расмларини қилиб, бир қўйни сўйиб, кун чашка бўлганда «Барчиной қизим, мени кечир», деб Бойсари қолаверди. Дўмбира озови.

II қисм

Қалмоқшоҳ саройи. Шоҳ безовта, ёнида аъёнлар икки букилиб туришибди. Сархайил кампир Қалмоқшоҳ оёғига йиқилиб бўзлаяпти.

СУРХАЙИЛ:

Тойчихоним, сенга айтар арзим бор,
Сендай шохим бу ишлардан беҳабар,
Сени яксон қилиб кетди ўзбеклар,
Тахт устида сендай шохим турарми,
Ёлғиз ўзбек шундай ишни қиларми?!

Билдим, ўзбек кетди сенинг қалъангдан,
Сен чиқмадинг қалъангдан, боламдан.

ҚАЛМОҚШОҲ:

Рост айтасан, ўзбек андай қилган, деб,
Жабр ўтиб бунда йиглаб келган, деб.
Юртимнинг ободи алплар ўлган, деб,
Қоражонни тириклайин олган, деб,
Бундан турмай лашкар тортиб бораман,
Қизи, хотинини ҳайдаб келарман,
Нечовининг тандан бошин оларман.

Алломиш билан Қоражон ортларига қараса Қалмоқшоҳнинг лашкари тумонат бўлиб келаётибди.

АЛЛОМИШ (Қоражонга юзланиб): Сен эл билан бўлиб тургин. Мен бир жанг қилайин.

Алломиш ёнидан қиличини сугуриб, тумонат лашкарига қараб юраверди. Бирма-бир калласини учирди. Бўлди қиёмат, бўлди қирғин! Сурхайил кампирнинг ўғиллари ҳам омон қолмади. Қолган-қутганини гала-гала қилиб ортга қувиб юборди.

Алломиш яна ортга қайтиб, тўдгага қўшилиб Бойсун элига қараб Қоражон билан суҳбат қилиб



кетаверди.

Бойбўрига бир чопар келиб, кўчиб кетганлар қайтиб келганини хабар қилади. Тўй бошланиб кетади. Бойбўри ўртада ўтириб, қўлини кўксига қўйиб, «Қуллук бўлсин» олаяпти.

ҚАЛДИРҒОЧОЙ: Отангиз, менинг бий оғам, қаерда қолди?

БАРЧИНОЙ: Қалмоқ юртида қолди. Қисмат шундай бўлди. Жами бойлар келди, Кўкқамишда кўнди, менинг отам ғариб бўлиб Қалмоқ юртда қолди.

Қалдирғочой ҳам ҳамдард бўлиб, узоқ гаплашишди. Қалмоқшоҳ саройи. Уч-тўрт жангчи ва Сурхайил кампир шохнинг оёғи остига ётибди.

СУРХАЙИЛ: Шохим, биз шундай аламзада бўлиб юраверамизми?

ҚАЛМОҚШОҲ (қўлини иягига тираб, ўйчан ўрнидан туради): Бу ишни бошлаган Бойсариди, Бойсариди бўлмаганда бу гаплар бўлмасди. Шу бой шу ерда қолган бўлса, ана шу бойни менинг олдимга судраб келинглар.

Бир-иккита аламзада Бойсарини судраб киришади. Бойнинг қўлига занжир солинган, уст-боши йиртилган.

ҚАЛМОҚШОҲ: Хўш, сўзла, энди сени нима қиламиз?

БОЙСАРИ (ночор):

Қалмоқшоҳим, сенга айтар арзим бор,
Не сабабдан мен бўлибман гуноҳкор.
Мусофирман, кўриб сенинг элингни,
Ўз жонимга мен қилганман зулмни.
Кимга айтай энди ўлар ҳолимни...
Қартайганда қамчи уриб бошима
Ҳайдаб келди зулм билан қошингга!

ҚАЛМОҚШОҲ (ўйланиб, у ён-бу ён юриб): Келинглари, шу ҳам яшасин, ошини ошасин, бутун мол-ҳолини менинг давлатимга ўтказиб, ўзини ўз молларига чўпонларнинг бошлиғи қилиб қўйинглари, мен унинг жонини сақладим.

СУРХАЙИЛ КАМПИР: Менинг Бойсариди билан ишим йўқ, мен Алломишни ўлдирсам, ўғилларимнинг хуни тўланади.

ҚАЛМОҚШОҲ: Мен нима десанг берсам, Қўнғиротга яқин жойдан бир манзил қурсанг, эртамикеч Қоражоннинг келади. кейин у ёғи бир гап бўлар. Масалан, Муродтепага яқин жойдан, Чилбир чўлидан бир ораста жой қурдир, уч-тўрт кучутингни уй айлантдириб ҳурдир. Бойсарининг бу ҳолини билган бирон ўзбек хабар олиб келиб қолар.

Бойбўрининг дарвозаси тақиллаб, бир чопар Барчинойни сўрайди. Хизматкорлардан бири Барчинойни чақириб беради. Чопар Барчинойга хат тутқазди.

БАРЧИНОЙ (ўқийди): «Менинг аҳволим танг, менда бордир на макон, на ватан, баъзан жигарим эриб юртимни кўргим келади, қалмоқларнинг қўлида мустар бўлдим, мени ҳам сўраб келгучилар борми... Отанг».

Эшикдан Алломиш кириб келади. Барчинойнинг кўнгли бузилиб Алломишнинг қўлига хатни беради. Алломиш ўқийди, ўйланиб қолади.

АЛЛОМИШ:

Йиғлама гул юзли, бундан борурман,
Хафа бўлма, сени шодмон қиларман,
От ўйнатиб қалмоқ эда бўларман,
Йиғлама, отангни олиб келарман.

Бу сўзни Алломиш Барчинойга айтиб, кўнглига тасали буриб, йўлга отлангани отасидан рухсат сўрайди.

БОЙБЎРИ: Кўзимнинг тириклигида жавоб

бермайман.

Бу гапни Барчиной эшитиб қолади. Алломиш Барчинойнинг олдига қайтади. Барчиной Алломишни йўлакда учратади.

БАРЧИНОЙ: Бир эркакнинг ишини ўзим қилайин, жавоб берсанг отамнинг олдига ўзим борайин.

Алломиш йўл тараддусини кўриб, Барчиной билан хайрлашиб «Мен отангни албатта олиб келаман» деб қирқ йигитни ортдан эргаштириб Қалмоқ элига қараб от солиб кетади.

Қалмоққа яқинлашиб қолганда Бечорасифат бир кампир (Сурхайил бўлади) йиғлаб, сочини ёйиб, бетини юлиб, зорланиб Алломишнинг олдига тўсиб чиқади.

КАМПИР: Мен Қалмоқшоҳдан задаман, кўраёписиз, чўларда саргардон бўлган бандаман...

АЛЛОМИШ (отини тўхтатиб): Шу Қалмоқшоҳда ишим бор, менинг ҳам бу ерларда бир ғариб кишим бор.

СУРХАЙИЛ КАМПИР (гардманг): Хўп чарчабсиз, бизнинг манзилга бир кўниб ўтсангиз, қизларим хизматингизда бўлса, оёгингизни ёзиб, дам олиб кетасиз-да.

Алломиш йигитлари билан Қалмоқшоҳ Сурхайил кампирнинг пойлоқчилиги учун қурдирган уйга бирон шубҳа қилмасдан киради, меҳмон бўлиб маишатни қилади. Қирқ қиз хизматига, дастурхонни безаб турибди.

Бирдан ора-шира дарвоза очилиб, тарақ-туруқ овозлар эшитилади. Сурхайил кампир ўпкасини қўлтиқлаб киради.

СУРХАЙИЛ: Қалмоқшоҳнинг лашкарлари келаёттир, онгда қолдик.

АЛЛОМИШ: Қани, паҳлавонлар, буларнинг барини бир момолатайлик.

Найза-қиличлар ялтирайди. Бақир-чақир, аёлларнинг овозлари эшитилади. Қирқ азамат қалмоқликларнинг бирларини кўтариб олаёттир, бирларини қилич билан чопаеттир. Ҳаммасини олдига солиб қувиб жўнатиб юборади.

Сурхайил кампир четга оғзи очилиб, бошини ушлаб сир бой бермайди.

АЛЛОМИШ (қўлини силтаб): Ана энди Қалмоқшоҳнинг юртини эртага бир кўрамыз-да. Бугун бизни меҳмонга чорлаган энам билан бир суҳбат қурайлик, нима дейсизлар?

Қирққиз йигитларга маст қилувчи ичимликлардан қувиб турибди. Тун ярим бўлганда Алломишдан ташқариси маст бўлиб ағанаб қолди. Ахийри Алломиш ҳам йиқилди.

Айёр Сурхайил кампир барининг устидан ўт қўйиб юборади. Лашкарлари билан уй четига ёнғинни Қалмоқшоҳ ҳам томоша қилиб турибди. Барча йигитлар кул бўлди. Алломиш ёнмай қолди.

ҚАЛМОҚШОҲ (аскарларига буюради): Қиличларинг билан чопинглари, найзаларингни санчинглари, агар бу Алломиш тирик қолса, Қалмоқ элини ер билан битта қилиб текислаб кетади.

Алломишга ҳеч нарса қор қилмайди.

ҚАЛМОҚШОҲ (Сурхайил кампирга қараб): Энди ўзинг бирон чорасини ўйлаб топгин, ўйлаб тополмасанг ҳолингга вой бўлгани шу.

СУРХАЙИЛ: Бўлмасам, менинг айтганимни қилиб, хизматкорингга буюриб, Муродтепанинг баланглигича келаганин чуқур зиндон қаздириб, шу зиндонда чиритсан.

ҚАЛМОҚШОҲ (хизматкорларига): Шу ишга ҳисса қўшмаганининг моли таловда, боши ўлимда. Алломиш

ўзига келгунча чуқурлиги қирқ қулоч зиндонни қазиб бўласанлар.

Тупроқлари уюлган зиндон атрофида шу ишга ҳисса қўшганинг ҳаммаси бор. Зиндон тайёр бўлади.
СУРХАЙИЛ (Қалмоқшоҳга қараб): Лашкарлар зиндонни тайёр қилишди.

ҚАЛМОҚШОҲ (лашкарларига): Алломишни кўтариб, зиндонга ташланглар.

ЛАШКАРЛАР: Бош устига, бажарамиз.

Беш-ўнта бўлиб, беҳуш ётган Алломишни кўтариб кўришди, уддалай олишмади. Алломишни жойидан кўзгатолмади. Ахийри айёрлик билан бунинг ҳам чорасини топишди. Алломишни Бойчиборга сугратмоқчи бўлишди. Бойчибор олдинига қимир этмай турди. Қалмоқлар Алломиш хушига келиб қолмасин, деб қўрқишиб ҳаракат қилишяпти.

ҚАЛМОҚШОҲ: Отга қилич уринглар, жонидан ўтмаса бу жонивор қимир этмайди, шекилли.

Бойчиборни қилич билан ҳайдашди. Алломиш зиндонга тушиб кетди. Бойчиборни бир жойга олиб бори, оёқларига чўян қўйиб, тангиб ташлашди.

ҚАЛМОҚШОҲ: Ҳаммангиз яхшилаб эшитиб олинглар, Алломишни биз зиндонга ташлаб юбордик. Ушу ерда чириб кетади. Сизлар, ҳамма жойга «Алломиш ўлди» деган хабар тарқатинглар.

Сурхайил кампир хурсанд.

БОЙБЎРИ (қайғуда): «Алломиш ўлди» деган мишишга ҳам анча бўлди, мана, йилини ҳам ўтказдик. Мен бир гариб бўлиб қолдим. Менинг Бодом чўримдан туғилган Ултонга ҳамма шу ҳам Бойбўрининг ўғли-ку, деганига ишга хўжайин бўлиб олди... Энди бор нарсаларимга Ултонгоз эга бўлиб, «бу бесўнақай одам бировни босиб-мосиб кетмасин» деб Қоражонни ҳам четлаб Олатогнинг ортидан жой бериб, кўчириб юборди. Қалдирғоч қизимга эса Бобир кўлида туя боқтириб қўйди.

Алломиш зиндонга хушига келади. Чоҳ бошига қарайди. Бир гоз айланиб юрибди. Гоз Алломишнинг олдига ўзини ташлади. Алломиш қараса гознинг бир оёғи синган.

АЛЛОМИШ: Ўз элинда, Бобир кўлинда шу гоз менга йўлиқса бутун йўлиқар эди, ҳозир зиндонда ётган ярим одамман-да, бу гоз ҳам менга ярим йўлиқди.

Алломиш гозга қарайди, тузатади, қараб, зиндоннинг ичига у ён-бу ён юриб кун ўткази.

АЛЛОМИШ (гозга тикилиб): Мана энди тузалиб қолдинг, менинг зиндондалигимни бирон қариндошимга хабар қилсанг. Хатни патинига қистирдим, фақат кечаси учин.

Гоз учиб кетади.

Тунда Барчин ёлғиз ўғли Ёдгорни бағрига босиб ўтирибди.

БАРЧИН:

Маломат гап эда овоза бўлганди.

Билмайман, тўрам қандай ўлганди.

Ҳозирги кетиши тириклай гойиб,

Кеча-кундуз мен йиғлайман саргайиб,

Болам Ёдгор, сен отангнинг ўрнин босарсан

Балки бордур отанг, бир кун ўзинг

излаб топарсан.

Бобир кўли. Қалдирғочой Ёдгорни эргаштириб туя боқиб юрибди. Гоз айланиб учди. Алломишнинг хати ерга тушиди. Қалдирғочой хатни кўлига олиб ўқияпти.

ҚАЛДИРҒОЧОЙ: Э, бу Ҳақим оғамнинг хати-ку, «Кашал юртида, зиндонда, ёлғизликда, хабар оладиган кишим бўлмади». (Бошини кўтариб ўйланади). Ҳақим оғам олти ойчалик йўлда бўлса, унча-мунча одам излаб

боролмаса, қалмоқнинг кўлида бўлса... Бунга фақат Қоражон дўсти излаб бориши мумкин. (Ёдгорни чақиради).

Ёдгор, шунда тургин, хафа бўлмагин,
 Мен келгунча сен ҳам йиғлаб қолмагин.
 Отангнинг Қоражон деган дўсти бор,
 Мен бориб берайин унга ҳам хабар...

Зиндонга Алломиш ўтирибди. Ерга қараса, чоҳдан оғамнинг соясига ўхшаган соя зиндонга тушиб ўтди. Алломиш ўрнидан туриб кетади.

АЛЛОМИШ: Кимсан, Қалмоқшоҳнинг хабарчи жосуслариданмисан? Подшоҳингга бориб айт, ҳали юртингни харобага айлантириб кетаман, улу-қизингни бирма-бир тутаман, жосус бўлсанг шохингга айтиб боргин.

ҚОРАЖОН (арқон ташлаб): Бу менман, Қоражон. Сен мени танимай, жосус деб ўйладинг, мен сени зиндондан қутқаргани келдим!

АЛЛОМИШ (белига арқонни бойлаб кўтарилаётиб ўйлайди): «Бекорга келибди-да, бунинг мени тортиб оладиган нима қудрати бор экан. Кўнглимдан шу гап кетмаяпти-я. Эртага элда маъракамжлис бўлар, гапдан-гап чиқиб, мен сени зиндондан тортиб олганман, бўлмаса чириб кетар эдинг, деса, менинг зўрлигим, аллигим қайга боради. Йўқ, бунга йўл қўйиб бўлмайди»...

Алломиш зиндоннинг бошига етай деб қолганда икки оёғини зиндон деворларига тираб арқонни узиб юборди ва зиндонга қайтиб тушиб кетди.

АЛЛОМИШ (бақиради): Қоражон, узоқ жойдан излаб, овора бўлиб келибсан, бироқ бу ҳаракатимиз амалга ошмайди, шекилли. Менинг зиндондан ҳали-бери чиқишим гумон, қалмоқлар сени билиб қолишса омон қўймайди, мени ким сўраса ўлган, дегин. Ёдгор ўғлимга, Қадирғоч синглимга, Барчин ёримга, ҳамма-ҳаммасига саломимни айт! Сўраганга мени ўлган, дегин.

БАХШИ: Қалмоқнинг Янгибозор деган бозори бўларди. Қалмоқшоҳнинг қизи Тавкаойим қирқин қизи билан бозор айланиб юрибди, бир серкага харидор бўлди. Серкани саксон тангага сотиб олди.

Кунлардан бир куни ўрдага етаклаб борилган серка озиб, жун ташлаб, ёлғизланиб қолди. Шунда, Тавкаойим бир пайтлар Бойсарининг қўйини боққан Кайқубод чўпонининг олдига бориб серкасини подасига қўшишини айтди. Кайқубод Тавкаойининг нақд саккиз тилла пулини олиб, серкани подага қўшишга рози бўлди.

Кайқубоднинг боқиб юрган қўйлари ўтлаб юриб, ёйилиб бориб, Муродтепага етди. Қўйлардан айрилиб ўтлаган оқ серка нураган бўш тупроқни босиб, зиндонга эниб кетди. Кайқубод серканинг изидан келиб, синчиклаб зиндонга қаради. Алломиш ўзини Кайқубодга танитди.

АЛЛОМИШ: Ҳа, танимаяпсанми, сенинг езнангман.

КАЙҚУБОД: Сен нима қилиб ётибсан бу ерда!

АЛЛОМИШ: Мен қалмоқларнинг кўлида банди, зиндонман.

КАЙҚУБОД: Об-бо, шунча йилдан бери зиндондалигингни билмабман-да. Бу-у... серка Тавкаойиники эди, серкасига пулни туртиб бериб кетди, шу қизинг менга кўнгли борга ўхшайди, энди... унга нима дейман?

АЛЛОМИШ: Ҳозирча қалиннинг боши - мана шу оқ серка бўлди, зиндондан чиқсам, Тавкаойини сенга мен ўзим олиб берай.

КАЙҚУБОД: Менинг кўнглимни анча кўтардинг, ишончимни оширддинг. алга бир серка нима бўлади,



мана бу учта-тўртга қўйни ҳам ташлаб кетади.

Кайқубод яна уч-тўрт қўйни чоҳдан ичкарига эндириб юборади.

Орадан вақт ўтади. Кайқубод уч-тўрт қўйни ҳайдаб, зиндоннинг бошига келади.

КАЙҚУБОД (*ўзига ўзи гапирарди*): Менинг қўлимдан ҳеч нарса келмади. Бойсарининг ҳамма молини зиндонга ташлаб бўлдим.

Кайқубод зиндонга қаради. Алпомиш чанқовуз ясаб ўтирибди.

АЛПОМИШ: Кайқубод, мен суяклардан икки чанқовуз ясаб қўйдим. Шу чанқовузларни Янгибозорга олиб бориб, сотиб келгин.

КАЙҚУБОД: Айтганингдай қиламан.

АЛПОМИШ: Мен сенга албатта Тавкаойимни олиб бераман. Зиндондан чиқсам, сени Қалмоқнинг тахтига ўтказиб кетаман.

Янгибозор. Кайқубод чанқовузнинг мақтовини келтириб сотаяпти.

КАЙҚУБОД: Мен бўлиб уста наъмагар,
Созим кўрсанг келгин, қизлар.
Тор биқинли сарвинозлар,
Кўринг энди Кайқубодни,
Икки нондан нархин айтди.

Янгибозорда қирқ қиз оралаб келаяпти, келиб устага учради.

ҚИЗЛАР: Уста ака, бизга ҳам чанқовуз ясаб берасизми?

КАЙҚУБОД: Ҳа, албатта. Нархи икки нон, олдиндан бериб кўясизлар.

ҚИЗЛАР: Мана сизга, қирқтамызга саксонга нон қабул қилиб олинг.

КАЙҚУБОД: Ўҳ-ў... Энди қолган қалиндан чанқовуз сотиб ҳам қутилиб қўярканман-да.

Қизлар чўвлашиб қайтиб кетишди. Кайқубод нонларни халталаб зиндоннинг бошига борди ва зиндонга ташлади. Алпомиш яна бир чанқовузни созлаб ўтирган эди. Буни ҳам Кайқубодга берди.

АЛПОМИШ (*тайинлаб*): Буни ҳам Янгибозорга олиб бориб сотмагин, Тавканинг сайил боғига олиб бориб чалгин. Қизларга кўрсатмагин. Мабодо қизлар кўрса, қувса ушлатмагин, мабодо ушлаб олса, «бу чанқовузни ким ясади», деса, ўзим ясадим, дегин, менинг дарагимни айтмагин. Қизлар қувса қочиб кутулиб кетарсан?

КАЙҚУБОД: Семизи иркиллаб, ориғи эчкидай диркиллаб юрган қизлардан қутумай, менга бир гап бўлди (*чоҳнинг устидан у ён-бу ён сакраб ўтаверди*).

АЛПОМИШ: Кал бошинг билан сен ҳам зиндонга тушиб кетарсан.

Кайқубод Тавкаойимнинг боғига бориб чанқовузни чалапти. Тавкаойим уни танигандай бўлиб, паналатиб яқин келиб, кўзига кўринди. Қочмоқчи бўлувди, келиб маҳкам ушлади.

ТОВКАОЙИМ: Сен қачондан бери уста бўлиб қолдинг (*роса савалайди*)?

КАЙҚУБОД (*чидай олмай*): Чанқовузни зиндонда Алпомиш ясади, бўлдимми?!

Тавкаойим билан Кайқубод олдин-кейин бўлиб зиндоннинг бошига борди.

ТОВКАОЙИМ (*зиндонга қараб*): Мен сенга ҳаётимни бағишлайман, агар зиндондан чиқарсам кимим бўласан!

АЛПОМИШ: Қариндош бўламиз-да...

ТОВКАОЙИМ (*Кайқубодга қараб юлқиниб*): Алпомишнинг ўзинга насиб қилсин, мен кетдим (*орқасига қарамай кетаверади*).

КАЙҚУБОД (*зиндонга қараб*): Езна, эринг бўламан,

десанг бўларди.

АЛПОМИШ: Э, ундай бўлса қайтар, паризодни!
Кайқубод Тавкаойимнинг ортидан етиб боради.

КАЙҚУБОД: Қайтсанг бўларди, Алпомиш эринг бўламан, деяпти.

Товкаойим зиндон бошига қайтади.

ТОВКАОЙИМ: Нима дединг?

АЛПОМИШ: Эринг бўламан!

Товкаойим бош бўлиб ўрдасидан зиндонга лаҳм қазаяпти. Мардикорлар ишляпти. Ахийри қазиб тугатишади. Лаҳмга Алпомишнинг боши ҳам сиймайди. Товкаойимнинг ўзи зиндонга ўтади. Алпомишнинг бағрига Товка ўзини отиб кўришиб турибди. Зиндондаги қазилган йўлдан Сурхайил кампир қағалиб келиб қолади ва икковининг қучоқлашиб турганини кўради.

АЛПОМИШ (*Товкага қараб*): Қув, етиб ол!

Сурхайил балога йўлиққандай ортига қочади. Товкаойим қувади. Сурхайил яна айёолик қилиб, бир тўхтаб, бурилиб, Товкаойимнинг этагидан бир парча йиртиб олади. Яна қочади.

Қалмоқшоҳ саройи. Сурхайил кампир яна подшоҳга ялинапти.

СУРХАЙИЛ: Сен подшосан, бир чорасини топ, қизинг келину бу Алпомиш дегани куёвбопга ўхшайди.

ҚАЛМОҚШОҲ (*газаб билан*): Чорани ўзинг топ, уни меса «чириб кетади» деган эдинг, тезроқ ўйла, бўлмаса бу кунинг қимматга тушади.

СУРХАЙИЛ КАМПИР: Мен ўйлайдиган бўлсам, беш юз аравани кўшишни ҳукм қиласан, токи улар Зилтоғининг тошларидан тўлдириб келиб Алпомишнинг устидан тўксин. ҳар ёғидан тош қисиб, ўз қонига ўзи бўксин.

ҚАЛМОҚШОҲ: Айтганингдек қиламиз.

Бу хабарни зиндонда Товкаойдан Алпомиш эшитиб турибди.

АЛПОМИШ: Кўп ғам чекма. Ҳали бу майда-чуйдалар менинг зўримни билмайди, сен тинчлангин. Менинг Бойчибор отимга кўзинг тушганмиди? Шу чибор отни отанг кишанлаб ташлаган бўлса керак. Агар отимдан дарак бўлса, иримига тутатқилиқ исирик берай, бориб отимнинг олдида тутатсанг, менинг тириклигимни билса, ёрдамга келади. менинг исимини билади.

ТОВКАОЙ: Бир жойда бир отнинг туёғига темир парчин урилганини кўргандай эдим. Буни ҳеч кимга билдирмай албатта тутатаман.

Алпомиш исирикқа кўшиб егининг бир ипини юлиб беради.

Товкаойим от яқинига бориб, исирикни тутатди. Тутун отни кишнапти. Ниҳоятда қаттиқ кишнаганидан оёғига урилган темирлар парчин-парчин бўлиб кетди. Тавкаойим ўрдасига кириб кетади. Буни ҳеч ким билмай қолади. От Алпомишнинг тириклигини билади, зиндоннинг бошига бориб етти марта айланади. Чоҳга қараб Алпомишни кўради.

Чилтанлар (гайритабий кучга эга бўлган, кўринмайдиган афсонавий қирқ руҳ - муаллиф) бир дуо қилишган эди, от қуйруғи қирқ қулоч бўлди. Алпомиш Бойчиборнинг қуйруғини белига боғлаб зиндондан чиқади.

Алпомиш атрофга яна бир назар ташласа, тош ортган аравалар келаяпти. Аравакашлар аждарҳони кўргандай ортига қочаяпти. Бирпасга намоишига карнай тортиб, сийсатга тўплар отиб, лашкар босиб келаверди.

Жанг авжланди. Алпомиш ҳеч кимни аямайди. Дуч

келиб қолган Сурхайилнинг ҳам шартта калласини олди. Энди навбат Қалмоқшоҳга етди, ўнг-сўлидан қилич ўтказиб уни ҳам гумдон қилди.

Алпомиш қир-ағрда от солиб кетаётиб, кўй ҳайдаб юрган Кайқубодга гучор бўлди.

АЛПОМИШ: Сен зиндонда пайтимда шоҳнинг қизи Товкаойни ёқтириб қолганини айтгудинг. Энди гап муңдоқ: чўпон таёғингни елканга ташлайсан, қалмоқ элининг қолганини тўплаб менга бир-икки дўқлаб, сиёсат қиласан, мен эса кўнглимга олмайман, сен мурудинга етсанг бас!

Кайқубод билан Алпомиш элининг олдида турибди.

КАЙҚУБОД (Алпомишга қараб гўқ ураяпти): Сен шунча одамни, бунга кўшиб Қалмоқшоҳни ҳам ўлдириб яхши қилмадинг.

АЛПОМИШ (Кайқубодни одамлар писанг қилмаганини билиб): Сеннинг зўрлигингни қалмоқ эли билади, шу сабаб Товкаойимга сен лойиқ қувё бўлишинг мумкин.

Одамлар тўдасини ёриб Товкаойим пайдо бўлади. Кайқубод кал бошини қуйи эгиб, қувёдай турибди.

ТОВКАОЙИМ (Алпомишга қараб): Мен шу калга тегаманми, мен шунга деганмидим?

Шунда Кайқубод доимо бошига қоплаб юрадиган жумурини олиб ташлади. Кайқубод кал эмас экан. Товкаойимнинг кўнглига илиқлик тўлиб Кайқубодга қаради.

ТОВКАОЙИМ (ўз-ўзига): Аслида Алпомиш Кайқубодга қараганда анча кўполга ўхшайди.

Тўй бошланиб кетади. Тўйда Бойсарни ҳам пайдо бўлади. Уни иззат-ҳурмат қилишади. Бироз тантана ўтиб эл олдида Кайқубод Алпомишни бир-икки туртиб, қўл-оёғига арқон тортиб бойлаб, яна гўқ уради.

КАЙҚУБОД: Энди сенинг жойинг зиндонда, нимагалигини ўзинг яхши биласан.

Бир-иккиталар «Алпомишдан Кайқубод зўр эканга», деган гапни айтишади бир-бирига.

Саҳар хўрозлар қичқирмоқда. Кайқубод шошиб зиндонга бориб, Алпомишни қаҳириб кузатаяпти.

АЛПОМИШ: Кайқубод, Бойсарининг неча йиллик чўпони бўлдинг. Ундан хабар олиб тур, иложи бўлса насиҳат қилгин, юртига, тенги-тўшига қайтсин.

Алпомиш йўл юриб қиру ағрлардан ўтди. Бойсин элатига етди. Бойчибор бирдан қаттиқ кишнаб юборди. Қараса, Бойчиборнинг энаси Тарлон юлқиниб келаяпти. Алпомиш отдан тушиб, Бойчиборнинг бўйнидан юганини олди.

АЛПОМИШ (отига): Йўлимни яқин қилган Бойчибор, сен мендан олдин энанг билан топишдинг-а?

Атрофда бир-икки қул бияларни боқиб юрибди.

АЛПОМИШ: Бу бияларнинг эгаси ким?

БИР ҚУЛ: Бойсарни дараксиз кетиб, Алпомиш зиндонда ётиб, ўлди дегандан кейин Ултонтоз хонликни қўл остига олиб, ҳамма қариндошларини ҳар ишга солиб, юртга эгалик қилиб ётибди, бу мол-мулкларнинг ҳаммаси шуники. Мени эса Жилвдор қул дейди, менинг отам Алпомишнинг қадрдони Қултой бўлади.

Алпомиш отда тўғри кетаверди. Шу атрофда юрган Қалдирғочийм отининг ортидан қараб, уни Бойчиборга ўхшатди.

ҚАЛДИРҒОЧ: Бойчибор! (Нафаси тикилиб) Ҳой кетаётган киши, сен акамга ўхшар экансан.

АЛПОМИШ (ўзини танитмай, қайрилиб): Мен акамгасман, акам билан зиндонда бирга бўлганман, акам келиб қолар.

ҚАЛДИРҒОЧОЙИМ: Сен акамни билсанг, тингла менинг арзимни, Ултонтоз тўй қилмоқчи, Барчинойдай сарвинозни олмақчи... Бир келбагинг... Ў, акамга ўхшайди (уввос тортади).

АЛПОМИШ: Йўқ, мен акамг эмасман, акамнинг дўсти бўламан, ҳозир эса қалмоқ элидан келаяпман.

Бир жойга борса, кўп қўйларнинг четига бир чол йиғлаб ўтирибди. Алпомиш чол бир пайтлар Бойчиборни тутиб берган Қултой эканини дарров таниди.

АЛПОМИШ (яқин келиб): Нимага йиғлаясиз, бобо?

ҚУЛТОЙ: Менинг бир Алпомишим бор эди, билганлар Қултойнинг қули дер эди, билмаганлар ули дер эди. Шу улим Кашалга кетиб қайтмади, мол-ҳоли қуларга қолиб кетди.

АЛПОМИШ: Мен кимга ўхшайман, бобо?

ҚУЛТОЙ (Алпомишга тикилиб қаролмай): Сен гўрга ўхшайсан, мен уни кўрсам дарров танийман.

АЛПОМИШ: Улингизнинг нима белгиси бор эди?

ҚУЛТОЙ: Алпомишнинг ўнг эгнида Шоҳимардон пирнинг беш панжасининг изи, чап эгнида ўзимнинг беш панжамнинг белгиси бор эди.

Алпомиш эгниларини кўрсатди. Қултой бирма-бир кўрди.

ҚУЛТОЙ: Алпомиш, ўзингмисан, ўғлим. Хор бўлди-ку, Келдингми?

АЛПОМИШ: Элда нима гаплар, бобо?

ҚУЛТОЙ: Эй, сен кетиб бу юртга қулар эгалик қилаётир, ҳатто сенинг Барчинингни ҳам Ултон олаётир, бобонг ана шундай қора кунларга қолди.

АЛПОМИШ: Тўй бўлаётирми?!

Қултой бошини ерга қаратиб силкитади.

АЛПОМИШ: Бобо, шу тўйга борадиган бўлсангиз, яхши-ёмонни биладиган бўлсангиз, мен сиз бўлиб, сиз мен бўлиб бирга-бирга борсак.

ҚУЛТОЙ (бошини кўтариб): Кел, болам, айтганинг бўлақолсин, борсам бориб, қуларнинг туйида бир кўпкари чоғиб келай.

Алпомиш соқол-мўйловли, таёғини суграган жайловли қулдай бўлиб, ўз ёрининг тўйига кетаётир. Сиртдан қараган одам адашмай Қултой дейди.

КЕЛИНЧАК: Қултой бобо, сизга учта эчки қўшган эдим, шу эчкиларим нима бўлди?

АЛПОМИШ: Эчкиларинг эгиз-пегиз тугиб, уч эчкинг юз ўн тўртга бўлди, қизим...

Ҳақиқий Қултой ҳам тўйга бориб, Чибор билан кўпкари чоғаетир. Барчинга қизил бахмалдан катта бир ўтов тикилган, улоқчилар улогини ана шу ўтовнинг соясига, Барчинга кўрсатгандай ташлаб кетаётир. Қултой улоқни Чибор билан яна бир ташлаб кетганда Барчиной Алпомишнинг отини таниб қолди. Атрофдаги одамларнинг чувлашган овозлари «Эй, бу одам қайси элдан келган, кўпкарини яхши чоғар экан...»

БАРЧИНОЙ (Ёғдор ўғлига қараб):

Сувда бўлар сулув ўтнинг суйруғи,

Биз билан бўларми ҳақнинг буйруғи,

Чўлтанглаб кўринди Чибор қуйруғи,

Тўйхонага, болам, отанг келгандай...

ЁДГОР (онасини эшитиб): Агар отам келгани рост бўлса, бу қулардан бир ўч олайин.

Ёғдор ўтовдан отилиб чиқиб кетди. Қўлига бир таёқ олиб кўпкарига ташланадиган улоқларни у ёқдан-бу ёққа қуваверди.

ҚУЛТОЙ ҚИЁФАЛИ АЛПОМИШ (Ёғдорнинг олдида чиқиб қолади ва назар солади): Болам,



юришинг, шиддатинг Рустам алдан зиёда, ўзи кимнинг ўғли бўласан?

ЁДГОР: Отам Кашалга кетган, қайтиб келмади, мен Алпомишнинг ўғли бўламан.

Ғазаб билан улоқларни у ёқдан бу ёққа қуваётганини кўрган тўй эгаларидан бири болани қаттиқ силтади.

ҚУЛТОЙ ҚИЁФАЛИ АЛПОМИШ: Етим бўлса ураверасизми?

Аллигига бориб, бировининг қўлини қаттиқроқ қисиб юборди, яна таниб қолишмасин, деб қўйиб юборди.

Ёдгор аланглаб бу чол Қултой эмаслигини англади.

ЁДГОР: Бобо, менинг отамга ўхшайсиз, ўзингизни танитмаяпсиз.

ҚУЛТОЙ ҚИЁФАЛИ АЛПОМИШ: Болам, бобонгни ота дема-да.

ЁДГОР (ичига): Қултой бобоннинг шундай кучи бор экан, билмас эканман-да.

ҚУЛТОЙ ҚИЁФАЛИ АЛПОМИШ (Ёдгорнинг дадиллигини билиб): Ёдгор, сен билан мен икки ёрти бир бутун бўлиб, бирлашиб, шу тўйни бир бузиб кўрайлик. Иккаламиз бирга борсак, Қултой билан Ёдгор келишиб олибди демасинлар, сен кўпқари томон бор.

ҚУЛТОЙ ҚИЁФАЛИ АЛПОМИШ (ғарвозадан кириб, тўйга сўйилган қўйларнинг калласини тозалаётган ўз онасини кўриб бир оз тўхтаб қолади): Кунтуғмиш янга, омонмисиз?

КУНТУҒМИШ: Сенинг келбатинг ҳам, овозинг ҳам Қултойга эмас, боламга ўхшайди.

ҚУЛТОЙ ҚИЁФАЛИ АЛПОМИШ: Янга, Алпомиш келса, Алпомиш бўлиб келарди-да, Қултой бўлиб келмайди-ку?

КУНТУҒМИШ: Сен дала-дашда юрасан, Қултой, уни-буни кўрасан, Алпомиш боламдан хабар борми?

ҚУЛТОЙ ҚИЁФАЛИ АЛПОМИШ: Энди мен ҳам кўздан қолганман, ким билади дейсиз.

КУНТУҒМИШ: Сен балки шу тўйга аралашарсан, Барчинойга айтсанг: Ултонга тегмасин, болам келиб қолади. Кўнглим сезаяпти.

ҚУЛТОЙ ҚИЁФАЛИ АЛПОМИШ: Эй, янга, буни қотирамиз.

Қултой қиёфали Алпомиш тўй оралаб кутиб юрди: баровнинг қўлига косов, бировнинг қўлига коса - Бойбўри отаси эса катта мешни елкасига қўймоқчи бўлиб, қийналиб, Ултонтознинг барча қуллари қатори сув ташиб, хизмат қилаётир! Ултон уни узоқдан туриб жеркаётир.

ҚУЛТОЙ ҚИЁФАЛИ АЛПОМИШ (Ултонга қараб): Отасини урган бола оқ бўлади, яхши иш қилмаяпсан (Бойбўрининг олдига боради, ёрдам беради). Бир пайтлар Сизнинг ҳам тузингизни тотиб юрганман, мешни мен олиб борай (сувни кўтариб кетади, кейин яна Ултоннинг ёнига қайтади). Тўй қуллук бўлсин, қуллук бўлсин!..

УЛТОН (қўлини кўксига қўйиб жимаяди): Бобо, бориб қозонларнинг бирига ўт ёқинг, чарчаб келгансиз, бир қозондан ошнинг этини, бир қозондан ошнинг бетини, бир қозондан ошнинг савобини еб, қорнингизни тўйгазинг.

Қултой қиёфали Алпомиш Ултон айтгандан ҳам зиёда қилиб ҳаммаёқни оралаб чиқди. Қараса, Ёдгор келаётир, у ўзича ботир, бирон қулга қулоқ солмайди. Шунда Фармонқул (Бойбўри бир пайтлар озод қилган қул. Ҳозир тўйга баковул) Ёдгорнинг оғзи-бурнини қон қилди.

ҚУЛТОЙ ҚИЁФАЛИ АЛПОМИШ (Фармонқулга): Ёдгорга нега азоб берасан, унинг отаси бир пайтлари сени озод қилган, сенинг бу қилган ишинг маъқул эмас.

Қултой қиёфали Алпомиш Ёдгорга бир илик берди. Ёдгор иликни олиб онасининг олдига кетади.

БАКОВУЛНИНГ ХОТИНИ (Фармонқулни тергаб): Алпомишнинг ўғлини бекорга урдинг, анави чол Қултоймас, Алпомишга ўхшайди, у ахир сув тўлдирилган мешни кўтарди, буни Қултой қандай удалларди?

БАКОВУЛ: Эй, эси паст хотин, овозингни ўчир, бу гапингни билишса бошингни олади.

Ёдгор Барчинойнинг бахмал ўтовига ҳеч нарса кўрмагандай кулиб кириб келди.

БАРЧИНОЙ: Нега кулаяпсан, ўғлим Ёдгоржон?

ЁДГОР: Менга Қултой бобом илик берди, шу сабабдан хурсанд бўлиб куляпман.

БАРЧИНОЙ: Йўқ, болам у Қултой бобонгмасдир, илик берган отангдир. Қултой бобонг ўз кунини базўр кўради.

Бир томонда қулларнинг ёйандозлик ўйини бошланиб кетди. Неча қуллар ёй тортиб ётибди: Энди бу тўйга оралаган Қултой қиёфали Алпомиш ҳам бир неча ёйни сундириб, ўқ-ёйларни тиндириб, кўрган кўзларни «ваҳ-ваҳ»латиб юрибди.

ҚУЛЛАРАНДИ БИРИ (тўсатган сўраб қолди): Бобо, бундай ёйандозликни қайдан ўргангансиз?

ҚУЛТОЙ ҚИЁФАЛИ АЛПОМИШ: Алпомишнинг Алпинбий бобосидан қолган ўн тўрт ботмон биринждан қилинган ёйини Арпалининг кўлида Алпомиш икковимиз тортишар эдик. Алпомишнинг ўқидан менинг ўқим ўтар эди.

ҚУЛЛАРАНДИ БИРИ: Ана ўша ўн тўрт ботмонли ёй қаерда экан, билганимизда шу Қултойга тортқизиб кўрардик-да.

Бу хабар Ултонга етди.

УЛТОН: Арпали кўлида ажриқ босиб ётган ёйни шу ерга олиб келинлар.

БАРЧИНОЙ (Ёдгор ўғлига қарата): Ўғлим, Арпали кўлига сен ҳам борсанг, бобонгнинг ёдгорлик ёйини кўтариб келишга бу қулларнинг қуввати етмайди.

Ултой базўр рози бўлди. Ёдгорнинг бошига аччиқ-аччиқ қамчи тортади... Вақт ўтмай Ёдгор ўн тўрт ботмон ёйни олиб келиб ташлайди. Ёдгорнинг қудратига ҳамма қойил қолди.

Қултой қиёфали Алпомиш бобосининг ёйини кўлига олиб, тортиб қўйиб юборди. Бир чинорнинг катта шохини қарсиллатиб юлиб ўтиб кетди. Ҳамманинг кўнглидан «Бу Алпомишга ўхшайди» деган ҳадиқ ўтди.

Ултоннинг онаси Богдом ҳамма қизни тўйга ўлан айтишига чорлаб юборди.

ҚУЛТОЙ ҚИЁФАЛИ АЛПОМИШ (ичига): «Бу бир пайтлар бизнинг чўримиз эди, қўй боқиб юриб бир жойда ухлаб қолганида, тилини олаҳаққа чўқиб соқов бўлиб қолган эди. Бутун тўй қилаяпти...»

БОДОМ СОҚОВ: Ўғлимдай элнинг тўяси,

Ҳабайчи бийнинг энаси.

Тўй давом этмоқда. Йиғилганлар орасига Қалдирғочойим ҳам бор. Унинг кўнгли зор, атрофидаги ҳашамларнинг ҳаммаси кўшига дор кўринар эди.

Аёлларнинг шовқини.

Қалдирғочойининг икки кўлига икки чироқ, бошига яна бир чироқни қўйиб, ёқиб қўйишиди. Ўлан бошлаш олдида Ёдгор югуриб аммасининг олдига келиб қолди. Шунда аммасининг аҳволини кўриб ачинди ва Барчин онасига қаради.

ЁДГОР: Ўлиб кетган бек отамнинг арвоҳи,
 Жоним онам, ҳурмат қилсанг бўлмайми,
 Чирогин кўқларга урсанг бўлмайми,
 Биринг ўлсанг, баринг ўлсанг бўлмайми.
Бироз вақт ўтиб Ултоннинг онаси Бодом кириб келди.

БОДОМ СОҚОВ: Ҳой, қизлай, ўлан бошланглай.
Шу вақт ташқаридан Қултой қиёфали Алпомиш ҳам кириб келди.

ҚУЛТОЙ ҚИЁФАЛИ АЛПОМИШ: Янга, Ултонбекнинг тўйида сен билан уч-тўрт оғиз ўлан айтишай деб кирдим.

БОДОМ: Ўлан айтсанг, қизлай билан айтишасанма, ўз тенгинг билан айтиш-да.

Ўлан айтиш бошланди.

БОДОМ СОҚОВ:

Андияма, Қултойкул, мандияма ёй-ёй,
 Саккуч деган кўпакдай сандияма, ёй-ёй,
 Оқ чангалнинг тубига чийиб келдим, ёй-ёй,
 Ичиб олсанг, чувчунинг қондияма, ёй-ёй!

ҚУЛТОЙ ҚИЁФАЛИ АЛПОМИШ:

Андирингдан, янгажон, мандирингдан, ёр-ёр,
 Кулча ёпиб нон еган таңдирингдан, ёр-ёр,
 Душа-дуруст одамни кўпак дейман, ёр-ёр
 Кўпак итлар тортсин-да чандирингдан, ёр-ёр.

ТОМОШАБИНЛАР: Қултой қурғур ўлан айтишга уста экан, бу аҳволда Ултонбойнинг онасини беобрў қилмасин, Ултонбойнинг ўзига хабар берсак, шу Барчин билан ўлан айтишса қандай бўларкин, деб сўрасак.

Одамларнинг гала-говури, Қадирғочойим ҳамон икки қўлида, бошида чироқ билан ўтирибди. Кимдир эшикдан ҳовлиқиб кириб келади.

ТОМОШАБИН: Ултон ўлан айтишса, айтишаверсин деди!

Ўлан бошланди.

ҚУЛТОЙ ҚИЁФАЛИ АЛПОМИШ:

Ой Барчиним, ёр-ёр,
 Гул Барчиним, ёр-ёр.
 Ақлинг бўлса ўйла-да,
 Бил, Барчиним, ёр-ёр.
 Ултонтозга текканча,
 Ўл, Барчиним, ёр-ёр.

БАРЧИНОЙ:

Ҳазон бўлса боғда гуллар сўлар дейман, ёр-ёр,
 Сўлган гулга булбул келиб кўнар дейман, ёр-ёр.
 Ўлар алпим тирилик келар дейман, ёр-ёр,
 Ёдгоржон отали бўлар дейман, ёр-ёр.

ҚУЛТОЙ ҚИЁФАЛИ АЛПОМИШ:

Биздан қолган қулунлар
 От бўлибди, ёр-ёр.
 Биздан қолган Барчиной
 Ёт бўлибди, ёр-ёр.

БАРЧИНОЙ:

Ўйлай-ўйлай Барчиной
 Ўт бўлибди, ёр-ёр.
 Ҳозир гумон қилибсиз,
 Ёт бўлибди, ёр-ёр.
 Сизи билан аштишиб
 Мот бўлибди, ёр-ёр.
 Бобо, сиз ўланда ютдингиз.

Ўлан охираб қолганда Бойчиборни миниб ҳақиқий Қултой кириб келди.

ҚУЛТОЙ ҚИЁФАЛИ АЛПОМИШ (ўрнидан туриб, Бойчиборни минган Қултойга қараб): Бобо, элга овозақлинг, Алпомиш келди, деб айтинг.



ҚУЛТОЙ (иққиланиб): Алпомиш келди десам, бу қулар жуда тўйиб кетган, мени ўртага олиб уриб ўлдириб қўймайдими?

АЛПОМИШ (устигаги кийимларини ечиб ташлаб): Ўлдирмайди, менинг ўзим хабардор бўлиб тураман.

Алпомиш деб юрганлар, Алпомишни кўрганлар қучоқлашиб кўриша кетди.

Кун алламаҳал бўлганда Алпомиш қарасаки, Қоражон дўстидан гарак йўқ.

АЛПОМИШ (ўйилганлардан): Тўқсон алпни бир ёқли қилган менинг Қоражон дўстим қани?

ЙИФИЛГАНЛАРДАН БИРИ: Ултон дўстинг Қоражонни бирон кимсага кўринма, деб четлатиб, Олатоғдан жой бериб, бирон кимсани босиб-мосиб кетмасин деб кўчириб юборди.

АЛПОМИШ: Оту сарпо бериб тўйга таклиф қилиб келинг.

Бодом соқов, Ултонларнинг оёқ-қўларини боғлаб, савалаб олиб кетишди.

Бу орада Қоражон ҳам келиб Алпомиш билан кўришяпти.

Чопар Алпомишни кўриб, Барчинни сўраб: «Биз Кўққамишдан келаяпмиз, Қалмоқдан Бойсари қайтган. Барчин қизини бир кўриш мақсадида экан», деб турибди.

Тўй-томоша бошланади, карнай-сурнай, ногора овозлари...

Бойбўри, Бойсари, Алпомиш, Қадирғочой, Барчиной, Ёдгор, Қултой - бари бир бўлиб қайтаган кўришишяпти.



ШЕРИЯТ - ГЎЗАЛ МАЛАК



ГУЛШАН

КИЗИЛ ЧИРОҚЛАР ОЧСИН ЙЎЛЛАРИМНИ МЕНИНГ

Бу дунёда на исён бор, на-да
сукунат,
Бу дунёда на ватан бор, на-да
хиёнат.
Бу дунёда на армон бор ва на
бир дард,
Бу дунёда на ер бордур, на-да

садокат.

Хеч нарсадан иборатдир аслида дунё -
Бу дунёда на нафрат бор ва на муҳаббат.

Бу дунёда дард қолмаган,
Бу дунёда шеър қолмаган,
Ёзилмаган муҳаббат ҳам қолмади.
Ох, шунинг учунми
Телба бўлдим мен.
Энди гадо бўлай
Озгина ҳаёт беринг хеч бўлмаганда.

Умр - қумсоат
Ўтадиган ҳар дақиқамиз
Бошқа бир дунёга қуйилар.

Одамлар
Нақадар майдасиз, майда.
Майдалар!
Мен сиздан аяйман
Нафратимни ҳам.

Шеърят -
Гўзал малак,
Кечир хиёнатимни.
Ростин айтишим керак:
Сен мен учун мақсад эмас,
Тарикат.



Дилдора АБДУЛЛАЕВА

НИСБАТ

Дунё кенг, тақдирлар унга
ҳоқимдир,
Кимнингдир ўрнини босади
кимдир.
Дейдилар дунёга биров
устунмас,
Хеч бир одамзотнинг қалби
бутунмас.
Шахмат ўйинидек ҳаёт

серуслуб;

Аллаким голибу аллаким мағлуб.
Лекин гирром ўйнаб ютгандан ҳар гал,
Ҳалол мағлуб бўлмоқ минг бора афзал.

Бу ерларга келмоқ кўп оғир,
Бу ерлардан кетмоқ ҳам душвор.
Манзаралар аянч ва дилгир,
Фақатгина хотира зангор.

Бу ерларда бариси ўтмиш,
Туғаб битган эзгу суҳбатлар.
Ҳали-ҳамон кўп туради киш
Унутилмас оғрик ҳасратлар.

Яна юрак. Безовта юрак,
Соғинчлардан қилади хуруж.
Мумкинмикан барин унутмак
Йўқ умиддан излайми юпанч?

Бирдан кўнгиш қолади бўшаб,
Кетмоқ учун топаман журъат.
Мен барибир кетаман ташлаб,
Сенинг каби мен ҳам бешафқат.

Муҳайё МИРСАИДОВА

ҲИЖРОН АЗОБИ

Арча шохларини тебратиб аста,
Марварид томчиға тутдим
юзимни.
Ёмғир ёғиб ўтган шу кенг
йўлакда
Ахтара бошладим сенинг
изингни.

Кўзимга ёш келса ютдим
ичимга,
Бахтлига суяниб яшадим
бахтсиз.
Юракни ўртаган туйғуни кимга
Наҳотки арчага айтаман сассиз.

Севгини бахт деган адашар шаксиз,
У - азоб, оловнинг тиллари гўё.
Шу ўтда қоврилиб кетсам ҳам изсиз,
Ҳижрон азобига қўйма, эй Дунё!

Шафқат боғларининг эшиклари берк,
Ҳаёт тўфонлари солар минг кўйга.
У қачон дилига берди ортиқ эрк,
Туйғу рақсга тушди шўхчан бир куйга.

Ҳаммаси бир онда рўй берди гўё,
Шамоллар пойида қолди хазонлар.
Томошабин бўлди бу кўхна дунё,
Қандай ўтиб борар энди замонлар?

Шафқат боғларининг эшиклари берк...



Наргиз ЁКУБЖОН қизи

Қорлар ёғар - сенсиз тун,
 Майса унар - сенсиз кун.
 Тонгим, шомим сенсиз - хун,
 Сенсиз тенгсиз бахтларга
 Ўралмоғим ростми, ёр,
 Аршнинг пок ҳовлисига
 Сўралмоғим ростми, ёр?!

Сим-сим ёмғир - ёлғончи,
 Ўтмас кунлар - гумончи,
 Эшик қоқар тонг - соқчи.
 Сенсиз тенгсиз бахтларга
 Ўралмоғим ростми, ёр,
 Аршнинг пок ҳовлисига
 Сўралмоғим ростми, ёр?!

Наҳот дунё - беомон,
 Наҳот бахтдир - ғам, ҳижрон,
 Ишонгим келмас ҳамон,
 Сенсиз тенгсиз бахтларга
 Ўралмоғим ростми, ёр,
 Аршнинг пок ҳовлисига
 Сўралмоғим ростми, ёр?!

Моҳигул ЎКТАМ қизи

Юракдаги туйғуларим
 бурда, бурда... Ерга тушди.
 Эссиз, ҳазон орзуларим,
 Меҳрим нега сенга тушди?
 Кўз олдимда хиёнатнинг
 Баҳорлари гуллади.
 Хор, эзилган муҳаббатнинг
 Деворлари қулади.
 Иложсизман, умрим вайрон,
 Қалбда армон ҳам ўкинч.
 Энди севгим узиқ карвон -
 Юролмайди сокин, тинч.
 Бўғиламан, алам йиғлар,
 Кўзларимдай қора тун.
 Юрагимда недир инграр,
 Жигар-бағрим бўлди хун.
 Нима қилдим, гуноҳимни
 Айтсанг, билсайдим кошки.
 Йиғлаб туриб ҳар оҳимни
 Ютганларим бир тушми?
 Эссиз, менинг туйғуларим,
 Бахт алдамчи бир сароб.
 Бузилди хуш уйқуларим,
 Наҳотки бўлдим хароб?

Ўтиб кетди бари-бариси,
 Юрагимда ўкинч ва армон.
 Ҳорфингина хаёл қариса,
 Вужудимни кучар пушаймон.
 Асабларим камондай таранг,
 Кўзларимда чўзилади ғам.
 Хаёлларим гумондай таранг,
 Кўзларимда чўзилади ғам.
 Хаёлларим гумондан гаранг,
 Умидларим дилда ёқар шам.

Гоҳо-гоҳо аллақайдандир,
 Кўринади бир митти қувонч.
 Ишонмайман унга негадир,
 Дейман: «Моҳим, дардга кучок оч...»
 Ўтиб кетди бари-бариси...

Ҳамон соғинаман, сокин боғларни,
 Вужудимда кезса бу таниш мезон.
 Эслагим келади масъум чоғларни,
 Минг йиллик танишдай жилмайса ҳазон.
 Сирли хаёлларнинг исканжасида,
 Неки бор бисотин тутар хотира.
 Бош эгиб Армоннинг маънос сасига,
 Энг сирли тугунин титар хотира.
 Эслайман: сокинлик, бўм-бўш хиёбон,
 Япроқлар, титроқлар, бир сирли ёмғир.
 Ёмғир шивирига қўмилган ҳазон,
 Сокин хаёлларга чўмар негадир.
 Кўзларимга кўнар йилларнинг гарди,
 Соғинч юрагимни олар қўлига.
 Дунёга сиғмайди дунёвий дардим,
 Ҳазондай тўкилса юрак йўлингта...

Ойгул УБАЙДУЛЛА қизи



Кетдинг,
 Мен эса йиғладим суратинг
 кучиб,
 Кўнглим кўзгусини ювди ашк-
 селоб.
 Кулоқсиз нигоҳим чопди
 изингдан,
 Айрилиқ зулмига беролмайин
 тоб.

Хаёлларим кетди, ўйларим кетди,
 Ортингдан эргашиб кўнглим ҳам кетди.
 Аламдан бўғриқиб, ёқасин йиртиб,
 Бахтиёр дамларим оламдан ўтди.

Бир ўзим сўппайиб қолдим хонада,
 Кўргин, бу ҳолатдан гунгман, карахтман,
 Бағритошим, кўргин йиғлаб ортингдан
 Қўлин сенга чўзган ёлғиз дарахтман.
 Жоним, бир сўз дегин, биттагина сўз,
 Бахтиёр кунларга алвидо дегин.
 Ё овутиб кет, алдаб кет мени,
 Бир куни қайтаман олдингта дегин.

Умид, хотирадан куйлақлар тикиб,
 Кийинтирай, безай кўнглимни.
 Кутиб яшайверай, кутиб яшайин,
 Асло қайтмаслигинг билсамда сени.

Куйган менман, жоним, куйдирган сенсан.

Икром Отамурод

Соғинчим - пойинга тўшалган йўлдор,
 Армоним - васлингта ташналаб чўлдор,
 Фироқинг дастидан ҳасратим мўлдор,
 Келмаса раҳминг ҳеч, майлига, ўлдор,
 Куйган менман, жоним, куйдирган сенсан.
 Кўзимдан оққан ёш - кўлдор, дарёдор,
 Васлингта етганим тушдор, рўёдор,
 Азобинг жонимни тигсиз сўядор,
 Арзим айтсам, ёниб жаҳон куядор,



Куйган менман, жоним, куйдирган сенсан.
Ўксикман, куюкман, сенсиз бўшлиқман,
Ўлғизман, мискинман, бахти боғлиқман,
Жавринг ўтидин куйган борлиқман,
Биргина қарошдин кўкси тоғлиқман,
Куйган менман, жоним, куйдирган сенсан.
Дунёни ёндирган ўтман, оловман,
Ишқисизлар кўнглига ғағво соламан,
Етмиш минг оламга сўроқ, савол ман,
Куйган менман, жоним, куйдирган сенсан.
Азизим, жаҳоним, оҳим суюксан,
Муҳаббат тахтида жоним, буюксан,
Қораман, мискинман, илло куюкман,
Оёғинг остида ётган ўлик ман,
Куйган менман, жоним, куйдирган сенсан.

* * *

Соғиниб кетдим-ку сени ёлғизим,
Кўргин, Сенсиз,
Вақтнинг панжасида ўлар кунларим.
Бағримда юз очар ҳажр деган юрт,
Бу кун,
Кўкка ўрлайди унсиз унларим.
Азоб қўлларида титрайди жоним,
Сигмайлар кетаман сенсиз оламга.
Зор бўламан, интиқ бўламан,
Борлигим тўлади, оҳу нолам-ла.
Армон бекордир, Соғинч-да бекор,
Бекордир дунёлар сенсиз ёлғизим.
Келақол, азизим, кўнглим интизор,
Соғиниб кетдим-ку, сени, ёлғизим.



Шоира ҲАСАН қизи

* * *

Дунё, дур деб тутган
тухфаларинга,
Худпараст хунимнинг хаёллари
зор.
Сабридек сўтилган
кийикларида,
Бобомнинг минг йиллик
орзулари бор.

Замон қуйилади дарёси томон,
Жайроннинг ажали камонми ҳамон?
Самога йўллаган саволим холис,
Омаднинг макони бунчалар олис...

Эй кўнгил, сахийлик сувини сепгин,
Умр бу ўткинчи, лаҳзалик эпкин.
Умр бу балиққа қармоқ ташламоқ,
Маҳкумлиққа иқрор бўлиб яшамок.

Шахло АХРОРОВА

АЛЛА

Эъзозга

Алла кўзим, от бўлмаган тойим болам, алла,
Кўк буржиги қундай ботган ойим болам, алла,

Алла кўзим, аллаларга тўймаганим, алла,
Алла айтсам, бағримга бош қўймаганим, алла.

Камалақдан беланчагинг, йўлим етмас, алла,
Беланчагинг тебратмоққа қўлим етмас, алла.

Беланчагинг боғларига тумор бўлай, алла.
Алла айтиб, бошгинангда қамар бўлай, алла.

Алла кўзим, аллаларим сарсон болам, алла,
Юрагимдан узилганим, маржон болам, алла.

Алла айтсам бу заминнинг титроғи кам, алла,
Сўнг йўлимда битта сиким тупроғим кам, алла.

Ухлаб сира тўймадингму, уйғон болам, алла,
Уйғонмасанг, дунё бори фиғон болам, алла.

Алла-ё, алла...

Нигора ЙЎЛДОШЕВА



Мен сени кутгандим...
Энг баланд ишқдан
Йиқилдим.
Ва сенинг кўзингдай
бўм-бўш бағримга,
ёмғир олиб кирди
лим-лим баҳорлар.

Мен сени кутгандим
ёмғирлар билан
Келмадинг.
Ёлғиз ўзим ўтдим.
бу дунёнинг кўприқларидан.
Дуо қилиб ўтдим, яримта
юрагимни бошимга қўйиб...

* * *

Мен баҳорни кўрган эдим,
Баҳор мени кўрмади.
Тушларимга кириб қушлар,
Йиғлашларин қўймади.
Тоғлар оқсоқ бели букри,
Муродига етмади.
Қизғалдоқлар қўйиб кетган,
Фарғонадан қайтмади.
Оппоқ-оппоқ оккушларим,
Азоблардан қайтинглар.
Мажнунгина бевафога,
Севишимни айтинглар.
Мен баҳорни кўрган эдим,
Баҳор мени кўрмади.
Тушларимга кириб қушлар,
Йиғлашларин қўймади.

* * *

Муҳаббатим...
Рух абадим...
Охиратим...
Дарёингда битта сандиқ оқиб келар ёр-ёр,
Ичидаги гўзал малак тилло маржон тақиб келар ёр-ёр.

Худойимдан тилаб-тилаб сандик олдим.
Тилаб олган сандиғимга сени солдим.
Дарёларинг вафо билмай кетиб қолди,
Соҳилингда яна мангу ўзим қолдим.
Тилло сандик ёр-ёр,
Муҳаббатим зор-зор.

Муҳаббатим...
Майли оккин дарёларда коним билан.
Юрагимда қотиб қолган жоним билан.
Мен яшайин армонларга бағр бериб,
Туманларда ўчиб кетган номим билан.
Тилло сандик ёр-ёр,
Муҳаббатим зор-зор.

Муҳаббатим...
Ёмғирларда бекор яланг юрибсан,
Ғамларимнинг ёшларини сенга ҳада этарман.
Сен ҳам фақат мени дебон келибсан,
Бир кун мен ҳам шу сандикда кетарман.
Муҳаббатим...
Оҳиратим...



Нарғиза ҚУРОНБОЕВА

ҚАЛБИМ

Эй сарғашта қалбим, ўртама мени,
Дардларингга қандай берайин пардоз?
Айт, кимларга мактаб айтайин сени,
Айт, кимлар пойига қилай поёндоз?

Кўп изминга юрдим, адашдим ҳам кўп,
Гар бозорга олиб чиқсам озоринг -
Севгилар, ҳуснлар сотилару хўб -
Нетай топилмайди ҳеч харидоринг...



Юлдуз ҲАКИМОВА

**МИНГ ИККИНЧИ
КЕЧА ЭРТАГИ**

Энди айтилмагай қадимий эртақ,
Энди боҳодирлар чиқмас сафарга.
Килич соломмагай бирорга юрак,
Семруғ боласини еган ажларга.

Фақат тушларимда тушгай осмондан,
Юлдузга айланган фаришта кизлар,
Тепамда чарх уриб учар аламдан,
Будутга айланган семруғ қушлар.

Энди хумо қуши қўнмас бошларга,
Сахий Хизр бобо қилмагай ташриф.
Қизлар киролмагай ёрил тошларга,
Очса ҳам кўзадан чиқмас энди дев.

Кимдир қанотини синдирди отнинг,
Сулоймон узигин ўғирлади ким.
Кимдир тилин қирқди Шахризоданинг,
Минг иккинчи кеча келмади ҳеч ким.

Борганлар қайтмади борса келмасдан,
Ўлмасдан ажралди Лайли-Мажнунлар.
Эртагим тугади сенга етмасдан,
Қалбимда очилди ёсумангуллар.

Болалик соғиндим эртақларингни...




Гулнора ҚУРБОНОВА

Қалбимда бир ўзгача туйғу,
Вужудимда олов ёнади.
Гоҳо ташвиш, гоҳида қайғу -
Тушунолма, бу ҳол нимадир...

Нима экан бу кўйга солган,
Ихтиёрим қўлимдан олган.
Ҳисларимда бир ажиб тугён,
Севгиммикан... кечикиб қолган.



ШАҲРИСАБЗ ИЛҲОМЛАРИ



Яқинда соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари таваллуд топган кўҳна Шаҳрисабзда ижодкор ўқитувчиларнинг VIII республика анжумани бўлиб ўтди.

Халқ таълими вазирлиги, Ёзувчилар уюмаси ва Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси биргаликда ўтказган ушбу анжуманда республикамизнинг турли бурчақларидан эллиқдан ортиқ ижодкор ўқитувчилар иштирок этишди.

Иҳром Отамурад, Оқилжон Ҳусанов, Маъруф Жалил, Абдулхай Носиров, Рустам Мусурмон каби бир қатор таниқли ёзувчи-шоирлар ижодкор ўқитувчиларнинг бадиий асарларни қунт билан ўқиб чиқишиб, ўзларининг холис баҳоларини айтдилар, йўл-йўриқлар кўрсатиб, маслаҳатлар бердилар. Энг яхши деб топилган асарлар алоҳида китоб ҳолида чоп этиладиган бўлди.

Қуйида ижодкор ўқитувчилар машқларидан айрим намуналар ўқийсиз.

БИЛСАНГ ЭДИ

Шанғил ҳикоя

Болаликда доим сен билан ўйнардим. Мени кўп йиғлатардинг. Шунданми, бувим сени «шумгина бола» дердилар.

Эсингдами, кучукчам сени тишлаб олган йили қишлоғимиз баҳори қандай гўзал келганди... Еру кўк зангор, томларда лолақизгалдоқлар силкинган, қоратол кокиллари майин елда қарсақ чалишган, хиёл эгик новдалари анҳор озида қалқиган... Толпопуқлар кўзимни ўйнатиб рақс тушишар, мен эса қараб тўямасдим.

Сочим ўримга кирган куниек «толпопуқ» деб хархаша қилгандим. Ўшанда катталардек мени овултгандинг. Оёғинг остига сой тошларидан териб истагимни бажо келтирмоқчи бўлгандинг. Пастдаги новдаларидан синдириб, эндигина иқорига қўл чўзганингда тойиб йиқилгандинг... Ҳали-ҳали эсласам кулгим қистайди. Тизсанг шилиниб ётибсан-у, қўлингдан олишга ошиқаман. Билсанг эди ўшанда севинчим оламга сиғмаганини...

Аммо ўзинг севинтириб, ўзинг қувончимни узоққа чўзмагандинг. Сочпопуқни ҳавас билан териб эндигина қадагандим, алам қилдими, пойлаб туриб чанг солдинг. Толпопуқка қўшиб бир тутам сочимни ҳам юлиб оласола, кўча чангитиб қочгандинг. «Дод» деб қолавергандим.

Йиллар ўтди... Иккимиз ҳам бўй чўздик. Сен ақлли, хушсурат йигит бўлдинг... Мен ҳам, бувингнинг айтишларича, ибоби қиз бўлибман. Кўпинча қўшни чорбоғнинг паст девори оша нигоҳинг менга қадалганини сезаман, ўнғайсизланиб ўзимни қаерга қўйишни билмай қоламан. Шошганча уйга кираман-да, дераза орқасидан ўғринча мўралайман.

Кунда гул кўтариб чиқасан, гулни яхши кўришимни биласан-да. Назаримда, болалик «гуноҳ»ларингни ювмоқчи бўлаётганга ўхшайсан. Ич-ичимдан севинаман-у, сездирмасликка уринаман. Сен шу алпозда маҳтал туришингдан мириқиб ҳузурланаман, сен аччигланасан... Билмайсанки, қасд олиш навбати менга келган...

ГУМОН

Қатра

Алла... Неча баҳор кутдим-а... Тош келса кемириб, сув келса симириб ўтказмадимми надоматли дамларни. Аллоҳга шукрлар бўлсинки, ҳаммаси ортда қолди. Шодлигимизнинг ниҳояси йўқ.

Шавқ-ла дадажониси куйлагини ювмоққа олганимда чўнтагида қоғоз бордай туюлди.

Хатми?

«Ишхонангизга келсам, йўқ экансиз. Ўғлингизнинг ҳарорати кўтарилиб кетди. Бизни марказий касалхонадан топасиз.

Хотинингиз».

Вой, шўрим қуриб қопти! Ким у? Етдим деганда...

Наҳотки, наҳотки ишонган тоғим...

Йўқ, асло кечирмайман, асло!

Шу маҳал эшик очилиб тилаб-тилаб олганимнинг дадаси кўринди. Ёвдай кўриниб кетди кўзимга.

- Ҳорманг, - дейман ўзимни мажбурлаб.

- Қандай, кичкинамиз яхшими?

«Виждонсиз!» дейман ичимда.

- Грипп кўпайибди, эҳтиёт қилайлик, - дейди боланинг бошини силаб дадаси. - Мен билан ишлайдиган Нодир бор-ку, кеча боласи оғриб қопти. У ҳисобот топширгани кетган эди. Хотини келиб, хат қолдириб кетди-ю, ортидан Нодир етиб келиб қолди. Айтиб тугатмасимдан учиб кетди-ёв ўзиям. Хатни ҳам бериб улгурмабман.

Елкамдан тоғ ағдарилди.

Воламни маҳкам қучдим.

Бир баҳя қолди-я, бир баҳя...

*Одашхон АБДУМАЖИДОВА,
Хўжаобод тумани.*

ЎРМОН БЎРИСИ

Қатра

Ёлғиз ўзингиз бўрига дуч келганмисиз? Ростини айтсам, бу жуда даҳшатли бўларкан.

Ўрмон сўқмоғида хаёл суриб борардим. Тўсатдан қаршимдан катта кўкимтир бўри чиқиб қолса бўлади! Кўринишидан... кулаётгандек туюлди.

Газеталарда кўп ўқигандим. Одамлар тоғда қаршиларидан мабодо айиқ чиқиб қолса, йўлдан четланиб «ўтинг, полвон», дейишаркан. Дастлаб мен ҳам шундай қилмоқчи бўлдим, аммо бўрининг «тиржайиб тургани» жаҳлимни чиқарди. Шунда шиддат билан йиртқичнинг устига бостириб бориб, бундай дедим:


- Нега куласан, терингни шилиб, телпак қилайинми?!

Ногоҳ бўри маъёс тортиб қолди. Энди унинг кўзлари шафқат сўраб, жовдираб турарди. Бир лаҳза давом этди бу ҳолат, сўнгра бўри ўрнидан турди-да, думини қистанча ҳамон дарахтзор ораб кетди.

Шундай қилиб, мен ўрмонда бўрини кўрқитдим.

*Аҳад МУҚИМОВ,
Шаҳрисабз.*

ЧИНОРЛАР АБАДИЙ ЯШАЙДИ



Таникли кримтатар адиби Шомил Алялин саксон ёшга тулган кунлари эди. Туй арафасида учрашиш ниятида кунгирок килдим. «У киши Дурмонда», дейишди.

Дурмонга бордим. Оксокол алибни куюк соя-салкин ташлаб турган, гуркираб устан чинорлар тагида учратдим. Сухватимиз ҳам шу ерда кечди.

-Бу чинорлар экилганда мен эликвойлар каторида, айни кучга тулган пайтим эди. Баъзилар бу чинорларни кўриб, «килганга ярим аср бўлгандир» дейишади. Чорак аср давомида шундай хайбатли дарахтга айланганига ишончилиги келмайди. Начора, умр югурик дарё деганлари шудир-да. Баъзан шу чинорлар тагида утириб хаёлга толаман. Кечган умримни эслайман. Крим тоғларга туташиб кетадиган юртим - Махулдир кишлоғи, унинг боғлари, кўкка урлаган тераклари, уйимиз, тўрт-беш ёшларимда вобом билан юрган кўчалар кўз олдимдан ўтади. Одам кексайган сари болалик йилларини кўп хотирлар экан. Бу хотиралар нафақат ҳаётингда, балки асарларингда ҳам ўз аксини топа бораркан. «Булоқчалар», «Тасалли», «Иблиснинг зиёфатига лавбат» каби асарларим ана шундай хотиралар, тарихий воқеалар асосида яратилган.

Саксон ёш... Аллоҳ менга шунчалик умр берганидан бехад хурсандман. Шунданми баъзан ёшлар менга оксокол деб мурожаат қилишади. Оксоколлик ёш билан боғлиқ, лекин у адабиёт учун буюк сўзлар. Бу буюк сўзга муносиб бўлмоқ гоят қийин. Адабиётдаги оксоколлик ёш билан эмас, халққа қилинган хизмат билан ўлчанади.

Яқинда архивмадаги материалларни варақлаб утириб, бир нарасага кузим тушди. «Тонг булбули» деб номланган дастлабки шеърим экан. Исmoil Гаспринскийга бағишланган бу шеър 1927 йилда Кримда чиқадиган «Ёш кувват» газетасида chop этилган. Мана, шундан бери орадан 65 йил ўтибди... Мен нега айнан бу воқеани эслайман? Чунки, илк машқларимдан тортиб, деярли барча асарларимда бу улўф сиймо рухияти ва унинг таълимоти етакчилик қилади. Тўғри, бу сиймо ҳақида нафақат ёзганим учун, ҳатто номини тилга олганим сабаб таъқиқларга учраганман, асоссиз танқидларни эшитганман. Лекин бирор марта бўлсин унинг халқимиз учун қилган хизматларига

шубҳа билан қараган эмасман.

Ҳар бир адиб учун ижодила асос мавзулар бўлади. Мен учун шундай мавзулар - халқимизнинг қийинчиликда кечган умри. Кримдан қувғин қилиниши, Ўзбекистон билан боғлиқ тақдир, ўзбек ва кримтатар халқлари ўртасидаги азалий дўстлик, биродарликдир. «Агар севсан» романим Чирчик курувчилари ҳаётидан хикоя қилса, «Тонг отгунча чарақлаган чироклар» романим Охангарон кончилари ҳаётидан олиб ёзилган. Қуриниб турибдики, ҳар иккала асарим ҳам Ўзбекистон билан боғлиқ. Бошқача ҳам бўлиши мумкин эмас, чунки менинг 60 йилдан ошиқ ҳаётим шу гўзал юрт, меҳнатсевар халқ тақдир билан боғлиқликда кечди. Қолаверса, аждодалари чорвадор, леҳкон ўтган кримтатарларнинг орасидан қийинчилик билан бўлса-да, ишчи синфи етишиб чикишига шу ерда замин яратилдики, бу ҳам эътиборга сазовордир.

Кейинги йилларда кўпроқ тарихий мавзуларда асарлар яратилмоқда. Буни ҳам ўзбек ва кримтатар адабиётлари учун қонуний деб биламан. Чунки, кўп йиллар тарих ҳақида ёзиш ман қилинган эди. Агар бирор асар яратилиб қолинса, дарҳол у танқид остига олинар, гўё тарихимиз асоссиз макталгандай бўларди. Эндиликда бу мавзуда кўплав асарлар пайдо бўлмоқдаки, бу халқларимизнинг ўз-ўзини англаб етиши учун ниҳоятда зарурдир.

Ўзбек адабиёти билан, Ўзбекистон билан қисматдошлик менга катта ижодий имкониятлар очиб берди. Мен Ойбек, Аваулға Қаххор, Ғофур Ғулом, Миртемир, Комил Яшин, Мақсуд Шайхзода, Зулфия каби ижодкорлар билан дўстлашдим, улар билан ўзаро ижодий мусохабаларда бўлдим. Асарларимнинг деярли барчаси ўзбек тилига таржима қилинди. Қилган хизматларимни ўзбек халқи гоят юксак қадрлади, ҳуқумат юксак унвонлар билан тақдирлади. Умуман, бунадай гўзал юрт билан тақдирим боғланганидан миннатдорман.

Шомил ака билан хайрлашар эканман, у киши янги нашр этилган «Буровчилар» деб аталган китобини совға қилди. Унда алибнинг турли йилларда ёзган асарлари жамланган, очерклари, шеърлари урин олган эди. «Китобда мана шу умрбоқий чинорлар ҳақида ҳам ёзлим», деди у таваққум билан. Машинада қайтаётган китобни варақладим. Ҳа, унда чинор умридай ҳаёт кечирган, мангуликка дахлдор асарлар яратган алибнинг ўз ҳаёт йўли ҳам аксини тошган эди...

Афсуски, бу бизнинг сунги учрашувларимиздан бири экан, алиб 1996 йили туғилган юрти Кримда вафот этди.

Бугун мен алиб билан кўплав учрашувларимизни эслайман, унинг асарларини варақлайман, таржимай ҳолини кўздан кечираман. Йигирманчи аср кримтатар адабиётининг дарғаларидан бирининг ҳаёти ва ижоди ёшларга намуна бўлса ажаб эмас, деб шу сатрларни қоралайман.

Шомил Алялиннинг болалиги Кримдаги Ай-Петри урмонлари қуйнига жойлашган Махулдир кишлоғида ўтди. У ўн беш ёшида эканида газетала илк шеъри эълон қилганди.



1928 йили ун олти ёшли Шомил Симферополдаги педагогика техникумига кириб ўқиди. Кетма-кет ёш шоирнинг «Ёр қудди, кук қудди», «Кизил казак куйлари», «Ҳаёт» каби тўпламлари нашр этилди. Ёзувчи 1932 йили Тошкентга келди, Чирчиқ электрокимё комбинатининг курилишида экскаваторчи бўлиб ишлади, Мелиорация институтида тахсилини давом эттирди. Комбинат курилиши унинг ҳаётида ўчмас из бўлиб қолди. Ордан йигирма йил ўтгач, комбинат ишчилари ҳақида «Агар севсанг» романини ёзди.

Шомил Алядин фашизмга қарши урушнинг бошидан охиригача қатнашди. Урушдан кейин яна Тошкентга келиб, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раҳбари Ойбекнинг таклифи билан уюшмага ишлаб бошлади.

Аслида Ўзбекистон билан боғлиқлик фақат Алядиннинг эмас, бутун қримтатар халқининг қисматида бор эди.

1945 йилда СССР Ёзувчилар уюшмаси қарорига мувофиқ, қримтатар ижодкорлари унинг сафидан чиқарилади ва баъдий ижод билан шугулланишдан маҳрум этилади. Натижада кўпчилик ижодкорлар Ўзбекистонга сургун этилгандан кейин, кун кечириб учун турли соҳаларда меҳнат қилишга мажбур бўлдилар. Ана шундай шароитда ўзбек халқи қримтатар халқига маънавий ёрдам берди. Шомил Алядин Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети масъул ходимлари билан учрашиб, қримтатар халқининг ҳаёти шу ҳолда давом этаверса, бу миллат тез орада тили, тарихи ва урф-одатларини унутишини, ўзи руҳан таназулга юз тутишини айтиб, халқни бу оғир вазиятдан қутқариш учун унинг тилида газета ва китоблар нашр этиш, санъатини юксалтириш каби таклифларни ўртага ташлади. Шу йиллари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби бўлиб ишлаган Нуридин Акрамович Мухитдинов адиб билан учрашди.

Республика ҳукуматининг қарори билан қримтатар тилида газета нашр қилини, ансамбль ташкил этилади, радио ва телевиденияда эшиттиришлар берилди бошланди. Ёзувчилар ижодий муҳитга қайтдилар. Бу ишларга Шомил Алядин бош-қош бўлди. Лекин у адабий фаолиятини бир дақиқа ҳам тўхтатмади. У айниқса қисса жанрида кўпроқ шухрат қозondi. «Шомил Алядиннинг шундай қиссалари борки, уларни жаҳон новелистик адабиётининг энг яхши намуналари билан бир қаторга қўйиш мумкин», деб ёзган эди таниқли адабиётшунос Матёкув Қўшжонов. Бунда у ёзувчининг «Иблиснинг зиёфатига даъват», «Тасалли», «Қурбонлар номи билан», «Элмаз», «Қуюн тўхтаганда» сингари қиссаларини назарда тутган.

Хуллас, шу йиллари ўзбек халқининг баҳоли қудрат ёрдами туфайли қримтатар адабиёти ўз тараққийтини бироз давом эттирган экан, бу соҳала адиб Шомил Алядиннинг ҳиссаси салмоқли бўлди.

Очигини айтиш керак, қримтатар адабиёти тарихи ўз вақтида тўла таъкиқ этилмаган. Зеро, бундай фаолият учун халқда имкониятнинг ўзи ҳам бўлмаган. Аввало, бунга чоризм мустамадакиси йўл бермади. Масалан, Амет Ўзенбошли Қрим давлат нашриётида 1925 йилда чоп этилган «Қрим фожиялари» китобида рус чоризми даврида 6 миллионлик қримтатар халқидан 250 минг қолганлигини, бошқалари эса қувғин қилиниб, улдирилиб, сургун этилганини ёзди. Совет даврида эса ана шу 250 минг кишилиқ халқ бор-йўғи 20 йил давомида ўз юртида яшади, холос. Шунда ҳам қатағонлар азобини бошидан кечирди. 1944 йилнинг 18 майидан кейин халқимиз Қримдан сургун этилиб Уралга, Сибирга, Ўрта Осиёга қувғин қилинди. Хуш, ана шундай шароитда тарихимизни, маданиятимизни ва маънавий меросимизни таъкиқ этиш, тилимизни, динимизни, урф-одатларимизни асраб қолиш

осон бўларми? Йўқ, албатта. Тўғри, халқимиз орасидан буюк сиймолар оз этишиб чиқмаган. Лекин улар тақдири ҳам халқимиз ҳаёти сингари фожияли кечган, ўз даврида етарлича кадр-қиммат топмаган. Россияда туркий халқлар орасида биринчи бўлиб «Таржимон» газетасини нашр қилдирган, илк туркий роман муаллифи Исмоил Гаспринский, туркий тиллар ва адабиётлар ҳақида жиддий таъкиқотлар яратган ажойиб шоир ва академик, Самарқанд, Тошкент, Бухоро ва Фарғона институтларида лекциялар ўқиган Бекир Чувонзода, чоризм даврида Петербургда биринчи араб ҳарфларида китоблар чоп этилган восмаҳона очган, шарқ тилларидан рус шарқшуносларига дарс берган Илёс Бораганский каби алломалар қидр-қимматини тиклаш Шомил Алядин зиммасига тушдики, адиб бу вазифани шараф билан ваъжарди.

Шомил Алядин қримтатар халқининг фожияси - сургунлик йилларини бошидан кечирган адиб сифатида ижодада умрининг кўп қисми ўтган гўзал Ўзбекистонга икки ажойиб асар - «Агар севсанг» ва «Тонг отгунча чарақлаган чироклар» романларини бағишладики, бу билан елкама-елка туриб, уруш қийинчиликларини бардошлиқ билан енгган, қардошларига ёрдам қўлини чузган ўзбек халқига юрак миннатдорчилигини билдирди.

Ёзувчи «Яшил ливосли қиз», «Булоқчалар», «Буровчилар» сингари тўпламларига кирган ҳикоя ва қиссаларида ҳам 70-80 йилларда Ўзбекистонда яшав меҳнат қилган қримтатарлар ҳақида ҳикоя қилади.

Атоқли сўз санъаткори Шомил Алядин ўзининг кўп йиллик меҳнат фаолиятини Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан боғлади. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси котибалигига сайланди. Адабиёт жамғармасини бошқарди. Ёш томошавинлар театрининг директори бўлиб ишлади. Ўзбек адабиётининг дарғалари - Ойбек, Уйғун, Абдулла Қаҳхор, Қомил Яшин, Шароф Рашидов каби адиблар билан ҳамнафасликда, ҳамфикрликда меҳнат қилди.

Шомил Алядин Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида қримтатар адабиёти кенгагини тузишда, «Йилиз» («Юлдуз») адабий-баъдий журнални ташкил қилишда, шунингдек сургунлик йилларида она тилида мактаб қўрмаган истеъодларни тарбиялашда бош-қош бўлди.

У саксон тўрт ёшида XVI асрда яшаган Қрим хони Ислам Гирай ва унинг саркардаси Тоғайбей ҳақида асар ёзди.

Ёзувчи халқ виждони деган гап бор. Ҳақиқий қаламкаш ҳамиша шундай бўлиб қолаверди. Шомил Алядиннинг улкан хизматлари баралла айтилаётган экан, демак ёзувчи бу юксак унвонни оқлабди. Қримтатар халқи ўзининг маданияти, адабиёти дарғалари қаторида, сўз устаси, санъаткори, энг мураккаб, мушкул дамларда ҳам имон-эътиқолига солиқ қолган, ҳамиша ҳақ сўзни мардона туриб айтган, ижтимоий адолат, адабиётимизнинг софлиги, баъдий юксаклиги учун бетиним муросисиз кураш олиб борган асл ўғлони Шомил Алядин билан ҳам фахрланди.

Ўзбекистонни юракдан севган, келажаги буюк давлат эканини ўттигинчи йиллардаги асарларидаёқ қайл этган Шомил Алядин туркий халқлар орасида ўзбекларнинг нуфузи гоят юксаклигига ишонч билан қаради.

Шомил Алядин ўзбек ва қримтатар адабиётларининг заҳматқашларидан бири бўлиб қолди. Ўзини икки эл фарзанди деб билган, ўзбек адабиётининг дўсти, устоз адиб Шомил Алядиннинг порлоқ хотираси авлодлар томонидан эъзозланмоқда, китобхоналар юрагида агадий сақланмоқда.

Сафтер НАГАЕВ,
қримтатар адиби

РАЙАҚАПАЧ САЛТАНАТИ

Тоғга, дам олишга кетаётган рақбар чап кўлини сийтаб, ҳайдовчига амр қилди:

- Чапга бурил, бахтли манзилга...

Машина тоғ бағридаги булоқ бўйига келди. Рақбарнинг кўнгли яйраб кетган, ҳамма билан ҳазиллашган, мукофотлар ваъда қилган...

Атрофидагилар ҳам шод, ҳайдовчидан нима гаплигини сўраб-суриштиришгач, ниҳоят рақбарнинг чапақайлигини сезиб қолишган...

Бу хабар атрофга тез тарқалди. Рақбар кетгач, маҳаллий рақбарча катта ҳарфлар билан тоғ бағрига ёзиб кўйди: «Чапга, бахтли манзилга!»

Чапақайлик бошланди, чапақайларнинг иши юришиб кетди. Мансаблар энг аввал чапақайларга бериладиган бўлди. Чапақай ўқитувчи мактабга директор бўлди, уйлари фақат чап тарафга қурган муҳандис бош меъмор бўлди.

Олимлар чапақайликнинг фойдаси ҳақида илмий ишлар ёзиб бири академик, бошқаси эса доктор бўлган. Шоирлар эса чап кўлга атаб шеър, дoston, қасидалар битган.

Бозорда кўйнинг ҳам, товукнинг ҳам фақат чап оёғи сотиладиган бўлди.

Ваҳимачилардан бири ўнг кўлликни «халқ душманларининг эскича одати» дея эълон қилиб, шартта ўнг кўлини қирқтириб ташлади.

Ишхонада ходимлардан бири оиласида жанжал кўтарилибди:

- Хотиним чапга юради.

- Замоनावий аёл экан! - деди унинг бошлиғи.

- Мен уни ўлдираман!

- Жим, чапга сиёсий тус берилган. Сен ҳам чапга юр.

- Эпложмайман...

- Ия, мансабингга лойиклигингга шубҳам пайдо бўлди...

Бечора ходим назардан қолиб, мансабидан бўшатилади.

Чапақайлик мусобақаси авж олди. Чап оёқка янги пойабзал ихтиро қилинди, аёллар кўйлагининг чап энги атласдан, ўнг энги эса бўздан тикила бошланди. Кўзойнақлар ҳам фақат чап кўзли бўлиб чиқадиган бўлди.

Рақбар... ҳайратда қолди. Сўнг дарҳол ҳаммани йиғиб, мажлис қилди. Ўнг ва чап тараф бирлиги ҳақида сўзлаган эди, қарсақбозлик бўлиб кетди.

Ўнг кўлини кесиб ташлаган ташаббус бандаси ўрнидан отилиб турди:

- Доно рақбаримизнинг олтин фикрлар мавжуд сўзларига кимки кўшилса, чап тарафга ўтиб овоз берсин.

Оломон чап кўлини баробар кўтариб залнинг

"ЁШЛИК" КА МАКТУБЛАР...

СИЗ СЕВМАГАНСИЗ, ЗОҲИДА...

"Ёшлик", 3-сон. "Бахтли бўлишга
ҳаққим йўқми?.."

...Мақолани ўқиб, ҳайратдан ёқа ушладим.

Наҳотки шунчаликка бориб етсак?!

Назаримда, ҳаммасига қиз айбдор. Чунки йигит севган қизининг номусини поймол қилмайди. Агар ҳақиқатан севса.

Зоҳида опа! Наҳотки шунчалар гўл бўлсангиз-у, ижара хонамга олиб кетаман деса индамасдан етаклашиб бораверсангиз? Ахир шу таклифнинг ўзиёқ йигитнинг сизни севмаслигини кўрсатиб турибди-ку!

Ажабо, сизда ўша пайтда йўқ мулоҳаза воқеа бўлиб ўтгандан кейин бирдан пайдо бўлиб қолдимиз? Сизнинг иккинчи бор турмушга чиққанингиз эса аслида сиз ҳам йигитни астойдил севмаганингизни исботлапти. Агар севганингизда эди,

суюқлигингизнинг боласини боқиб ўтиравердингиз.

Шунақа гаплар. Ишқ бошқа ҳавас бошқа...

З. ЎРОҚОВА,

*Мирзачўл тумани, Абай
ширкатлар бирлашмаси*

ЯХШИ АСАР БЎЛИБДИ

Ҳурматли таҳририят!

Журналнинг 2-сонини мириқиб ўқиб чиқдим. Менга айниқса ёзувчи Исмоил Шомуродовнинг "Машмаша" қиссаси ёқди. Асарни ҳам кулиб, ҳам... йиғлаб мутолаа қилдим.

Назаримда, мана шундай қизиқарли, таъсирчан асарларни қанча кўп эълон қилсаларингиз, шунча яхши бўлади.

Айни чоғда кичик-кичик ҳажвий асарлардан ҳам чоп этиб туришларингизни сўрайман.

Эргаш АТОЕВ,

*Қизилтепа тумани,
"Бўстон" жамоа хўжалиги*

«ЁШЛИК» ДОИМО ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛСИН!

Мухтарам мухлисларимиз! Ўтаётган асримизнинг сўнгги йилига ҳам қадам қўймоқдамиз. Не бахтки, Сизу бизга икки асрни кўрмоқ саодати насиб этаяпти...

1999 йил "Ёшлик" учун самарали кечмоқда. Мунтазам равишда, ўн мингдан ошиқроқ нусхада чоп этилиб турган журналимиз саҳифаларида режалаштирилган асарларимизнинг деярли барчасини эълон қилишга муваффақ бўлди.

Эшик қоқиб турган 2000 йилга эса янги мўлжаллар, янги орзулар билан кириб бориш тадоригидамиз.

Шубҳасиз, тарих саҳифаларида алоҳида қайд этилишга арзигулик сана бўлиб қоладиган 2000 йил Сизу биздан алоҳида эътибор, айрича масъулият талаб қилади.

Табиийки, 2000 йилда биз деярли йигирма йилдан бери давом этиб келаётган анъаналаримизга огишмай амал қиламиз. Хусусан, мамлакатимизнинг олис-яқин ҳудудларида истиқомат қиладиган янги истеъдодларни кашф этишни қанда қилмаймиз; Сизни ўзбек ва жаҳон адабиётининг энг сара асарлари билан таништиришда давом этамиз; бугунги ёшлар ҳаёти, бозор иқтисоди муаммолари, ҳуқуқий маданият, диний оқимлар, маданият ва маърифат мавзуларида туркум мақолалар чоп этамиз; бебаҳо меросимиз, боқий кадрларимиз тўғрисида қизиқарли мақолалар эълон қиламиз; эл меҳрига сазовар бўлаётган иқтидорли санъаткорлар ҳақида суратли чиқишлар ҳам журналимиз саҳифаларидан ўрин олади.

Айни пайтда журналимиз қиёфасини белгилашга хизмат қиладиган доимий "Кўнгил дафтари", "Ҳозирги ёшлар", "Қалб манзаралари", "Ижтимоий онг. Дунёқараш. Ёшлар", "Муҳаббатнома", "Мувозанат", "Моҳият", "Ишқ бошқа, ҳавас бошқа", "Бозор илмидан сабоқлар" рукнларида ҳам қатор-қатор қизиқарли, баҳсга, мушоҳадага чорловчи мақолалар эълон қилишни кўнгилга туғиб қўйганмиз.

Таассуфки, қоғоз танқислиги ҳамда етказиб бериш харажатлари ошгани боис, журналимиз айниқса вилоятларга жуда кам миқдорда сотувга чиқарилаяпти. Шунинг учун, азиз ўқувчиларимиз, агар доғда қолмай десангиз, "Ёшлик" журнаliga ўз вақтида обуна бўлганингиз маъқул.

Обуна нархи қиммат эмас: бир сонига - 200 сўм, бир йилга -1200 сўм (етказиб бериш харажатлари турли вилоятлар учун турлича).

Индексимиз: якка обуначилар учун - 822; ташкилотлар учун - 968.

Шошилинг! Обуна бўлиб қўйинг ва "Ёшлик" Сизнинг доимий ҳамроҳингизга айланади.

"Ёшлик"нинг яқин сонларида ўқийсиз:

Асад ДИЛМУРОД. Оқ аждар сайёраси. Фантастик қисса.

Хабибулло ЗАЙНИДДИН. Алангали лаҳзалар. Қисса.

Икром ОТАМУРОД. Янги дoston.

Йўлдош СУЛАЙМОН. Мен сизнинг қулингизман.

(Ҳасбиҳол).



**ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ
ЁНИБ ЯШАШ КЕРАК!****Муассислар:**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,
Ўзбекистон Республикаси ёшларининг
"Камолот" жамғармаси

Жамоатчилик кенгаши раиси:
Абдулла ОРИПОВ

Жамоатчилик кенгаши:
Алланазар АБДИЕВ
Ўрол АБИЛОВ
Келдиёр ИСРОИЛОВ
Абулқосим МАМАРАСУЛОВ
Низомиддин МАХМУДОВ
Нурмат ОТАБЕКОВ
Ахмад ОТАБОЕВ
Қобил СОЛИХОВ
Йўлдош СУЛАЙМОН
Ахмад УСМОНОВ
ШУКРУЛЛО
Қахрамон ҚУРОНБОЕВ

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:
Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ

Масъул котиб:
Акбарали МАМАСОЛИЕВ

Таҳрир хайъати:
Хотам АБДУРАИМОВ
Одил ЁҚУБОВ
Абдул Ғани ЖУМА
Абдусайд КЎЧИМОВ
Тўхтамурод РУСТАМ
Вафо ФАЙЗУЛЛО
Йўлдош ЭШБЕК
Муҳаммад ЮСУФ
Собир ЎНАР
Ғаффор ХОТАМОВ
Шодикул ХАМРОЕВ
Лукмон БЎРИХОН

Ёшларнинг адабий-ижтимоий журнали
1982 йилдан чиқа бошлаган

Ушбу сон "Ёшлик" журнали таҳририяти-
нинг компьютер марказида саҳифаланди.

Саҳифаловчи:
Саодат ТЎЛАГАНОВА

© "Ёшлик" № 5 (169) 1999 й.

Муқоавмизда:

1-2-4-бетлар. Ёшлик сурури...
3-бет. Устоз мунаққид

Озод ШАРОФИДДИНОВ.
(А. Жумаев фотолари)

ИЖТИМОЙ ОНГ. ДУНЁКАРАШ. ЁШЛАР
Ибодулла ХОЛЛИЕВ, Тўлқин МИРКОМИЛОВ.
Истикбол ҳақиқатлари 1

НАСР

Тўхтамурод РУСТАМ. Капалаклар ўйини.
Роман 8

НАЗМ

Гулжамол АСКАРОВА. Озодлик 6
Вафо ФАЙЗУЛЛО. Менга мен ҳақимда ҳеч нима
дема 24

"АЛПОМИШ" ТАНТАНАЛАРИГА

Рауф СУБҲОН. "Алпомиш" 26

НАФИС МАЖЛИСЛАР

Шеърят - гўзал малак: ГУЛШАН, Дилдора
АБДУЛЛАЕВА, Муҳайё МИРСАЙДОВА, Наргиза
ЁҚУБЖОН кизи, Моҳигул ЎКТАМ кизи, Ойгул
УБАЙДУЛЛО кизи, Шоира ХАСАН кизи, Шахло
АХРОРОВА, Нигора ЙЎЛДОШЕВА, Гулнора
ҚУРБОНОВА, Наргиза ҚУРОНБОЕВА, Юлдуз
ХАКИМОВА 39

ЁДНОМА

Сафтер НАҒАЕВ. Чинорлар абадий яшайди 44

ИЖОДҚОР ЎҚИТУВЧИЛАР

Шаҳрисабз илҳомлари.
Одилхон АБДУМАЖИДОВ. Билсанг эди. Гумон.
Қатрлар 43
Аҳад МУҚИМОВ. Ўрмон бўриси.
Қатра 43

ХАЖВ

Акбар ЮНУСОВ. Чапақайлар салтанати 46

"ЁШЛИК"КА МАКТУБЛАР

З. ЎРОКОВА. Сиз севмагансиз, Зоҳида 46
Э. АТОЕВ. Яхши асар бўлибди 46

ОБУНА - 2000

«Ёшлик» доимо ҳамроҳингиз бўлсин! 47

Манзилмиз: 700000, Тошкент, Жавохарлаъл Неру, 1-уй
Телефон: 133-40-83, 133-44-73

Босишга 08.09. 1999 йилда рухсат берилди. Қоғоз формати
60x84 1/8. Шартли босма табоғи 12,2. Нашриёт ҳисоб табоғи
12,0 Буюртма № 4694. Индекс - 822, Тапшиқлотлар учун - 968

Журналдан кўчириб босилганда "Ёшлик"дан олинди деб
изоҳланиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси "Шарқ" нашриёт-матбаа
концернининг босмаҳонаси, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-
уй.